

63.3

А60

Мидула ДАДАБОЕВ




# АМИР ТЕМУРНИНГ

харбий маҳорати

Ҳамидулла Дадабоев

АМИР ТЕМУРНИНГ  
ҲАРБИЙ МАҲОРАТИ



Тошкент  
«Еаувчи» нашриёти

Шарқ ва ҳарб тиілларида буюк тарихий сиймо Темурбек тарихига оңд солномалар, адабий-бадиий, илмий асарлар вужудда келди. Жаһонгир дақындағи ҳар дөні ҳам реал тарихий воқеаликка мос келавермайдын тұрали-тұмай афсона ҳамда ривоятлар түкіліп, машириқу магрибга тарқалып кетди.

Сир эмас, совет тарихшуюнослиги, сиёсатшуюнослиги ва адабшүшинослигі Соҳибқирон ҳаёті ва фәолияти, у яратған марказлашған давлатнинг туб мөхияти, бөш гояси, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, диний нұқтаи назардан жаһон тараққиетіда туттаған үрні ва ақамияти аксарият ҳолларда ҳұкмрон марқұлашынча дүнекарааш замырида сохталаштирилди, мазмұни жүрттага бузыл талқын қилинди.

Истиқолол туғайлы реснубликамызда содир булаёттан туб демократик ұғарыш ва қаңта күриш жарабаш Темурбекнинг туркій халқтар давлатшылығы айналасарларини, тақрибаларини, ислом ҳамда шариат қонуи-қондаларини барып этилған құдратли давлатнинг асосий дастури қилиб, үз сиёсати ва ҳұкмнин замыннинг жуда кеңг мінтақаларига ёйғанлығы ҳақындағы бор ҳақиқатин бекаму күст билишга, рүй-рост ағыннан имконият яратди.

Бутун оғылдырылған « frosti rastisi », яғни «әңг үлсанг, налож тонасан», «куч-адолатда» сингары нисониарварлық рухи билан йүргілганд шорлатарға сүяңған ҳолда сиёсати юритишга сарф қылған Темурбекнинг табиат инъем әтган ақыл-заковат, қобилят ва ҳармий маҳораттам ишга солыб, давлатни идора қилини усул ҳамда услублары айдозаларини белгилаб бериш борасидаги саъї-харалатлары, илгари сурған фикр-мулоҳазалары үз үтмишінде яптынан изар болып өндештеган бүгүнніг авлод томонидан ҳар томонлама чуқур измін асосда үрганилмоги, ижтимоий ған соҳалары мұтахассислары олиб боражак тадқиқоттар үзүн мавзу бүлмөгін керак.

Бизнингча, Темурбек асос солған марказлашған ийрик феодал жамият ва у олиб борған сиёсат түгрисидеги холис фикри спёсатшуюнослар, ҳұкуқшуюнослар, тарихчилар, иқтисодчилар айтгани мақсадда молик.

Биз эса китобхонлар ағжор оммасига ҳавола қилинаётган ушбу рисолада Темурбекнинг жаһошумул обрў-эътибор ва шоншуҳрат тәсішида бөш омыл ҳисобланған жиҳат, яғни саркардалық истеъоди, ҳарбий маҳорати, жаһон ҳарб санъаты ривожига құшған үлкан ҳиссаси хусусида майдаларда қайд этилған аниқ маълумотларға тәннін тарзда үз мулоҳазаларимизни баҳоли құдрат болдырмоқчымыз, холос.

Мұхтарам үқувчиларимизни ушбу рисолада Соҳибқирон исемнинг Амир Темур эмас, балки Темурбек шаклида берилши албатта, қызықтырса керак. Бу борада шуни алоҳида таъқиддаш лозым бұладыки, Мовароуннахрда түркійда битилған асарларнинг деярлі барчасыда жаһонгирнинг муборак иоми ушбу рисолада көлтирилған шаклида қайд этилған. Заҳирiddин Мұҳаммад Бобур үзиннинг машхұр «Бобурнома» асарыда Соҳибқирон номини үттіз марта тиілгә олар экан, бирор марта ҳам Амир Темур демасдан Темурбек деб юртади. Ушбу ҳолатни біз Алишер Навоий асарларыда, Мұхаммад Солиҳиден «Шайбонийнома» достонида, мұаллиғи номаълум «Таворихи гузіда. Нусратнома» (XVI) сингары ёзма обидаларда күзатышымиз мүмкін.

Соҳибқироннинг биз көлтираётган тарада номланишини у зот бархадттығыда бәзілған хужожаттар, куидаликлар ҳам тасдиқланды.

Жумладан, 1403—1406 йыллар давомында Самарқандда расмий

ташриф билан булган Испания элчеси Руи Гонсалес до Клавихо Сохибқиронинг ҳақиқий номи Темурбек эквалигиниң кайд этиб ўтади.<sup>1</sup>

Англия қироли Генрих IV нинг 1402 йили, Франция қироли Карл VI нинг 1403 йил 15 июнида Сохибқиронга пуллаган мактубларида ҳам Жаҳонғирининг номи Темурбек шаклида көлтирилади.<sup>2</sup>

Юқорида зикр этилган ашёвий далиллардан келиб чиқсан ҳолда буюк юртдошимизниң исмини аксариит форсий адабиётда қайд этилган, Эрон ва Турон халқлари орасида шұхрат топған Амир Темур шакли билан бир қаторда Темурбек шаклида құллаш ҳам максадда мувофиқдир.

---

<sup>1</sup> Қаравг: *Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самаркандин двору Тимуру [1403—1406].* Перевод со староспансского. М., Наука, 1990, б. 69.

<sup>2</sup> Қаравг: *И. Умияков. Из истории международных отношений Средней Азии с западной Европой в начале XV в.* М., 1960, б. 7, 8.

## ИСТЕДОНИИГ САЙҚАЛ ТОПШИИ

Темурбек иби Тарагай иби Абагай 1336 йилиниг 9 апредида Мовароунархининг гўзал шаҳарларида бириниши Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) га қарашли Хужа Ил-гор қишилогида дунёга келди<sup>1</sup>.

Темурбек ёшлик чогидан ҳарб ишига узгача муҳаббат ва эҳтирос билан қарай бошлади. Унда ҳарбий санъатга бўлган қизиқишининг ута эрта найдо бўлишида падари бузруквори, амир Қазаган (1358 йили шаҳид бўлан) давлатиниг арконларида бирини, мардлиги, шижоати ва олижаноблиги билан ном чиқарган амир Тарагайнинг (1360 йили вафот этган) маълум даражада таъсири борлиги шубҳасиз.

Навқирон ёшга етган Темурбек салкам бир ярим асрлик мутгуллар истибододига чек қўйини, феодал тарқоқлик натижасида Чигатой улусида ҳукм суроётган узаро инизорлар ва урушларга барҳам бериш, ташқи ва ички зугум туфайли тикикаси қуриган ҳалқ оммасига мадад қўлинни чузиш, хароб бўлган шаҳар ва қишлоқларни қайта обод қилиш, улусни ташқаридан бўладиган босқинлардан ҳимоя қилини сингари олижаноб мақсадларни юзага чиқаришиниг бирдан-бир нўли — ҳокимиятни қўлга киритиш эканлигини яхши аинглаб стади. Яқин йиллар ичида рӯёбга чиқажак режалари ҳақида Темурбек аввалдан уни қуллаб-қувватлаган, кейинчалик эса унинг садоқатли ва ишончли бек ҳамда саркардалари қаторидан ўрин олган Аббос, Довуд, Қумари, Муайяд, Сайфуддин, Сарибуға,

<sup>1</sup> Караванг: *Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фия тарихи Таймур* [Темур тарихида тақдир ажойибботлари] Тошкент. Мехнат, 1992. 6-б; *Руч Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия по двору Тимура в Самарканд в 1403—1406 годах. Подлинный текст с переводом и примечаниями И. И. Срезневского*. СПб, 1881, б. 238. Якубовский А. Ю. Тимур [опыт краткой характеристики] Вопросы истории. 1946. № 8—9. б. 53.

Идику Темур, Жаку каби тенгүрлари билан очиқдан-очиқ үртоқлашар эди. Дүстлари Темурбекининг яқин кезларда давлатни әгалланып, жуда катта ҳудудда барпо этиладиган кучли салтанатга асос солинш, атокази саркарда булиб етишишини олдиндан сезғандай үзлариниң унга яқин тутар, у бел боллаган жуда масъулиятли ва шарафли ишига киришиниң мададкор булишлариниң рўй-рост баён қилардилар.

Темурбек қасд қилган юмушни ниҳоясига етказишда унга таянич ва суюнич булишга аҳд қилган, шодлик онларини ёки заҳмат азобларини у билан баҳам куришга, оғир дақиқаларда ундан юз үгирмасликка қасамёд қилган биродарларининг бегараз кўмаги ва айниқса, мўгул босқинчилари зулмидан изият чеккан Мовароуниҳр халқи барча табақаларининг қуллаб-қувватлаши ҳамда бевосита иштирокида 1370 йили ҳокимиятни кўлга олиш, Шимолий Аиадўли, Ҳиндистон каби минтақаларга бир лигидан маҳрум бўлган мамлакатни бирлаштириш, истиклолни қайта тиклани бахтига муяссар булади.

Темурбек таҳтга утириш боиси үлароқ ижтимоий, сиёсий, иктиносий ҳаётда содир бўлган ижобий узгаришлар уз ифодасини ҳарб ишида ва ҳарбий санъатда ҳам памоён этади.

Асосий карвон йўллари устидан назорат ўринатиш<sup>1</sup>, улус қудратини янада ошириш, ҳалқ турмуш тарзини яхшилаш сингари устувор мақсадлар йўлида Темурбек ўша даврда тенги йўқ ҳарбий кучлари билан Жата, Эрон, Афғонистон, Кавказ, Ироқ, Шом, Миср, Дағити Қипчоқ, Шимолий Аиадўли, Ҳиндистон каби минтақаларга бир неча бор қўшин тортиб борди, оламшумул зафарлар қучди.

Ҳарб тарихи Темурбекни жаҳоннинг энг буюк саркардаларидан бири сифатида, ҳақли равнида, тан олади.

Унинг ҳарбий истеъоди асосан иккى йўналишида: мөҳир ҳарбий ташкилотчи ва атоқли саркарда тарзида ёрқин намоён бўлди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Самарканд при Тимуре и тимуридах. Очерк А. Ю. Якубовского с двадцатью автотипиями. Л., 1933, б. 13, 15-16.

<sup>2</sup> Қаранг: Муминов И. М. Роль и место Амира Тимура в истории Средней Азии. Ташкент, 1968, б. 28—29; Граков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрта ва унинг қулаши. Тошкент, 1956, 288—318 б. Автобиография Тимура. Богатырские сказания о Чингисхане и Аксак-Тимуре. М.—Л., 1934; Иванин М. И. О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингише и Тимурлане. СПб., 1875; А. Ю. Якубовский Тимур... б. 68.

Буюк лашкарбоши ва шоватор ҳарбий ташкилотчи си-  
фатида Темурбек ўта интизомли армия тузишга, муҳо-  
раба чөгвда қўшини қисмларини санъаткорона бошқариш-  
га, жаңг тақдирни ҳал бўладиган жойларга ҳарбий куч-  
ларни ўз вақтида усталик билан йўллашга, ҳар қандай  
тусиқ ва ғовларни тадбиркорлик билан босиб ўтишга,  
армиидаги жанговар руҳии керакли даражада ушлаб  
туришга мусассар бўлди.

Соҳибқирон түрк-мўгул халқлари, хусусан Чингизхон  
лашқари тузилишини, уларнинг жаңг олиб бориш амал-  
ларини атрофлича урганиб, тахлил қиласди ва зарур уз-  
гартиришлар киритади.

Темурбек барни этган армиянинг тузилиши Чингиз-  
хон тузган қўшини тизими ва тузилишига маълум дара-  
жада яқин бўлса-да, бироқ қўйидаги муҳим жиҳатлари  
билан фарқланар эди:

1. Чингизийлар қўшини ялни мажбурият асосида ҳар-  
бий хизматга чиқариладиган халқ лашкаридан иборат  
булган ҳолда, Темурбек армияси умумхалқ характеристига  
эга эмас эди.

2. Чингизхон даврида қўшини асосини кўчманчи омма  
ташкил қўлган эди. Темурбек қўшининг олий бош қу-  
мондан кўрсатган аниқ талабга биноан чорвадорлар қа-  
тори косибчилик, ҳунармандчилик, деҳқончилик билан  
машул утроқ аҳолидан ҳам сезиларли миқдорда аскар  
олинган<sup>1</sup>.

3. Темурбек қўшинида ҳарбий кучларнинг асосини  
ташкил қўлувчи оғлиқ аскарлар билан бир қаторда ниё-  
далардан тузилган қисмлар ҳам аинчагина бўлган. Маъ-  
лумки, Чингизхон қўшини, забт этилган мамлакатлар  
аҳолисидан мажбурий тартибда тузилган ҳашарни ҳи-  
собга олмаганда, ниёда аскарларга эга бўлмаган.<sup>2</sup>

4. Темурбек Шарқда биринчилардан бўлиб ўз армия-  
сига ўт сочар қурол, яъни тун-раъдии олиб кирди.<sup>3</sup>

5. Соҳибқирон тогли ҳудудларда жаңг ҳаракатлари  
олиб борувчи ниёдалардан тузилган маҳсус ҳарбий  
қисмларни ташкил қиласди.

<sup>1</sup> Қаранг: Греков Б. Д., Якубовский Ю. А. Олтии Үрда... 293 б.

<sup>2</sup> Қаранг: История народов Узбекистана. Т. 2. М., 1947. с. 382.  
Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтии Үрта... 293 б. Якубов-  
ский А. Ю. Тимур... б. 70.

<sup>3</sup> Қаранг: Беленицкий А. М. О появлении огнестального ору-  
жия в Средней Азии и Иране в XIV—XVI вв. //Известия АНССР,  
Таджик. филиал. Сталинабад. 1949.

6. Темурбек жаҳон ҳарб санъати тарихида биринчи булиб қўшинни жанг майдонида етти қўлга булиб жойлаштириш тартибини жорий этди.<sup>1</sup>

7. Темурбек армиясида аёллардан тузилган булималар булиб, улар жанг чоги эркаклар билан бир сафда турган, қаҳрамонлик ва матонат намуналари курсатган.<sup>2</sup>

Темурбек қўшинни ҳаркибини Мовароуниаҳр, Данити Қинчоқ, Хуресон, Эрон, Бадаҳишон, Мугулистон, Хоразм, Мозандарон, Жата сингари ерлардан йигилган аскарлар ташкил қиласр эди.

Унда мунтазам қўшинга хос булган қўигина белгилар мавжуд эди: қўшинсон жиҳатдан аниқ ва цухта ташкил қилинган, унинг жанговар тартиби — ясол жангдан-жангга такомиллаштирилиб борилган, армия ўз замонасиинг илгор қурол ва техникаси билан қуролланган, айнаи бир турдаги қурол-ярог, аслаҳа-аижом билан таъминланган, қисмлар бир-биридан кийим боши, тутган байроқ ёки туғи орқали ҳам фарқлашган.<sup>3</sup> Бундай ажралиб туриш жанг пайтида қўшинни бошқарышда жуда қўл келган.

Душман мудофаасини турли усуслар ёрдамида барбод қилиш, ганим томонининг йирик ва мустаҳкам мудофаа ишшоотларига эга булган шаҳарларига қўққисдан кучли зарба берини, забт этилган мамлакатининг бошликларини ва, айниқса, лашкарбошиларини ҳибсга олиш, қалъя ҳамда қўргонларни узоқ муддат давомида муҳосара қилиш, ёв кучларини иложи борича кенг қамровда қуршаб олиш, унинг қишлоқ, шаҳар, туман, вилоятларини бирин-кетин фатҳ этиш, душманни батамон яксон этгунга қадар таъқиб қилиши. Фатҳ булган юртларни бошқариш учун ўзининг ишончли вакилларини тайинлаш сингари стратегик мақсадларини кўзлаб иш юритиш Темурбенга кўплаб зафарлар олиб келди.

Тактика жиҳатдан Темурбек армияси ўзига хос хусусиятларга эга эди. Қўшинининг ясоли Қорахонийлар, Газиавийлар, Салжуқийлар, Чингизийлар қўшинни жанговар тартибидан фарқли ўлароқ, етти қисм — қўлга ажратилган, разведка аъло даражада йўлга қўйилган, қисмлариниң жанг майдонида ҳамда юриши вақтида талаб да-

<sup>1</sup> Қарағ: Якубовский А. Ю. Тимур... б. 70.

<sup>2</sup> Қарағ: Ибн Арабшоғ. Курсатилган асар... II катоб, 99—100 б.

<sup>3</sup> Қарағ: Резин Е. А. История военного искусства. т. II, М., 1957, б. 234.

ражасида ҳаракат қилини учун зарур тадбир ва режалар ишилаб чиқилган, уларни жаңг пайтида онератив болғаршыга алоҳида катта эътибор қаратилган. Темурбек ұллиқ, юзлик, минглик ҳамда туман қўмондошлариниң ташланган масаласига бевосита раҳбарлик қилган. Лашкарбошилик салоҳиятига эга бўлган қўмондошларининг туғри ташланганилиги ва ўз жойига қўйилганилиги аксар ҳолларда жаңг натижасининг муваффақиятли якунишинга сезиларли таъсир кўрсатган.

Соҳибқиронининг ҳарб санъати ривожига қўшган улаки хизматларида янга бирн — қўшини қанотларини жаңг чогида душман ҳужумидан мудофаза қисми ва аксинча ташим кучларини ён томондан айланиб утиб, унга ортдан зарба бериш мақсадида тузилган отлиқ қисм — **кунбул**||  
**күмбул**ининг жорий этилишидир. Бундай мутлақо янги ҳарбий қисм, тарихининг гувоҳлик беринича, Александр Македонский, Ганибал, Людвиг XIV, Бюок Фридрих, Чингизхон каби донгдор саркардалар қўшинида бўлмаган. Фақат XIX асрнинг атоқли лашкарбошиси Наполеон Бонапарт армиясининг жанговор тартибида қўшини қанотларини химояловчи қисм мавжудлигини кузатиш мумкин. Ҳарбий мутахассисларининг, Наполеон Шарқ мамлакатларига ҳарбий сафар қилишдан аввал Темурбек армияси тузилишини, унинг жаңг олиб бориш йулйўришларини синчилаб ўргангандар, зарур тонгандар тақтикусулларни ўзлаштирган деган мулоҳазаси, ҳар қалай, ҳақиқатдан ишроқ эмас.<sup>1</sup>

Хуш, турк-мўгул халқлари армиясининг беш қисмдан иборат анъанашиб жанговар тартибига узгартирин қачон киритилди, яъни ясолни етти қисмга булишга Соҳибқиронини қандай заруринят мажбур этди, деган саволининг туғилиши табиий.

Ушбу саволга қониқарли жавоб олиш учун Темурбекининг Балх ҳокими амир Ҳусайн (1370 йили үлдирилган) билан иттифоқда 1365 йили Жата (Мўгулистан) хони Илёсхожага қарши қилган, тарихга «Лой жангиг» номи билан кирган мұҳорабада иттифоқдошлар чериги қандай ясолда жойлашганилигини кузатиш керак бўлади.

Пирик қўшин билан Мовароунинаҳрга бостириб кирган Илёсхожа ҳужумини даф этиш мақсадида Темурбек ва амир Ҳусайн черик жамлайдилар.<sup>2</sup> Амир Ҳусайнининг

<sup>1</sup> Қаранг: Иванин М. И. О военном искусстве. ... б. 163.

<sup>2</sup> Қаранг: Шарафиддин Али Яадий. Зафарнома, Ташкент, Камалак, 1994 й., 103—113 бетлар.

сипоҳи Чиноз ва Тошкент оралигидаги сув бўйини ўз қўнимгоҳи қилиб турган Темурбек қўшини билан қўшилади ва белгилангаи будал — яъни, позицияларига тушиди. Илёсҳожа сипоҳи ҳам Бодом суви ёқасига ўринашади. Муҳолиф томон қоровулларининг назари бир-бирiga тўқнаш келгач, ҳар икки томон байроқларни ҳилннатиб, дўмбираляри гумбирлатиб, сафларни ростлайдилар. Амир Ҳусайн барангарга бошлилик қиласиди. Барангарининг кунбулида арлат қабиласининг вакили Тиланчи, илғор қисм — ҳиравулда Улжайтуй амарди, Шер Баҳром, Пўлатбўға, Фарҳод амарди, Малик баҳодир ва ўзга номдор баҳодирлар жойлашиди. Жувангарга Темурбек қўмоидонлик қиласиди, унинг кунбулида Сарибурга қинчоқ қавми билан туради. Ҳиравулда эса Темурхожа ўғлон тайинлашади. Марказ — қўлда амир Жаку, амир Сайфуддин, амир Мурод барлос, Аббос баҳодир ва бошиқа атоқли баҳодирлар жангга шай бўлиб туради. Баёндан Темурбек ва амир Ҳусайн черигининг ясоли барангар, жувангар, қўлдан иборатлиги, шу билан бирга барангар ҳамда жувангарининг ҳар бири қўшимча аскари қисм-кунбул ва ҳиравулга эга бўлганлиги равшан булади. Бу ясолининг нисбатан заиф томони шундан иборат бўлганки, барангар ва жувангарга қараганда қўл аича кучсиз бўлган, унинг на илғор қисми, яъни ҳиравули, ва кўмакчи захира қисми ҳам бўлмаган.<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий иттифоқчилар лашкарининг сон жиҳатдан ганим синоҳидан зиёд бўлганлигини таъкидлаб ўтади. Жанг бошланиш арафасида кучли жала қўйиб, жанг майдони лой бўлиб кетади. Намгарчиликниң ҳаддан ташқари кучлилигидан кийим-кечак ва аебоб-аижом шу даражада оғирлашадики, пиёдада ҳам, отлиқда ҳам қимирлашга мажол қолмайди. Жата лашкари бошларига кигиз ёнишиб, кийим-кечак ҳамда қурол-ярогни ёмгирдан нана қиласидилар. Иттифоқчилар қўшини уларга яқинлашиши билан жаталиклар кигизлар остидан чиқиб, дам олиб турган отлар билан жангга ташланадилар. Темурбек ёнишиб амир Ҳамид ва унинг биродари Шангум нўён сардорлик қиласётган барангariга шикаст етказади. Аммо рақибининг Шировул ҳамда Ҳожибек қўмоидонлигидаги кунбули иттифоқчилар барангари қунбулидан устуни келди ва унинг сердори Тиланчини қувлаб, ўиг қўлда турган амир Ҳусайн қошигача олиб боради. Саросима-

<sup>1</sup> Қаранг: Якубовский А. Ю. Тамур... б. 70.

га түшгән амир Ҳусайн аскарлари қочишга юз тутади ва тарқалиб кетади. Ішкәрниңг унг қапоғыдаги вазиятдан хавотирга түшгән Соҳибқирон уз құл остидаги үн етти ғавж билан амир Шамсуддин бошчилігидаги ганым қисемга күчли зарба беради ва уни түзитиб юборади. Құлға кириғилған ютуқни мустаҳкамлаш йұлида Соҳибқирон амир Ҳусайн ҳузурига чопар юбориб, биргалашыб дүйманинг аесий күчларига ҳужум қилишини таклиф этади. Бироқ, мутакаббир амир Ҳусайн: «Бу жаңға ҳеч тиришин керак эмас ва бу борада ортиқча уринмаслик лозим»,— деб жавоб қайтаради. Әртаси жаңғ давом оттирилади ва Жата лашкари маглубиятта учраб, қочишга түшади. Иттифоқчилар орқасынан қарамай чекинеётганды Иллесхожа аскарларини таъқиб қыла туриб, амир Шамсуддин қисемидан ажралып қолған аскарий түрүхга дуч келиб қолади ва бейхтиёр бу түп билан жидол қилишга мажбур бұлади. Күтилмаган фурсатдан усталык билан фойдаланған дүйман уз сағлариниң қайтадан тартибга келтиради ва таъқибчиларга қарши бирдан ҳужумға үтади. Иттифоқчилар таңг ахволға түшиб қолади ва улар отлариниң жиловини орқага буришдан үзға чора топа олмайдылар. Қочаётгандарниң отлари лой ва балчиққа ботиб қолади. Түс-түнопонда үн мингга яқын аскаридан жудо бұлған иттифоқчилар қешігінде қараб равона бұладылар. Мана шу маглубиятдан кераклы хулосалар чиқарған Темурбек 35 йил давомида олиб борған тұхтөсиз күрішлари пайтида қүшининиң жаңғовар тартибини мұтасиға тақомиллаштыриб түришін катта зәтиборини қаратди. У қүшин маркази — құлни илғор қисм-ҳыравул ҳамда мададкор қисм-чагдауыл билан мустаҳкамлади ва уни ғақат олий бош құмандон олдида масъул қилиб қуиди.<sup>1</sup>

Тарихий маңбаларда<sup>2</sup> келтирилған маълумотларға қарағанда, отлиқ аскарлар Темурбек армиясиниң зарбдор қисми ҳисобланған, улар оғир ва енгіл қуроллар билан қуролланған суворий түрүхларға бұлинған. Ей, садақ ва қылыш билан енгіл қуролланған отлиқлар асан разведка ва соқчылық билан шүгүлланған, ұта зарур өздегінше дүйман күчлари билан жаңғ қилиш ҳуқуқыға ага бұлған.

<sup>1</sup> Қарағы: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтын Үрда... 297—298 б; Якубовский А. Ю. Тимур... б. 70.

<sup>2</sup> Қарағы: Уложение Тимура. Казань, 1894, б. 52—53; Самарканд при Тимуре... б. 17; Иванин М. И. О военном искусстве... б. 149.

Дубулға, зирих (совут), қилич, ёй, садоқ, қалқон ва наиза билан таъминлаған оғир қуролли суворийлар сара жаңгчилардан тузилған, ганимнинг асосий зарбасига қаршы турған, жаңг натижасини ҳал этинда катта роль үйнаган.

Юришга жұнашдан олдин Темурбек арқони давлат, вазирлар, саркардалар, беклар, амирларни ҳарбий кеңгаш — *машваратға* чорлагаш. Айни қоғда улуснинг турли вилоят ва тұманларида, шунингдек тобе юртлардан құшини тұплаш учун махсус буйрак — *түнжал* әтлон қилинған. Фармон керакли жойларға юқори мансаб әгаси, бош құмандоннинг адъютанти — тавачи томонидан тезлик билан етказилған. Тавачининг зиммасига аскар жамлашдан ташқары құшини кисмларнинг қароргоҳ ёки сафардаги үрии, жаңговар тартиб — ясоли ҳамда бир жойдан иккинчи жойға құчишини назорат қилиши ҳам юклатылған зди.

Түнжалға биноан вилоят ҳокимлари, тұмандар қалғанда, қалғанда, құргон доругаларнинг Темурбек томонидан тузилған рұйхат-сонға<sup>1</sup> мувофиқ үз жаңгчилари, зарур от-улови, қурол-яроги, озиқ-овқати, см-хашаги билан белгилаб қойылған тұпланыш үрии — *миод ериға* үз вактида кечикмасдан етиб келиши шарт ҳисобланған.

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишига күра, Темурбек Дашиби Қиричоққа қилинған юриш (1390—1391) олдидан құшини бир йилға етадыған озиқ-овқат, қурол-ярог, кийім-кечак ва бошқа сафар учун зарур ашёлар билан таъминлашып үз ионбларига буюрган. Ҳар бир суворийға бітта ёй, 30 та үқ, бир садоқ, бир қалқон ва бітта құшиныча от ажратылған. Юриш вактида ҳар үи жаңгчи бир өзінде, иккі белкурак, бир керки, бир үроқ, бир арра, бир теша, бир болта, 100 дона пина олған.

Абдураззок Самарқандий ҳар бир жаңгчининг шүннингдек, ярим май оғирлигінде арқон, бир дона ишиқтери ва бітта қозон олиб келиши лозим бұлғанлигини қайд етади.<sup>2</sup>

«Темур тузуклари»да таъкидланишича, сафар чогида оддий аскарларнинг ҳар үи саккизтасынға бітта өзінде берилған. Ҳар бир жаңгчи иккита от, ёй, совут, қилич,

<sup>1</sup> Қарапт: *Тизенгаузен В. Г.* Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды. Т. II. Б. 185; Греков Б. Д., А. Ю. Якубовский. Олтиң Үрда... 294 б.

<sup>2</sup> Қаралғ: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтиң Үрда... 295 б; Якубовский А. Ю. Тимур... б. 69.

жуволдиз, қон, ўнта нина, арра ва тери халтага (чапач) эга бўлган.

Сара жангчилариниг ҳар бештаси бир чодирга жойлашган. Уларнииг ҳар биттаси дубулга, совут, қилич, ўқ-ёй, садоқ ва буйруқда кўрсатилган миқдорда от билан таъминланган.

Ўнбегининг алоҳида чодири бўлган. У совут, қилич, ўқ-ёй, садоқ билан қуролланган ва бешта қўшимча от олиш ҳуқуқига эга бўлган. Юзбегининг ҳам алоҳида чодири бўлган. Унинг қурол-яроги қилич, ўқ-ёй, совут, садоқ, гурзи, ойболтадан иборат бўлган. Унга ўнта қўшимча от берилган.

Мингбеги чодирдан ташқари соябон билан ҳам таъмин этилган. Дубулга, зириҳ (*чаҳоройна*), совут, найза, қилич, садоқ ва ўқ сингари раңг-баранг қурол турларин билан қуролланган.

Ниёда аскарлар асосан қилич, камон ва керакли миқдордаги ўқ билан сафарга чиқкан<sup>1</sup>. Миод ерида олий бош қўмондониниг боргоҳи тикилган ва у турли раңгдаги туг ҳамда байроқлар билан безатилган. Белгиланган вақтда (*миод вақти*) да лашкаргоҳга етib келган аскарлар қатъий тартиб ва интизом билан ўз бўлжар (позиция)ларни эгаллаган ҳамда юриш олдидан ўтказилажак аиъанавий ҳарбий кўрикка пухта тайёргарлик кўрабошлиган.

Соҳибқирон юриш пайтида тажрибали сипоҳийларга катта ишонч билдирган. Кун маротабали сўқишиларда суяги қотган, урушни узининг бош манигулоти деб санаған жангчилар сафар бошланишидан аввал жам қилинган, улар кирим-чиқим дафтариға, шунингдек давлатдан маонигулуфа, озиқ-овқат, ем-хашак олувчилар рўйхатига киритилган. Тузилишига кўра Темурбек армияси туркмўгул халқлари учун аиъанавий бўлган ўн, юз, минг ва туманларга тахсимланган. Уларга ўнбеги, юзбеги, мингбеги ва туманбегилар сардорлик қилган<sup>2</sup>. «Темур тузуклари» да қайд қилинишинча, қўшин қўмонидоплари сафиға Темурбек олийҳиммат, оқил, мард, тадбиркор, сезигир, журъатли, саботли, ҳарб ишига жон-дилини багишиланган истеъодди шахсларни жалб этиш масаласига катта

<sup>1</sup> Карап: Уложение Тимура... б. 52.

<sup>2</sup> Якубовский А. Ю. Тимур... б. 68. *Руи Гонсалес де Клависо. Дневник путешествия в Самарканд по двору Тимуру (1403—1406). Перевод со староиспанского*. М., Наука, 1990. б. 146.

эътибор берган. Ҳар бир бек ёки амир ўз ионби-ўринибо-  
сарига эга бўлган. Бирор бек ёки амир ҳайтдан кўз юм-  
ган тақдирда ионби унинг ўринин эгаллаган<sup>1</sup>.

Руи Гонсалес де Клавихонинг гувоҳлик беришича,  
қўшин тўплаш тўгрисида фармони олий эълон қилини-  
ши билан аскарлар ўз оиласи, асобб-аслаҳаси, мол-мул-  
ки билан миод ерита етіб келган. Ўрдагоҳдаги соҳибқи-  
ровнинг *саропардаси* атрофида ҳар бир қисм ва булин-  
маларнинг чодирлари тикилган. Оддий аскардан пирик  
саркардагача ҳар ким ўз жойлатиш ўринин аниқ бил-  
ган. Барча шплар тартиб-нитизом билан, шовқин-сурон-  
сиз бажарилган. Қўшин билан бирга қассоблар, бако-  
вуллар, қовурилган ва пиширилган гўшт билан савдо  
қилувчилар, арпа ва мева сотувчилар, ионвойлар ҳам кў-  
чиб юрган. Турли қасб эгалари аскарларга хизмат кур-  
сатганилар. Ҳатто кўчма ҳаммомлар ҳам жангчилар хиз-  
матида бўлган<sup>2</sup>.

Темурбек ташлаб олган саркардалар ўзларининг ҳар-  
бий маҳоратларини на фақат уруши кезларида, балки  
тинч меҳнат чогида ҳам намойиш этишига тинмай ҳара-  
кат қиласлар эдилар.

Ҳарбий санъетининг узига хос сир-асрорларида тўла  
воқиф бўлган, душман сафларини пароканда қилиш нўл-  
йурғиларини яхши эгаллаган, мушкул вазиятларда да-  
дил ва тез ҳаракат қиласларига, ҳеч қандай тусиқлардан  
таи тортмайдиган, қўшин сафида содир бўлиши эҳтимол-  
дан ҳоли топилмаган тартибсизликларни ўз вақтида бар-  
тараф эта оладиган истеъдод эгаларигина Темурбек то-  
монидан лашкарбониликка қўйилган.

Темурбекнинг фармойишга биноан атоқли лашкарбон-  
илилардан тўрттаси биринчи даражали саркарда, яъни  
*бекларбеги* мансабига тийинлангац. Дошдор амирлар-  
дан бирига амирул-умаро лавозими берилган ва у олий  
бон қўмондон, яъни Темурбекнинг ионби вазифасини  
адо этган. Соҳибқирон бевосита иштирок этмаган уруш  
ва жангларда амирул-умаро қўшинига қўмондонлик қилас-  
ган.

Зикр этилгандардан ташқари қўшин қўмондонлигига  
яна ўи икки бек жалб этилган. Минг китипдан иборат  
суворийларга биринчи бек, икки минг отлиқлардан таш-  
кил қилинган гуруҳга иккинчи бек, уч минг отлиқли

<sup>1</sup> Қаранг: Уложение Тимура... б. 43—45.

<sup>2</sup> Қаранг: Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник... б. 114—115.

фавжга учинчи бек ва шу тартибда ўн икки минг отлик аскарлардан тузилган қүшинга ўн иккинчи бек сардорлик қилган. Қуий ногонада турган қўмондон ўзидан юқори лавозимни агаллаб турувчи саркардага бўйсувган.

Темурбек армиясининг турли қисм ва бўлималарига уч юз ўн уч бек бошчилик қилган. Уларнинг дастлабки юзтаси ўнбегилик, иккинчи юзтаси ўзбегилик, учинчи юзтаси эса мингбегилик рутбаларини эгаллаган<sup>1</sup>. Туманинг соҳибқироннинг фарзандлари, набиралари ҳамда амир Шайх Нуруддин, амир Ҳожи Сайфуддин, амир Шоҳмалик, амир Аллоҳдод, амир Жаҳоншиоҳ сингари номдор лашкарошибилар раҳбарлик қилган.

Темурбек қўмондонлар таркибининг ҳарб ишидан талаб даражасида маҳорат ва малакага эга бўлган шахслардан шаклланишига алоҳида диққат қилган.

Жангларда қаҳрамонлик ва мардлик намуналари кўрсатган сара жангчилар муносиб равишда тақдирланниб ўнбеги, такрор жанговар хизматлари авазига ўзбеги ва ниҳоят, мингбеги амалига кутарилиш имкониятига эга бўлган.

Еннинг аскарий гуруҳини тор-мор этган мингбеги биринчи даражали амир уивонига, йирик душман қисмини маглуб этган биринчи даражали амир ўз навбатида иккинчи даражали амир мансабига ва шу йўсунда ўзга бек ҳамда амирлар юкорироқ ҳарбий мартабага кутарилиб борган. Жанггоҳда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган оддий жангчиларнинг маоши оширилган. Баъзи сабабларга кўра жанг майдонини ташлаб қочган аскарлар ўлжа тақсимотида иштирок этишдан маҳрум қилинган. Муҳорабадан ярадор булиб қайтган шахсларнинг вазат-ҳурмати жойинга қўйилган, уларга Оиҳааратнинг марҳами кўрсатилган.<sup>2</sup>

Бирор кишварни фатҳ қилган ёки ганим армиясини маглубиятга учратган саркарда учун уч хил мукофот таъсис этилган,<sup>3</sup> яъни шарафли баҳодир уивони ҳамда туг ва ногора берилган. Лўйни шундай юксак мукофот билан муҳолифатчи тараф таҳт ворислари раҳнамолигидаги қўшинини паришионликка солган амир ёки бекнинг ҳам шавкати зиёда қилинган.

Жангу жадал чогида шижоат кўрсатиб душман гуру-

<sup>1</sup> Қаранг: Уложение Тимура... б. 44.

<sup>2</sup> Қаранг: Уложение Тимура... б. 45—46.

<sup>3</sup> Қаранг: Уложение Тимура... б. 45—51.

ҳини қочиришга мұяссар бұлған үйбеги шаҳар доругаси, юзбеки эса вилоят ҳокими вазифасын тайинланған. *Мұхаталада адув ғашамлари* устидан зафар қучған миңгебеги вилоят волийси мансаби билан тақдирланған.

Бирор мамлакат ёки юртни әгаллаган амирға үша ерлар маълум шарт ва имтиёзлар асосида бошқарыши учун *суюргал* тарзидан ишоят қилинған. Темурбек ва темурийлар даврида суюргал кенг тарқалған феодал ер әгалиги турлардан бири булиб, наслдан наслга утган. Суюргал әгаси давлат ҳисобига тұлағыши зарур булған солиқлардан озод қилинған. Бундаи суюргал түри «*дарбаста суюргал*» деб юритилған<sup>1</sup>.


Темурбек тарбиялаб өнімдегендегі атоқлы саркардалар қаторидан амир Гиёсуддин Шоҳмаликнинг ҳам үрин олғанлиги тарихдан маълум. Соҳибқирон Шоҳмаликнинг келажакда йирик лашкарбоши булиб етишини мумкинлигини мушоҳада қиласы да үни бевосита үзи тарбиялашга майл курсатади. Темурбекнинг меҳнати зое кетмайди. Шоҳмалик тадбиркор улуғ беклардан бири булиб шаклланади. У ҳазрат Соҳибқиронга муносиб хизматлар курсатыб, олий даражасы да мансабга әришади. Темурбекнинг Шоҳмаликка ишебатан ишояти жуда юқори булған. У «қайси бир мамлакат фатҳ қилинса ва у мамлакатдаги қайси бир қишилоқни Шоҳмалик ихтиёр қиласа, у қишилоқ унинг суюргали булади», — деб буюрган эди. Ҳәёті муддатида унинг суюргали узлуксиз күшайып борди. Шоҳмалик үзига тегишли мулкларда мадрасалар, хонақохлар, масжидлар, работлар ва ҳовузлардан иборат күн хайрли иморат — қурилишларни ёдгор қолдирди<sup>2</sup>. Шоҳруҳ мирзо даврида Хоразм вилоятини Шоҳмаликка дарбаста суюргал қилиб тайинланади «ва у Хоразм мулкіда осойишта ҳәётни шу дарајкага етказадики, дүиё саркашлари ҳам узбек вилоятларину Даشتни Қинчоқ мутакаббирларини эл қилиб итоатга келтирди»<sup>3</sup>. Шоҳмалик 1426 йили вафот этгач, Шоҳруҳ мирзо улуғ амирнинг суюргали булған Хоразмин идора қилишини унинг фарзанди Иброҳим Султонға топширади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: *Абдураззок Самарқандий*. Матлаи Саъдайи ва мажман баҳрайн. Форс-тожик тилидан таржима, кириш сұза ва изохли лугатлар тарих фанлари кандидати А. Үрнебоеvники. Тошкент, 1969, 344, 459 б.

<sup>2</sup> *Абдураззок Самарқандий*. Матлаи Саъдайи... 343-б.

<sup>3</sup> *Абдураззок Самарқандий*. Матлаи Саъдайи... 344-б.

<sup>4</sup> Қаранг: Үша асар. Үша бет.



Довюрак паҳлавонлар ҳарбларда курсатгай жасоратлари учун баланд дарајага эришиб, баобру кишилар қаторидан урин олган. Улар гурзи, олачук (чодир), мұрассаъ камар, қилич ва саман от каби нахлавонлик пишоплари билан әзозланған. Ботирларнинг күнчилиги кейинчалик үилик, юзлик, мингликларга құмандонлик қилиніпек масъулиятті вазифаларға қойилған<sup>1</sup>.

Юқорида тилга олинган ун иккى амирдан ҳар бирин  
уз довул (табл) ва байрогоға эга болған. Бөш құмандони  
ногора ҳамда аламдан ташқари шунингдек, *бүргү*, *ту-*  
*мантиғ* ва *чортығ* билан ишилдәлігінде.

Мингбеги түг ва карнай, яңни курагага эга бүлган. Юзбеги ва уибегига ногора берилгандар. Түрли қүшүн, яңни қисм құмандонлары тегишли ишионлар билан таъминланғап. Бекларбеки ёки амирүл-умаро байроқ, ногора чортуг ва бургу сингари ишионларга сазовор бүлган<sup>2</sup>.

Бирор лашкарбошининг ҳаёти хавф остида қолгаш вазијатда уни ганим уқидан асраб қолиш йўлида ўз кўк-сиини қалқоң қилган жаангчилар Соҳибқиронининг ҳурмат-эътиборига ва олқинига сазовор бўлгаи, маҳсус иноятлар билан тақдирланган.

Фиёсүддин Али ёзади:<sup>3</sup> 1398 йылнинг 11 ноябринда амирлар Шайх Нуруддин ва Аллоҳдод Ҳиндистоннинг мустаҳкам қалъаларидан бири — Битнирга берилган омонийлик учун тулаанадиган мол ва хирожларни қабул қилиш максадида келади. Бироқ, қалъа аркоплари Соҳибқирон билан тузилган сулҳ шартларини бажаришдан бош тортиб оммани амирларга қарши хуруж қилишга даъват ятади. Тенгиз олишув чоғида ярадор булган амир Шайх Нуруддинни битнирликлар асири олиши найтида буладилар. Аммо Афзун Мазид, Фируз Сейстоний сингари бадор жангчиларининг ҳамда бир ичча почта ичклиаришпг узларини йўқотмасдан курсатган жасоратлари туфайли амир Шайх Нуруддин эсон-омон қуршовдан қутилиб чиқади. Соҳибқирон амир жонига қасд қилмоқчи булган душманига қиргин келтирган диловарлар жасоратига таҳсинлар айтиб, инъому икромлар кўрсатади.

Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг тарьифига кўра, темурий лашкарбоши тинчлик ёғида зар

<sup>1</sup> Караг: Уложение Тимура... б. 51.

<sup>2</sup> Каанг: Уложение Тимура... 6. 51—52.

<sup>3</sup> Каранг: Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. Перевод с персидского, предисловие и примечания А. А. Семекова. М., 1958 б. 97—98.

хал ии билан тикилган ҳаворанг сатин күйлак кийгав. Унинг бошида дур ҳамда бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган бўрк бўлган. Бўркинг остидан уч қатор қилиб ўрилган иккى кокил елкага тушиб турган. Элчи бу йўсида ўрилган соchlар Темурбек аскарлариниг нишони эканлигини алоҳпда қайд этади<sup>1</sup>.

Соҳибқирон юришга жунашдаи анча аввал ёғиниг қуролли кучлари, мудофаа ишшоотлари, у ердаги ички вазият кабилар ҳақида аниқ ва тўла маълумотга эга бўлиш мақсадида унинг юрти ёки қароргоҳига уз айгоҳчи (хабаргир, жосус) ларини ишми-иш юбориб турган. Ганим тұгрисида зарур маълумотларга эга бўлингандан сўнгнина юриниг тарафдуд курилган. Бу хусусда Иби Арабиоҳ ёзди: «Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денизининг қаъри йўқ ва (унинг) тадбири тогига на текислигу, на гадир-будир орқали йўл топиларди. У ерлариниг барча томонларида уз айгоҳчиларини тарқатиб, қолган мулклаврида эса жосуслар қўйган эди. Улар (жосуслар) жумласидан, унинг амалдорларидан бири Амир Отламиш бўлса, яна бири фақиҳ Масъуд ал-Қўҳоний-у Темур девони асҳоблариниг кузи эди. Жосуслариниг буниси Қоҳира-да, Муизияда бўлса, униси Дамашқда, Шамийсониядаги суфийлардан бири эди. Уларниң бири чаканафуруш бўлса, иккинчиси йирик савдогар, бадхулқ полвон ва ҳунарманд, мунажжим ва уз табнатича иш қиладиганлар, гапчиноз қалаандарлару саёқ дарвешлар, зарофатли мешкоблар, латофатли этикдузлар, алвасти ва хийлакор. Далла мисоли фирибгар кампирлар, тажрибаси бўлиб, илм талабида мағрибу машриқни кезган, пайига тушган мақсад ўюлида макр-ҳийла маконида камолига етган, узининг нозик фириби ва даҳоси билан сув билан олов, тұгрилик билан эгрилик уртасида униб-устаи, макру ҳийлада Сосон ва Абу Зайддан ҳам утиб кетган, уз ҳикмати ва баҳсида Иби Синони ҳам мулзам қилган, қачонки уйлаган ишлари узларига тескари натижка бергач, улар уз сұзамолликлари билан юноиликларни сукутга соглан, иккى мухолифни бир-бирига бириткириб, иккى душманини бир-бирига қўшгаи уддабурро кишилар эдилар. Натижада, улар чор атрофда бўлаётгани ҳодисалар ва уларниң хабарларини Темурга етказиб, узлари афзал курган ишларини унга баён этардилар. Улар вазилар, нарх-наво-

<sup>1</sup> Караванг: Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник... б. 63.

лар тұғрисида унга зикр қилиб, манзилу шаҳарларни тав-  
сифлардилар. Үларниң әкис ва иотекис жойларниң сувратини көлтириб, уйлари ва диёрлари урииларни чизиб күрсатардилар, шулар орасида у жойларниң яқин ёки узоқ, тор ёки кеңгілгіни, үларниң қайси теварак-  
атрофда, гарб ёки шарқдами (әканлығини), шаҳарлар  
ва қышлоқларниң исемларни, манзил ва нанохжойлар  
нөмларни, ҳар жойниң аҳлию бошылары, амирлари,  
улуглари, фозиллари, шариғлари, бойларни фақирларни,  
уларниң ҳар бирипиниң исеми ва лақабини, шуҳрати  
ва наасабини, үларниң ҳунари ва (эта бұлған) воситала-  
рини (тула-түкис) баёни қылардилар. Натижада, Темур  
үз фикри биләш шу (шарса)ларни яққол күріб, тафакку-  
ри воситасида үз ерларидан хоршык жойлар үстідаш ҳам  
тасарруф юритарды<sup>1</sup>.

Соҳибқирон сафар чоги қүшинин қишини ва үтіб бүл-  
мас жойлардан бошлаб борувчи йүлчи, яъни қажарчи-  
ларни маҳаллій халқ пічіда ёллаб олиш масаласига  
жиддий ғыдашган.

Сафар арағасида Темурбек аянавий равишида уз  
пирлари ва раҳнамолари ҳузурига соғ ишонч ҳамда пок  
иродат биләш ташриф буюриб, зиёрат шартларни бажо  
келтирған. Муқаддас ва муборак мозорларни тавоғ қил-  
ған. Майиб-мажрухларга, муҳтож ва ішүқсилларга наз-  
ру садақалар улашған.

Етарли миқдордаги черік жам бұлғач, барча қүшини  
турлари — ёйчилар, наизаварлар, қорураандозлар, сан-  
гандозлар, тахшандозлар, майжапиқ, аррода ва тири-  
шарх отувчилар ҳамда бошқа аскарий қыслар куриқдан  
үтказылған. Темурбек армиясида ичига ёнувчи модда-  
нафт солиғтаи құзачалар иргитувчи үт сочиш қуроли —  
раядыннан үалпксиз ишлаб туришини таъминловчи мах-  
сус түнчилар — раъдандозлар мавжуд булған<sup>2</sup>. Мустах-  
кам қалъа ва қурғонларни қамал қилишда, душман күч-  
ларига қыргын келтиришда самарали қурол ҳисобланған  
раядни бошқарувчи түнчиларниң сони, Низомуддин  
Шомийнин ғикрича, 10 минең кишига еттағ. Раъдандоз-  
лар Темурбек томонидан илк марта 1379 ишінде Үрганчиң  
муҳосара қилиш вақтіда жаңғаға солинган<sup>3</sup>.

Кези келганды таъқидлаш лөзимки, араб тилиге хос

<sup>1</sup> Ибн Арабшоғ. Ажойиб ал-мақтүр... II китоб. 71—72-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Беленцкий А. М. О появлении... б. 7.

<sup>3</sup> Қаранг: Якубовский А. Ю. Тимур... б. 68.

раъд сүзи аслида «момақалдироқ» ии билдиради. Түпни раъд термини билан аташларининг боиси шундаки, ундан ўқ-сиаряд отилганда кучли гумбурлагап товуш чиқкан.

Алишер Навоий «Сади Искандарий» достонида Искандарининг раъд тўпи билан душман қалъасини ўқка тутиши маззарасини тасвирлар экан, тундан ўқ-тош отилганда даҳшатли садо, ўт-алаинга, қора тутуи ва бадбуй ҳид ҳосил булишини ёзади:

Чу ерга тегиб руст гўйи тилсим,  
Неча пора булғай анга салб жпсм.  
Ушалғач, садо чиққай апдин гариб,  
Яна шуълаву риҳи дуди ажаб (Ҳамса, 1390)

Раъд туининиг қандай усул билан қўйилиши ушбу достонида ута қизиқарли баён этилган. Аввало қалай, симоб ва мис қотишмалари темир билан аралаштирилиб, дамли ўчоқ ва қўрада эртилган. Эртмадан ичи буш, контокка ухшаш, думалоқ шаклдаги сиаряд — раъд тоши ясалган. Бу сиаряд ичи порох — *дору* (адовий) билан тўлдирилган. Сиаряд спртида иккита тешик булиб, уларга ўт пилиги — *фатила* ўринатилган. Сунгра сиаряд тўп камони — *раъд ёйига жойлаштирилган*. Ўт пиликлари ёқилғач, сиаряд душман қалъаси ёки қурғони, томов отиб юборилган. Сиаряд ерга тушиб портлаши билав даҳшатли садо чиққан. Албатта, бундай тунлар қамалдагиларни қаттиқ ваҳимага солган ва аксар уларни таслим булишига мажбур қилган<sup>1</sup>.

Раъдининг Темурбек томонидан қуроллапинига киритилини XV—XVI асрларда Мовароуниаҳр, Хурросон ва Эронда артиллериянинг бошқа турларининг пайдо булишида туртки вазифасини утади. Шулардан бири туркӣ-ча қозон термини билан иомлапган тўп булиб, у ёвнииг жонли кучларини ва техникасини яксон қилиш, увииг қалъя ва истеҳкомларини тўпга тутиши, мудофаа ишшотларини вайрон қилиш каби ҳарбий операцияларни амалга оширишда фаол қулланган.

Темурий Заҳириддин Бобурининг қайд этпича, қозондан бир кунда анчагйна тошлар отилган: «Бир печа кун қўприк bogлагуича Устоз Алиқули яхшилар тош ота-

<sup>1</sup> Қаранг: *Дадабоғ* А. «Бобурпома»даги баъзи бир терминларга доир мулоҳазалар. Адабий мерос. 1988 № 1 (43), 38—39-бетлар.

ди. Аввалги күн саккыз тош отти, иккинчи күн ўи олти тош отти»<sup>1</sup> «Бобурнома» да даъкидланшича, түндан отилган тош анча масофага бориб тушган: «Якшанба күни ойшиниг саккизида Устоз Алиқули ўшул улуқ қозони билаким тош отти, минг олти юз қадам борди»<sup>2</sup>.

Бобуринг қозон түпини қуйиш жараёнининг тасвирлашига эътибор берамиз:

Душанба күни муҳаррам ойиниг ун бешида Устод Алиқулиниң қозон қуярининг тафарружиға бордуқ. Қозон қуяр ериниң гирдида саккыз кура қилиб, олотни эритибдур. Ҳар куранин тубидин бир ариғе бу қозониниг қолибига рост қилибтур. Биз боргач кураларнинг тешукларини очти, ҳар ариқдан эриған олот сувдек шарилдаб қолибга кирап әрди. Бир-икки күн қолиб сопуганидин сунг очтилар. Устоз Алиқули күн башошат била кини йибарибтурким, қозониниг тош уйи бекусурдур. Дорухонасиның қиймоқ осондур»<sup>3</sup>.

Мазкур матнин парчада құлланған тош уй бирікмаси қозон түпинин снаряд-тош қүйиладиган қисмими билдируса, дорухона термини әса норох — дору солинадиган қисмими англатади.

Фармони олийга мұвоғиқ аскарлар бошдин-оёқ темир совутлар кийиб, зарур қурол-ярголарни олиб отта минғанлар, курик учун сафларни ростлаганлар. Майдонда ҳар бир қисмга тааллуклы күк, сариқ, бинағаша, қизил, қора рангдаги байроқ ва яловлар хилпираб турған. Ҳарбий мусиқачилар ижро этаётған жаңговар мусиқалар остида олий бош құмандон қүшин қисмларини бирип-кетін күздап кечириб чиққан. Саф тортиб турған жаңгчилар наизаларини балаңд күтариб, ҳаммалари бир маромда күчли наъра тортиб, сурои солиб, юришга шай әкапликтарини изаҳор қылғанлар<sup>4</sup>.

Таъкидлаш лозимки, темурпайлар даврида юрши ёки размдан олдин қүшинини күрікден үтказиб, униш жаңговар руҳи ва ҳолатини аниқлаш анъана тусяига кирған. Күрікден нафақат асосий жаңговар қисмлар, шуниндең, улар ортидан борувчи оғыр карвон үргүк (овоа) ҳам үтказилған.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Бобурнома. Тошкент, 1960, 408- бет.

<sup>2</sup> Курсатилған асар. 379- бет.

<sup>3</sup> Бобурнома. Тошкент, 1960, 379-бет.

<sup>4</sup> Қарағы: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн.. 91—92-бетлар.

<sup>5</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Күрсатилған асар. 68- бет.

Мирхондиг «Равзат ус-сафо» асарыда Темурбек армиясыннан Боязды Илдирим билан булажак жаңг олди-дан күришден ўта жоили қилиб тасвиrlаради. Фармони олий-га кура бор құшин қисмлари Сивое даштида қаторларни ростраб, күрикка тайбр булиб туради. Соҳибқироннанғ осмон авжига етүвчи зафариншын саропардаси баланд бир пушта устига үриатилади. Мансур аскарлар булим-булим, гурух-гурух, фавж-фавж булиб, дарёмын бол мавж уради. Болдан-өндөк темир совутга бурканған жаңгчилар фавжы Соҳибқирон қаршиисига етгана да уннан сардори илгари юрар ва тиэ чүккап ҳолда Темурбек шаънига дуо ва сиполар айтар әди. Соҳибқирон ҳар бир үтім, минглик ва құшин жаңгчиларини мақтовлар билан ол-қишилар, уларнанғ шахдам қадамлар ташлаб боришига мамнуният құзы билан назар ташлар әди.

Соҳибқиронга күришден ўтаётган черик қисмлари ичиде нағырасы Мұхаммад Султон мирзо құмандолигидеги нақарлар айниқса, катта қаассурот қолдиради. Амирзода лашкарнанғ ҳар бир фавжи уннан бүйругига биноан алохидан рангдаги кийим билан ораста қилинади. Бир фавжиннанғ қурол-яроги, алам ва баироги, кийим-кечаги, жибаси қызил, иккинчи гурухиннанғ ранги күк, учивчи гурухиннанғ ранги оқ, түртнинчи фавжиннанғ ранги би-нағша, бешинчи гурухиннанғ ранги сарық ва ҳоктао булиб, барчаси Соҳибқироннанғ таҳсениңа сазовор булади. Шу алғозда тоңг саҳаридан бошланған күрик пешин охиригача давом этади<sup>1</sup>.

Темурбек душманнанға құқындан қақшатқыч зарба бериш усули билан шұхрат қозонған әди. Ганим үрдугоҳия аниқланғач, аксарият ҳолларда Соҳибқирон үнга махфий ёки утиш ута мاشаққатлы булған, хеч бир кимсанинғ оғын етмаган доволлар, даралар, суқмоқлар, тогу тошлар орқали туида уловларни жилювидан тутган тарзда яқинлашар, қуёш узиннанғ заррин нурларини белоеи замни узра соча бошлиши билан гафлат үйіксіда ётган ёғига қуюндең ёнирилар әди. Ибн Арабиоң ҳықоя қилади: Темурбекнанға дорус-салтана Самарқандда иморатлар қуриш, бөг-бустонлар барын этиш, ариқлар қазиб, сув чиқарын сингары ободончилик юмушилари билан банд бўлиб турғанлигидан мұжда тоңған құшини мамлакатлар

<sup>1</sup> Қарағ Мирхонд. Равзат ус-сафо. X. Сулаймон помидаги құл-безмалар институты құлдамалар фонды. № 4141. 174a.

унинг ҳужумини кутмасдан, мудофаага тайёргарлик курмаган ҳолда хотиржам ҳаёт кечирап эди. Соҳибқирон шойтахтдаги ишларни пиҳолсига отказгач, тавашиларга қўшинин тез фурсат ичида Самарқандда тўнлаш ҳақида амр қиласди. Аскарлар учун ўзи уйлаб тошиб, ихтиро қилган йўсинда тайёрланган дубулгаларни жангчилар кийиб, юришга чиқишларини буоради. Темурбек сафарнинг йўналишини сир тулади.

Соҳибқирон армияси Самарқандни тарк этгач, Темурбек: «Хўжанд, Турк ерлари ва Туркистониниг азим шаҳри Жаандга юруш қилишга бел боғладим», — деб овоза тарқатади. Шундан кейин Темурбек қўшини гирдобига шўнгигб кетади, унинг отлар бошини қаёққа буришини, қайси томонига ҳамла ёки ҳужум қилишини бирор киши англаб етолмайди. Жаҳонгирнииг қўшини кечани кечадемай, куидузни куидуз демай, иссиқ-совуққа, ташшалик ва ҷарчоққа қарамай тинимсиз йўл босар, қўшини қуинга ҳар бир манзилда кўплаб ҳолдан тойған отлар қолиб кетар эди. Ниҳоят, Темурбек унинг яшипмонаанд пайдо булишини хаёлига ҳам көлтирмаган. Озарбайжон ҳамда Араб Ироқига туташ, Эронинг ҳарбий сарҳадида жойлапиган кўркам Ҳамадон шаҳрига қўшини бўлмиш Луристон чегараларида ҳозир булади ва Малик Изуддин ал-Аббосий ҳокимлик қилаётган Барујкард қалъасини камал қилишга киришади. Қалъа ҳокими қўргонни ҳимоя қилишига мутлақо тайёргарлик кўрмаган, етарлиқ қурол-аслаҳа, озиқ-овқат, ем-хашак жамламаган эди. Унга мадад берувни куч ҳам аниқ эмас эди. Беҳосдан устига улкаи қўшининиг бостириб келишидан почор аҳволга тушиб қолған бечора ҳокимнииг Соҳибқиронга итоат билдириб, буйсувиниши ва фуқароларига омоилик сурашдан узга чораси қолмайди<sup>1</sup>.

Темурбек шатраиж уйнашга жуда моҳир булиб, бу борада ман-манаи деган рақибларини ҳам додга қолдирағ эди<sup>2</sup>.

Шатраиж тахтаси устида рақибини шиддатли юришлар билан довдиратиб, таңг вазиятга туширишга устамон жаҳонгир маъракагоҳда ҳам ҳар бир қадамини ўйлаб қўяр, қисмлариниини харакатини синичиклаб кузатар,

<sup>1</sup> Қаранг: *Иби Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур...* I китоб, 128—129 б.

<sup>2</sup> Қаранг: *Руд Гонсалес де Клавихо. Дневник... б. 115, Бартольд В. В. Улугбек и его время. Сочинения. I, II, часть 2, М., Наука, 1984, б. 60.*

жанг тақдирі ҳал бұлиши күтилаётған жойларға мадад күчларин өткінде ажратынни олдиндаң режалаштирар әди.

Темурбекшінг Ҳиидга юриш қилиб, Дәхлиға иқишашиб қолғанлигидан тақлиқага түшган ҳиидлар шаҳзода Султон Маҳмуд, Маллухон ва үзға номдор ҳиид саркардалари раҳнамолигидаги үн минг суворийлар, йигирма минг сара ииёдалар ва бир юз йигирма жанговар филлардан иборат қүшини билан уига рүбару бұлади. Соқибқирии бириниң галда жангчилариниң каналагини учирив, уларни дағшатта солған филларни даф қилиши борасида бош қотиради. Зудликда филларға оғат келтирүвчи үткір тигли учбұрчак шаклдаги санчиқ — мұндулардан минглаб ясалади ва филлар келиши күтилаётған ерларға жойлаштириләди. Иккала қүшини жанг ҳаракатлариниң бошлагач, Темурбек үз аскарий қисмларини чекиншигә буюради. Темурбек жангчилариниң тисарылғаннини куриб, душман қочди хәйл қылған ҳиидлар олға ташланади.

Филлар, уларниң кетидан отлиқ ва ииёдалар жунбушга келади. Мұнду тикилған ерга етган филларниң оёқларига үткір санчиқлар тикои лягліг қадалади. Оғриқ зурлигидан құтырган филлар жои аччиғида филбонларни улоқтириб, орқага түм-тарақай қоча бошлайды. Улар ортда келаётған ҳиид суворий ва ииёдаларини поймол қилиб, яичиб үтади<sup>1</sup>.

Соқибқирии ута тақликалы ойларда ҳам саросимага түшмас, хиссиятта берилмас, метиндей мустаҳкам иродаси иккіләнишга, қатъиятсазлик курсатынша асло йүл қўймас әди. Бирор марта ҳам маглубият («Лой жанг» бундан истисно) аламиниң төтиб күрмаган музaffer қўшин олий бош қўмондонининг ҳар қандай оғир ва чигал вазиятдан ҳам тадбиркорлик билан чиқиб кетипшига бутун вужуди билан ишонар, шунинг учун ганим билан фақат галабаниң кўзлаган ҳолда жон-жаҳди билан саваш қиласи әди.

Фикримизни тасдиқлаш тариқасида 1392 йили Шероз ҳокими, музafferийлар сулоласидаң бўлмиш Шоҳ Мансур билан Темурбек қўшинлари уртасида бўлган жанг саҳнасини келтирамиз.

Отлиқлар гуруҳидан иборат разведка — қаравул Соҳибқирига Шоҳ Мансуриниң оз кишига бош бўлиб қо-

<sup>1</sup> Қаранг: *Ибн Арабшоғ. Ажойиб ал-мақдур... I* китоб. 173-174-бетлар.

чиб кетаётганилиги ҳақида хабар келтиради<sup>1</sup>. Шу сабабли Темурбек қүшинининг зарбдор қисмини Шуштар атрофида қолдириб, кичик бир аскарий гуруҳ билан Шероз томони йўлга чиқади. Ганим қаравуллари келаётган отряд — фавж қорасини кургач, Шоҳ Мансурга маълум қилади ва у албатта, фирор йўлни тутади, деган мулжал билан Темурбек бамайлихотир от ўйнатиб келмоқда эди. Шерозга уч фарсанг<sup>2</sup> қолганда фавж қўққисдан бошдан-ёёқ темир совутларга бурканган тахминан уч миниг отлиқ наизадорлариниг жанговар тартиб-ясолига дуч келади.

Соҳибқирон ўзи билан келаётган кучларни уша заҳоти сафга тизади. Тахт вориси Муҳаммад Султон мирзо сўл қанот — *жувангарга*, Пир Муҳаммад баҳодир миран ўнг қанот — *барангара* бош қилинади. Темурбекниңг ўзи хос гвардиясига қўмандонлик қилади ва Йратгаңдан мадад ҳамда зафар тилаб, ганимга қарши мардонавор жангга киради. Шоҳ Мансур ҳам қарши тарафдан *муҳораба* бошлайди. Хужумни шиба — қалин ўқ ёмғири ёғдириши билан бошлигарни Темурбекниңг жувангари Шоҳ Мансур қўшинининг ўнг қанотини марказ — қўл ортига чекинишга мажбур этади. Евниңг чап қаноти ҳам кучли зарбага учрайди. Маглубиятниңг шубҳасизлигига қарамай Шоҳ Мансур олишини давом эттираберади ва қолгани кучлари билан Соҳибқирон раҳбарлигидаги гуруҳга кескин ҳамла қилади. Жанг жуда даҳшатли тус олади. Темурбек атрофида бештacha хослар тирик қолади. Беш юз аниҳли, шамшир, наиза ва гурзи тутган суворийлар бошчилигидаги Шоҳ Мансур Темурбекниңг жонига қасд қилиб, унга яқинлаша боради. Унинг ўзи уч карра Соҳибқиронга қилич солишга чоғланади. Дастрлабки икки зарбани Ҳумори *ясавул* ва Таваккал *баевурчи* қайтарашга муваффақ булади. Учинчи зарба Ҳуморини ярадор қилади. Соҳибқирониниг ҳаёти ута ҳавф остида қолганига қарамай, унга зарар етмайди. Жувангардан етиб келган қўмак Шоҳ Мансурни чекинишга мажбур қилади. Ўзини бироз ўнглаб олгач Шоҳ Мансур яна Темурбекниңг байроби қадалган марказга хуруж қилади. Бироқ, марказни ёриб утишининг уддасидан чиқолмайди, аксинича, Соҳибқирон кучларининг маркази ва жувангари қуршовига тушиб қолади. Бор аскаридаи маҳрум бўлган

<sup>1</sup> Қараванг: Гийасаддин Али. Дневник.. б. 50—53.

<sup>2</sup> Фарсанг (Фарсан) 6—7 км. га тенг масофа ўлчови.

Шоҳ Мансурни аргумонидан йиқитишга улгурган Темурбек наўкарлари унинг виқор билан: «Мен сиз ахтараётган зафарёр Шоҳ Мансурмаш. Ичишга сув беринг ва менин Темур ҳуаурига олиб боринг!», — дейишига қарамай, унинг бошини танида жудо қилишади.

Иби Арабшоҳнинг мана бу қайдлари ҳам Темурбекка хос бўлган саркардалик салоҳиятининг нақадар ҳадсизлигидан далолат беради.<sup>1</sup>

Ҳиидистонда туялар бўлмаганилиги сабабли, филлар бу маҳлуқларни кўргач, улардан узоқроқ юришини маъқул ҳисоблар экан. Бундан хабардор бўлган Темурбек беш юзга яқин саркаш, ҳурконгич туяларни туплашни, туякашларга ишик тақилган қамишилар ва ёғланган той пахталар улашиб, қўшиплар бир-бираига яқин келиб, жаиг бошлаганда туяларни суворийлар олдига қўйишини буюради. Икки тарафдан сафлар тизилиб, жаиг ҳаракатлари бошланшини билан туяларга ортилган ёғли пахталарга ўт қўйилади. Олов хароратидан жонсарак бўлган туялар филлар томонга елдек учиб кета бошлайди. Қаршисидан букириб, чопиб келаётган туяларни ва ловуялаб ёнаётган алангани кўрган филлар устиларида утирган филбону ёйандозларни агдариб, отлиқларни япчиб, пиёдаларни ер билан яксон қилиб, орқаларига тирақайлаб қочишига тушади. Натижада филлардан фойдаланимоқчи бўлган душман улардан манфаат кўриш урнига катта талофат беради.

Мугулларга қарши қилинган сафарларнинг бирда Темурбек қисмлари ганим лашкари билан кутилмаганда юзма-юз келиб қолади. Аскарларда довдираш ва иккиласини шайғияти пайдо бўлганилигини пайқаган Соҳибқирон уларга душман лашкаргоҳига қараб юришини давом этиришини ва ёвга куринарни жойда отлардан тушиб, уларни ўтлоққа қўйиб юборишни ҳамда ўзларига дам олиб, ҳордиқ чиқаришини амр қилади. Мухолиф томони бўларни уз аскарлари хаёл қилиб, бепарволик билан Темурбек ёнидан утабошлайди. Ҳордиқ чиқариб олган Соҳибқирон аскарлари теалик билан отларга минади ва сурон солган ҳолда ганимнинг орқасидан зарба беради<sup>2</sup>.

Ов — ҷарганинг уруш мактаби экаплигни яхши тушунган Темурбек саҳро, дашт ва яйловларда қўшишининг

<sup>1</sup> Иби Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... I-китоб, 174—175-бетлар; Ява қаранг: Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник... б. 124.

<sup>2</sup> Қаранг: Иби Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... I китоб, 80-бет.

жанговар ҳолатини назардан үтказар, имтиҳон қилар эди. Тавачилар құшни қысмларига ов яргиниң ҳозирлашы, саҳро ва чүлларни үраш, йильтүркіч ва бошқа ҳайвонларның камурга — шикоргоға қувлаш түгрисида фармони олий әзъен қылғач, аскарлар ов ҳайвонларини *өвлеңқа* тұплашга киришар эди. Аркони давлат, беклар, амирлар, иштілар, миңзодар, сипохийлар ҳам шикорда иштирек этишини хүш күрар әдилар. Ов изидан елдай учыб бора-ётган отларнинг душири, чавандозларнинг ур ҳа уры, ҳаё-ҳайи, *күсу* погораларнинг тарақ-туруқи, каршайу сурнай ва бургуларнинг күкни ларзага келтирувчи садоси аниң жанг майдониниң әслатар эди.

Шикорга лочину шүшқорлар, қырғиңілару чопқыр този итлар солинар, сұнгра бир неча күн ов гашты суралар әди<sup>1</sup>.

Темурбек ҳарбий юришларга күпроқ күклам, ёз ва куз ойларыда отланишни маъқұл күрар, қишининг қаҳратон күнларини аскар қышлов учун мұлжаллаңған қишлоқтарда үтказарди. Жангы жадал олатлари ва муҳораба асбоблари тартибға солиніб, жибахона, яъни қурол-яярғомборидаги жибалар сипохийларга улашилиб, юриш мұхлати етиб келгач, құшни отларга миңган. Айни пайтада үгрүқбоз ҳам йүлга чиққан.

Шарафуддин Али Яздийнің таъкидлашича, мурчил — сафар тартибига күра ҳар бир тұманбеги, миңбебеги, юзбеги, үпбеги үз даражасы, мавқеи ва сафда әгаллаган урни — будалға қараб қысы ва бұлинмалари билан жанговар тартибда ҳаракат қылған. Олий бөш құмандон томонидан ясолни бузған шахс қаттық жазолаңған, яъви ясоққа етказилған<sup>2</sup>.

Құшни дам олиш, тұхтап ёки жаңггоға тушгашда лашқаргоҳ атроғи бир-бирига заңжирбанд қилинған аравалар билан маҳкам үралған, шох-шаббалар билан түсилған, гирдига четан — *чапар* қўйилған, ичига мўиду урнатилған хандақлар билан иҳота қилинған. Истеҳком күндузги — *язак* ва тунги — *талоя* соқчи бўлпималар ёрдамида қўриқлаб турилған. Ганимийнинг қораси кўриниши билан голиб лашкар хандақдан чиққан ҳамда жанговар саф туған ҳолда унга қарши юзланған. Юриш ёки мұ-

<sup>1</sup> Қаранг: *Абдураззоқ Самарқандий*. Матлаи саъдийн... 94-бет; *Ибн Арабшоғ*. Ажойиб ал-мақдур... II китоб, 80—81-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: *Тизенгаузен В. Г. Сборник...* т. II, б. 159; *Якубовский А. Ю. Тимур...* б. 69.

жораба чогида бошбошдоқлар ҳамда парокандаликка нұл қүймаслик мақсадыда ҳар бир бұлнима, гурух, қисмнинг үз үрөн — пароли белгилапған.

Темурбек армияси сафар пайтида қүйидаги жанговар тартибда ҳаракат қылған. Бош күчлардан анча илгарида қаранул — авантост, ундан кейин манглай (ҳиравул) — аваңгард, *барангар*, *жувангар*, *құл*, *чардауул* — (форсий адабиётларда — *соқа*) — аръергард юрган. Құшин ортида угрук пешма-пеш келған.

Құшинда сувли түсікәларни кечиб үтишга алоқида әттибор қаратылған. Дарёларнің саёз ерлари *гузар* — кечикка айлантирилған ва соқчи отлиқ гурухлар томонидан әхтиёт қилинған. Дарё ёқасыга етіб келған құшин *бұлук* — *бұлук*, *фавж* — *фавж*, қисм-қисм булыб кечикдан ута бошлаган. Құклам ва куз фаслиниң серёмғир күнларыда дарё сувининг купайшы патижасыда гузардан үтиш анча мушкуллашған. Терен дарёлар устида қайшылар ёрдамида боғланған күнірек орқали оғир техника ҳамда үгрүк үтказылған. Суворийлар күнинча тезоқар дарёлардан отнинг югани ва ёлиға осилған тарзда, пиёдалар эса мешлар күмагида осонлик билан талофатсиз кечиб үтған<sup>1</sup>.

Соҳибқироп жаңғ майдоннның тәнлашда бевоспта иштирок этған. Жанггоҳнинг текис, кепг ва құшин қисмларни жойлаштырышга қулай булиши талаб қилинған. Айниқса, *маъракагоҳнинг* ишимлик сув манбаънға яқын булиши ҳамда разы вақтида қуёш пурининг жаңгчилар күзига тушмаслығы мақсадға мувофиқ ҳисобланған<sup>2</sup>.

Иирик мұхорабалар пайтида дастаси учига *маҳча* — ярим ой шакли қадалған жанговар байроқ ва туғлар билан безатылған олий бош құмандонининг боргоҳы баландликка тикилған. У ердан қисм ва бұлинмаларнинг майдондаги ҳаракати, жангнинг бориши Темурбек томонидан күзатыб турилған. Одатта күра боргоҳ олдида ҳарбий оркестр аскарларни мардликка рагбатлантирувчи, уларнинг жанговар руҳини күтарувчи күйларни тишиңсиз қалиб турған.

Соҳибқироп тұқишиш бошланишидан аввал, одатича

<sup>1</sup> Қарапт: *Ибн Арабшоғ. Ажойиб ал-мақдур...* I китоб, 76-бет; *Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник...* б. 99.

<sup>2</sup> Қаранг: *Уложение Тимура...* б. 80—81; *Шарафиддин Али Язий. Зафариома...* 53-бет.

фатҳ намозини адо этгай. Тангридан мададу иажот ти-  
лаган. Сүнгра чақмоқмонанд саман отига виқор билан  
миниб, савашга бевосита құмандонлик қылған. Жаңг күп  
холларда, қарама-қарши әрафларнинг яккама-якка оли-  
шуви билан бошланған. Баҳодирларнинг жасорати ва  
шахсий тайёргарлиги жаңгнинг қаңдай яқунланишига  
маълум даражада таъсир күрсатған. Паҳлавонларнинг  
сони айтарлы даражада катта бұлмаган. Баҳодирлар  
құшинининг зарбдор күчнин ташкил этгай ва уларнинг  
халокати одатда маглубиятта олиб келған<sup>1</sup>.

Муборизлар кежим — ўқ үтмас ёничиқли жаңговар  
отда майдонга тушиб, бошларига худ — дубулга, юзга  
бұрқа — ниқоб, устайларига жиба — зириқ кийиб, бир  
құлда қалқон, бир құлда қилич билан жаңг қылған. От-  
нинг эгарида садоқ-үқ ёй, тиркаш ва табарани, яъни ой-  
болта болглоглик турған.

Ҳар иккى томони баҳодирларнинг яккама-якка оли-  
шувларидан сүнг таблу ногора овози, күсү бургу наъра-  
си, карнай-сурнай садоси худди момақалдироқдай жүш  
урар, хуружга келар эди.

Ботирлар мардоғаворлик намуналарини намойиш этиб,  
жонларини жаңг майдонида халокат чоҳига отишіга шай  
турған. Даставвал ниёда новакандозлар, яъни, ўқ-ёйчи-  
лар ганим аскары устига шілба ёғдира бошлаган. Сағлар  
бир-бириға құшилғач, павбат — тиг ва пайзаларга, қилич  
хамда қалқонларга келған.

Қаҳрамонлик, жуванмардлик ва айниқса, шахсий ма-  
тонат йигитлик авонида маълум сабабға күра жисмонан  
шілқаст тоғган Темурбек учун ҳам бегона хислат әмас  
эди. Қатор савашларда жаҳонгир күрсатған ботирлик ва  
жасурлик, сабот ва матонат намуналари омма қалб ту-  
ридан ўрин олған, тилларда достон бұлған, турли аф-  
сона ва ривоятларнинг түгилишига сабаб бұлған эди.

1379 йили Урганчин муҳосара қиплиш чогида Хоразм  
хукмдори Юсуф Сүфи Темурбекни яккама-якка олишув-  
га чақиради. Соҳибқироп рақиб даъватипи ҳеч иккилан-  
масдан қабул қиласы. Олишув учун зарур бұлған қу-  
рол-ярог билан ораста бұлған Темурбек ўйноқи тул-  
поридә ҳандак ёқасига келади ва қалъа бурж ҳамда бо-  
рулары паноқида бұлған Юсуф сүфиина кураш майдоннанға  
чорлайды. Бироқ, Темурбекнинг жалодат билан маъра-

<sup>1</sup> Қарағ: Гумилев Л. И. Древние тюрки. М., 1967. 33; Гордеевский В. А. Государство сельджукидов в Малой Азии, М., 1960-б.

кагоҳда рахш суринини күриб, ўз сўзидаپ қайтган Юсуф Соҳибқирон билан юзма-юз жанг қилишдап қурғонда қолишни маъқул курди.

Ушбу воқеадаи оз фурсат ўтмай, Термиздан келтирилган, эидигина дум бериб етилган, тилни ёрувчи тарвуздарни Темурбек дастурхонига тортишади.

Соҳибқирон тарвуздарни ўз ганими билап баҳам курмоққа қарор қиласди ва уларнинг бир қисмини олтин лаганларда Юсуф Суфига юборади. Темурбекнинг зоҳир этган олижаноблиги ва тантилигини ўзи учун ҳақорат ёки камситиш деб тушунган Урганч ҳокими тарвуздарни сувга иргитади, лаганларни эса, дарвозабонга пином қиласди<sup>1</sup>.

Тарихий манбалар<sup>2</sup> Темурбекнинг уи икки минг кишилик қушини жангга мана бундай тартибда киришини кўрсатади. Мудолифатчи лашкар билан дасталабки тўқ-нашувни разведка вазифалари билан машғул бўлган енгил суворийлар, яъни *каравул* бошлаб берган. Шуидан сўнг, ўнг ва чап қавот илгор қисмлари — *барангар ҳиравули* ва *жувангар ҳиравули* мададида асосий илгор қисм *манглай* жангга қадам қўйган. Манглай ортдан барангар




<sup>1</sup> Қаранг: Бартольд В. В. Улугбек и его время... б. 52.

<sup>2</sup> Қаранг: Уложение Тимура... б. 80—83. Издание М. И. О военном искусстве...: Разин Е. А. История военного искусства. т. II., М., 1957. Ўзбек совет энциклопедияси, I жилд, Тошкент, 1971, 482—485-бетлар.

ҳамда жувандарнинг қолган икки бўлаги, яъни чапавул ва шаҳавул пешма-пеш ҳаракат қилган. Мабодо ушбу куч душманини маглуб этишга кифоя қилмаса, у ҳолда бош қўмондон — амирул-умаро бошчилигидаги етакчи кучлар — қўл (гул) ҳал қилувчи ҳужумга ташланган.

#### Ўи иккى минг отлиқ қўшин ясоли

«Темур тузуклари» ва бошқа тарихга оид асарларда Темурбек армияси қатнашган шафқатсанз жаңгларнинг тактик бориш манзараси қўйидагича тасвириланади:



Құшии маркази 40 бүлек — полкка тақсимланған ва бевосита Соқибқирон құмандоилигіда бұлған. Ушбу бұлукларнинг сараланған аскарлардан ташкил этилған үн икни бұлукі сағининг бириңчи қаторида, қолған 28 бұлукі әса иккінчи ва учинчи қаторларидан жойлашған. Қырқ бұлукнинг үнг тарафы олдида Темурбек үглонлари ҳамда нағыралари қисмлари, сүл тарафы олдида әса олий бош құмандон қарндошлари ва иттифоқчилари қисмлары сағ тортаған. Бу қисмлар құшинга истаган пайтда күмак беришга шай турған. Иккінчи қаторнинг барангарда олти бұлук үз плгори — ұрауыл билан үрин олған. Айни шунча бұлук ва ұрауылга жувангар ҳам зғалик қылған.

Иккінчи қатор барангари ва жувангари олдида юқоридаги тартибда бириңчи қатор қисмлари жойлашған. Бириңчи қатор олдида бош илғор — ұрауыл буаурғ ёки манглай ҳаракат қылған. Енгил суворийлардан иборат иккі бұлук — қарауыл құшинни құққисдаң бұладыған ҳамладан сақлаш, душман күчларининг ҳаракатини күзатын билан банд бўлған<sup>1</sup>.

Мұхолиф лашкарда қочиш белгилари ва маглубият аломати зоҳир бўлиб қолғач, уни таъқиб этиш учун чапдаст суворийлардан тузилған қувғунчи тайип қилинған. Қувғунчилар шикаст топғанларга шундай шиддат билан ҳамла қылғанки, душман отлиқларыда от суришга маҗол, ииёдалар учун қочишга паноҳ қолмаган.

Қалъа ёки құргонга чекиниб, мустаҳкамланишга ултирганғаним мұхосара қилинған.

Қалъа деворлари яқиңда манжаниқлар қурплиб, галтаклар устига үрнатылған арродалар тиклапиб, қамалдагиларга қаратса ҳар тарафдан тошлар иргитилған, Раъдлар ишга солинган. Борулар остидан нақблар кавланған. Деворларда очилған рағналар орқали аскарлар селдай ишқарига ёпирилиб кирабошлиған. Қалъага чор тарафдан мур — малаҳдай ёпирилиб келаётған аскарлар қамал аҳли томонидан отилаётған үқ, найза, тош баъзан ёнаётған моддалардан сақлапиш учун бошларига қалқон ёки тұра тутиб, деворларга қойилған шотулар, ё бұлмаса ташланған каманд вә ҳалқалар ёрдамида юқорига кутарылған.

<sup>1</sup> Қаранг: Уложение Тимура... б. 83-90.

Темурбек Дамашқ шаҳри яқинидаги бир қалъани қа-  
мал қилади. Қалъа мустаҳкам бўлиб, у узоқ муддатли  
мудофаа учун зарур қурол-ярог, озиқ-овқат, ем-хашак  
билин таъминланган, мудофаачиларга Яздар номли сар-  
карда бошчилик қиласи әди. Аввалига Соҳибқирон бу қа-  
лъага уича эътибор бермайди. Бошқа зарурроқ юмуши-  
лар, яъни Дамашқ шаҳри аҳлидан берилган омонлик  
учун тұланадиган товои-мол дунё, от-улов, жория ва  
хизматкорлар йиғини билан машгул булади. Ушбу иш  
дүндирилгач, Темурбек юқорида зикр қилинган қалъа  
сари юзланади. Қалъа баланд, бурж ва борулари мустаҳ-  
кам әди. Уни бир ҳамла билан қулга киритиш мумкин  
эмаслигини сезган Соҳибқирон муҳосара қуроя-ярог-  
ларини ҳозирлашин амир қилади. Жаҳонгир ишни қалъа  
деворлари ёнида уидан баланд буладиган тупроқ уюми —  
*сарқуб* тиклашдаш бошлайди. Минглаб черик аҳли амир  
Жаҳоншоҳ раҳбарлигида теварак-атрофдан утиш, ёғоч,  
июх-шабба түплаб, устидан тош ва тупроқ тўкиб, сар-  
қуб барпо этади. Қад ростлаган сарқубга кутарилган те-  
мурий аскарлар қалъа ичида турганлар устига турли қу-  
роллардан ут ёғдиради. Қалъа рўпарасига ўриатилган  
маижаниқлардан иргитилган тошлар билан деворларда  
рахиалар очилади, унинг остидан ияқб — ерости йўлла-  
ри қазилиб, боруларга илгаклар ташланади, зич қўйил-  
ган нарвонлардан жаигчилар қўргонга ёпирлади. Бун-  
дай зур ҳужумни кутмаган мудофаачилар сафида саро-  
сима бошланади ва улар қаршилик кўрсатиш бефойда-  
лигини англаб етгач, муҳосаранинг йиғирма тўқизини  
куни Темурбекдан омонлик тилаб, унга қалъани топши-  
ради.<sup>1</sup>

Темурбек қүшинин забт этилган қалъа, шаҳар ва вилюятларни ўзбошимчалик билан горат қилиш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум эди. Агарда бирор шахс, Соҳибқиронга сота ёки бола ўрнида бўлса ҳам, ёки заррачӣ бўлса ҳам иоҳақлик кўрсатса, ёки наҳбу — горат тўгрисида сўз очса, зинҳор унинг мол-мулкию қони (бехудага) оқизилар, унинг ҳурмати ва ҳарами таҳқир қилиниар эди. На надомат, на шафоат тилаш унга пажот қилмас, аҳли ва хизматкорлари унга наф қилмасди ва бирор кимса томонидан «у билмасдан шундай (иш) қилиб қўйди», —

<sup>1</sup> Қараңг: *Ибн Арабшо*. Ажойиб ал-мақдур... I китоб, 232—234-бетлар.

дайылмасди. Еу, гүё бузилмас (қатъий) қондаю емирилмас (мустаҳкам) бино эди<sup>1</sup>.

Фақат оммавиі талон-тарожкага рухсат берилгандан сүнгина юришда иштирок этаётгап ҳар бир киши, ҳоҳ у номдор лашкарбоши бұлсии, хоҳ оддий аскар бұлсии, бундан қатъий наазар тенг ганимат олиш ҳуқуқыга зға булар, кимки бирор үлжаны бириңи бұлиб құлға кирилса, ұшанаға зға булар эди.<sup>2</sup>

Темурбек үз қасарруғига киритилған мамлакат ва юртлардан үлжа олинған мол-дуиә, ярг-аслақа, қимматбаҳо буюмлар, зебу зиянатларни салтанат хазинасыға бекаму құст келиб тушишини қаттық пазорат қиласар, асир олинған олимлар, фозиллар, меъморлар, шариат аҳли, наққошлар, тұқувчилар, тоштарошлар, тиқувчилар, дурадгорлар, жибачилар, ахтацилар, чодир тиқувчилар, сирчилар, құшчилар, ёйчилар ва құшчилар, аҳли пешаны иложи борича захмат ва зарарсиз бир ерга түшлар эди. Жамқыллар фазилат соҳиблари, аҳли ҳунар ва бопқа турли касеб әгалари номдор бек ёки амирлар кузатувпда Самарқандга етказилар эди.

Күн ҳолларда Соҳибқирон обод ва күркам, маданиятты гуркираб яшиаган, маъмур шаҳар ва кентларни, вилоятларни горат қилишідан үзини тиyr, у ерлардаги муборак қабристоiplар, машойих ва акобирларни зиёрат қилар эди.

Уиниг бундай феълу хұйидап бохабар бұлғап юрт арқонлари үнга пешвоз чиқиб, пешкашлар қилиб, үз халқыға омонилк тилар эди. Иккі орада сулҳ түзилиб, Темурбек құшпни илгарилаб кетар эди.

Соҳибқирон жаңгларда мардлик ва қаҳрамонлық памуналар күрсатған ҳар қандағы рақибини ҳурмат қиласар, жаңгчиларини үндан үршак олишга үндар эди. Бунга тарих шохид.

Әрондаги Кермоп вилояти ҳукмдори Султон Ахmadға қарашылы Алніжак номли қалъа бошлиғи Алтун құл остидаги уч юз чоглик кишиси билан Темурбекка қаттық қаршилик күрсатады<sup>3</sup>. Соҳибқироннанға саркардаларидан Темур Құтлуг Алтун томонидан қилипған шабихун — туиги ҳужум пайтида үлдирплади. Вақти-вақти билан қалъадан ташқары чиқиб, Темурбек аскарлари устига қилинған хуружлар мовароуинахрликларни таңг ахволға солиб қуяды.

<sup>1</sup> Ибн Арабшоғ. Ажойиб ал-мақдур... I китоб, 247-б.

<sup>2-3</sup> Қараңг: Ибн Арабшоғ. Ажойиб ал-мақдур... I китоб, 131-бет.

Иби Арабшоҳининг таъкидлашича, Темурбек қалъани ўн икки йиллик қамалдан сўнг фатҳ этади<sup>1</sup>. Навбатдаги горатларниң бирдан қайтган Алтун қалъа дарвозасининг ўзи учун беркитиб қўйилганлигини куради. Бўлак бошпаноҳи бўлмаган Алтун тақдирга тан бериб, Темурбек ҳукми остида турган, ҳозирги Эрон Озарбайжонига тааллуқли Маранд шаҳри томон ионлож йўл олади.

Алтунниң қурол-яргисиз ва аскарсиз ёлгиз ўзи келганилигидан воқиф бўлган Маранд доругаси дарҳол унинг бошини танидан жудо қиласди. Бу иохуш воқеадан изтиробга тушған Соҳибқирон афсус-надоматлар чекади. Сунгра ўз яқин кишиларидан бирини Марандга юбориб, Алтун жонига қасд қилган доруганинг мол-мулкини мусодара қиласди ва унинг ўзини қатл этишга буйруқ беради.

Соҳибқирон бирор ҳисор, шаҳар ёки вилоятни қанча вақт ичида забт этиш мумкинлигини олдиндан яхшилаб ҳисоблаб чиқар ва саркардалардан белгиланган муддатда ҳарбий ҳаракатларни ниҳоясига етказишини қатъий талаб қиласар эди.

Иби Арабшоҳининг ҳикоя қилишига кўра, 1400 йилниң 9 августида Темурбек улкан черик билан Сивосга етиб келади. Тарихчиларниң ёзишича, Сивос Туркияниң ажойиб ва чиройли шаҳарларидан бири булиб, гоят гузал манзилда жойлашган эди. Шаҳар мустаҳкам қургони, маҳобатли иморатлари, тарихий обидалари, кўркам мақбаратлари билан маълум ва машҳур эди. Ҳавоси мұътадил, суви зилол, ҳалқи ута ҳимматли ҳамда ҳамиятли булиб, одаминиавандлик, тақаллуф, тавозеъ ва иззатхурмат қондаларида етуку баркамол эди. Сивос Қораденгиз ва Арманистонга ҳуташ булиб, унга Туркия сultonи Боязид 1 Илдиримниң тўнгич ўғли Сулаймон ҳоким эди.

Сивосниң осонгина таслим бўлмаслигини пайқаган Темурбек шаҳарни ўн саккиз кунилик муҳосарадан сўнг фатҳ этишга аҳд қилганилигини баён этади. Ҳақиқатдан ҳам Сивос ўн саккиз кун давом этган жангу жадалдан сўнг 1400 йилниң 26 августида забт этилади.<sup>2</sup>

Темурбек уз тасарруфига олмоқчи бўлган улус ёки

<sup>1</sup> Қаранг: *Иби Арабшоҳ*, Ажойиб ал-мақдур... I китоб. 134—135-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: *Иби Арабшоҳ*, Ажойиб ал-мақдур... I китоб. 194—195-бетлар, II китоб, 72-бет.

юртнинг ҳукмдорларига, лашкарбошиларига мактуб ва влчилар йўллаб унинг амларига бўйин эгіб, мұқотала ва мұқобаласиз Суюргатмишхон (1370—1388) ҳамда Маҳмудхон (1388—1402) ёки Соҳибқирон Темурбек кўрагон исми билан хутба ўқитиши, шу тартибу расмга кўра пул зарб қилиши, тобе ва итоатда бўлиш, у ўтказаётган сиёсатни сўзсиз таи олини қаби талабларни қуяр эди. Қўйилгани шартларга майллик кўрсатганиларни ҳурматлар, уларга иззат-икромлар кўрсатар, совга-саломлар тортиқ қилас, халқига омонлик берар эди.

Темурбекниң талабларини цазар-нисанд қилмай, у юборган элчиларни қатл этишга ботинган баъзи жойларнинг раҳбарлари аёвсиз жазоланаар, мамлакати горатга дучор қилинар эди.

1400 йилинг сентябр-октябр ойларида Ҳалабга стиб келган Шом қокими Сайди Судун Темурбек жуннатган, юқорида қайд этилган мазмунига яқин фармонин кўзга илмай, дипломатия қоидаларини оёқости қилиб, мактуб келтирган элчига ҳамла қиласди ва унинг бошини кесади. Элчининг ноҳақ қурбон қилиниши Соҳибқирон газабини қўзгайди ва Ҳалаб аҳлиниңг қирғин-барот қилинишига олиб келади<sup>1</sup>.

Одатга биноан галаба ҳақидаги фатҳномалар мамлакатнинг ҳар бир чеккаси томон чопарлар орқали етказилган. Бу ҳумоюн фатҳ овозаси рубъи маскуниниг барча ўлкаю вилоятларига тарқалгац, хутба ва пул зарби Соҳибқирон иоми ва лақаби билан шарафли қилинган.

Юришдан фатҳу зафар қучиб қайтган музaffer қушини Мовароуниҳар халқи томопидан жуда катта хурсандчилик, шоду хуррамлик ва тантаналар билан қарши олинган. Сочқи сочиши, иешкашлар келтириш шарти амалга оширилган. Олий бош қўмандониниг шаънига ҳамду санолар, саломатлигига шукрлар айтилиб, мухтожкларга хайру садақалар улашилган. Дорус-салтана Самарқандда бир неча кун мобайнида дастурхонлар ёзилиб, тўю шодиёналар авжига чиққан. Хосу омга туҳфалар қилинган, ошлар тортилган<sup>2</sup>.

Темурбекниң саркардалиқ салоҳияти шунингдек, унинг бир неча бор кам соили черик билан қўрқув билмасдан кўп соили ганим лашкарига қарши жанг олиб

<sup>1</sup> Қаранг: *Ибн Арабшоҳ. Ажониб ал-мақдур...* I китоб, 199—205-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: *Гийасаддин Али. Дневник похода...* б. 185—188.

борган чөгларида яққол күзга ташланади. «Қаңчадан қаңча кичкина гуруұлар Аллоҳнинғ изни билан катта гуруұлар устидан галаба қылған»<sup>1</sup> лігіні, оз ұт күп үтишни күйдіришига қодир әкаалігінін яхни билған Соҳиб-қыроп құпиніча сон жиҳатдан зиёд бұлған ёв күчларига юзма-юз чиқиб, үзігін хос бұлған чора-тадбирлар құмагида иусрат қозонар әди.

Шарафуддин Али Яздійнінг мана бу сатрларига диктат қыламыз: Мовароунахр вілоятлари бошдан обек мухолиғлар ва душманлар таъсирі доирасыда бұлғанлығидан ҳар бир жойда душман лашкаринінг қандайдир бир катта туни үринашиб олиб, ҳар ким үз үрніннін бор кучи билан мұхофаза қыларды. Шунға қарамай осмондай құдратлы Соҳибқыроп үл диёрға бормоққа азм айлади ва Парвардигор құмагида умид қылған ҳолда, олты юз киниң йұлға отланиб, шабғир қилиб, таваккал юзиниң йұлға қаратды. Жайхун сувидан ұтғанларидан сүнг, шабғир қилиб, тоңға яқин Найистонға етдилар. Ұша куни бир чорбогда бекиніб түрділар ва отлар пүл чарчогидаң тиң олди. Сүнгра Жүйбори мавзесідан шабғир қилиб, Хузор томондан юриб Қаринини үраб олдилар. Амир Муне паварларидан бир түни ұша ерда әди, барчасыннан банди қолдилар. Қайсаңнінг қариндошлари — Аионжак, Кұдақ ва Үрдүшоқ үз қавмлари билан қочиб қолдилар. Дуваррака ва Шайх Али баҳодир эса савдогарларни душманлар деб үйлаб, улар билан жаңг қылдилар ва ғолиб чиқиб, тұрт boglam кимхоб үлжа олиб, Ҳазрат Соҳибқыроп олдига олиб келдилар. Үл Ҳазраттінінг бүйруги билан уларнінг ҳаммасиши, кам-күстеніз әгаларига қайтардилар. Қаравунас<sup>2</sup> лашкаридан беш минг киши Құзи — мундоқ<sup>3</sup> мавзенде турадилар. Амир Сулаймон Ясавурій уларға бориб қүшилди. Баротхожа ва Ҳиндүшоқ ҳам үз лашкари билан уларға бирикди. Аионжак ва Кұдақ Хузор яқинидаң үтиб, уларнінг қошынга кетдилар.

Ҳазрат Соҳибқыроптінінг бу ақвоздан хабари йүк әди. Ү күн ботиш олдидан Қаршидан отланиб, ярим кечада Навқатға<sup>4</sup> етиб борди. Ұша ерда қаравунас лашкари ва улар ённің тұпланған күн (құшини) ҳақида хабар топди.

<sup>1</sup> Куръон, 2-сурә, 249-оят.

<sup>2</sup> Қаравунас—Чигатай улуси гарбий қисмінде жойлашған түрк-мұғул қабпіллары.

<sup>3</sup> Қамаши тұманидагы Қизилтепа қишлоғи.

<sup>4</sup> Қамаши тұманидагы Корабог қишлоғи.

Әхтиёткорлик шартига амал қилған ҳолда, үша заҳоти ҳовли-жойлар орасыдан чиқишига буюрди ва үша кече Навқатининг ташқарисида чўлда тунади... Шу найт амир Жаку отдан йиқилиб, шундай қаттиқ лат едик, мизожи яшаш йўлидан четга бурилди. Ҳазрат Соҳибқирон ўттизта мукаммал отлиқни унга қўшиб. Моҳонга юборди. Үзи эса ҳиммат юзини қатъий равишда қаравунас лашкари билан жангга қаратди. Амирлар ва баҳодирлар барча ул ниятга қўшилиб, рози бўлди. Фақат Али Ясавурйигина ул фикрин маъқул тоғмади ва маслаҳатдан деб билмади. Қариндошлари бу ҳақда Ҳазрат Соҳибқиронга арз қилдилар. Ул Ҳазрат уни зурлик билан чақиртириб отлантириди.

Шайх Али баҳодир ва Оқбуга баҳодирни олтмишта аскар билан манглай тарзида жунатди. Душманлар томондан Ҳиндудиоҳ уч юз киши билан лашкар олдида келарди. Ҳар иккала томон манглайи бир-бирларига етиб жаңгга киришдилар. Осмоний қўллов Ҳазрат Соҳибқирон синоҳига оз булишига қарамай, галаба ва ферузлик каромат қилди ва душман манглайнини қувиб, уларниг қулигача етказдилар.

Бу галаба содир бўлгач, ул Ҳазрат тўхтаб, отларга дам бердилар. Үша куни нешин чоги саодат ила яна отланиб, олти юз синоҳни етти қўшинига бўлди. Зафарсаноҳ синоҳ душманлардан сон жиҳатдан жуда оз бўлганикликлари учун Соҳибқирон жаңгчиларниг кўнглини кутариб, яхши сўзлар айтди. Уларни рагбағлантириш учун тиришмоқ ва жаңг қилмоққа ундан, гавҳар сочувчи сўзлар билан, бугун мардлар учун базм ва ишрат (куни) дир деди. Амир Довуд, амир Саригула, Ҳусайн барлюс, амир Сайфуддин, Аббос баҳодир, Оқбуга баҳодир, Ҳиду, Элчи баҳодир, Дуваррака, Шайх Али баҳодир, Али Ясавурий, Чубин ва Махмудиоҳларни ҳар бирини ўз жойларига қўйиб чиқди. Үзи эса, қаравул тарзида олдинга юрди. Ев яқини келгач, жувонгар ва бурангарни тартибга келтириб, қўзини ўзининг ярқираб турган шон-шукуҳи билан безади. Жаңг чоги уч чуқ (тўн) бўлиб ҳужум қиласинлар, деб буюрди. Иккита томон синоҳи бир-бирига ташланган чогда мавлоно Бадруддин ва унинг ўғли қочдилар. Али Ясавурий ҳам иккита нақар билан қочмоққа юз тутди. Ҳазрат Соҳибқирон Таигри кўмаги ила ҳужумга ўтди...

Ўшандай кўп сонли ва шон-шавкатли лашкар бир соат ҳам туриб жаңг қилолмадилар ва жаҳонгир Соҳиб-

борган чөгларыда иққол күзга ташланади. «Қанчадан қанча кичкина гуруұлар Аллоҳиниг изни билан катта гуруұлар устидан галаба қылған»<sup>1</sup> лігінің, оз үт күп үтишін күйдірінің қодир эканылығын яхши билған Соҳибқирик құнинча сои жиҳатдан зиёд бұлған ёв күчларыға юзма-юз чиқиб, ұзига хос бұлған чора-тадібрлар күмагида пусрат қозонар эди.

Шарафуддин Али Яздійнің мана бу сатрларыға диққат қыламыз: Мовароунинаұр вилоятлари боідан оёқ муҳолифлар ва дүніманлар таъсири доирасыда бұлғаилигидан ҳар бир жойда душман лашкарининг қандайдир бир катта түни үрнашиб олиб, ҳар ким үз үрнини бор кучи билан муҳофаза қыларды. Шунға қарамай осмондай құдратли Соҳибқирик үл диёрга бормоққа азм айлады ва Нарвардигор күмагида умид қылған ҳолда, олты юз киши йүлға отланиб, шабғир қилиб, тавакқал юзини йүлға қаратди. Жайхун сувидан ұтғапларидан сұнг, шабғир қилиб, тоңға яқин Найистонға етдилар. Ұша күни бар чорбогда бекиниб ұрдилар ва отлар йүл чарчогида тиім олди. Сұнгра Жүйбори мавзесидан шабғир қилиб, Хузор томондан юриб Қаршыны үраб олдилар. Амир Муне шавкарларидан бир түни үша ерда эди, барчасини банди қилдилар. Қайсараппен қарнидошлары — Аноижак, Кұдақ ва Үрдүшоқ үз қавымлари билан қочиб қолдилар. Дуваррака ва Шайх Али баҳодир эса савдогарларни душманлар деб үйлаб, улар билан жаңғ қылдилар ва голиб чиқиб, тұрт болгам кимхоб үлжә олиб, Ҳазрат Соҳибқирик олдига олиб келдилар. Үл Ҳазраттың буйруги билан уларнинг ҳаммасини, кам-кустезіз әгаларыға қайтардилар. Қаравунас<sup>2</sup> лашкаридан бені минг киши Құзи — мундоқ<sup>3</sup> мавзейде турардилар. Амир Сулаймон Ясавурий уларға бориб құшилди. Баротхожа ва Ҳиндушоқ ҳам үза лашкари билан уларға бирикди. Аноижак ва Кұдақ Хузор яқинидан үтиб, уларнің қошыға кетдилар.

Ҳазрат Соҳибқирикнің бу ақвоздан хабари йүк эди. Ү күн ботиши олдидан Қаршидан отланиб, ярим кечада Навқатға<sup>4</sup> етиб борди. Ұша ерда қаравунас лашкари ва улар ёнінде қылған күп (құшин) ҳақида хабар тоиди.

<sup>1</sup> Қуръон, 2-сурә, 249-оят.

<sup>2</sup> Қаравунас—Чигатай улусы гарбий қисмінде жойлашған түркмұғул қабілалары.

<sup>3</sup> Қамаш тұманидагы Қазылтепа қишлоғы.

<sup>4</sup> Қамаш тұманидагы Қорабог қишлоғы.

Эҳтиёткорлик шартига амал қилған ҳолда, ўша захоти ҳовли-жойлар орасидан чиқишига буюрди ва ўша кечак Навқатининг ташқарисида чўлда тунади... Шу найт амир Жаку отдаи йиқилиб, шундай қаттиқ лат едики, мизожи яшаш йўлидан четга бурилди. Ҳазрат Соҳибқирон уттизта мукаммал отлиқни унга қушиб. Моҳонга юборди. Ўзи эса ҳиммат юзини қатъий равишда қаравунас лашкари билан жангга қаратди. Амирлар ва баҳодирлар барча ул ийитга қўшилиб, рози бўлди. Фақат Али Ясавурйгина ул фикрини маъқул томади ва маслаҳатдан деб билмади. Қарииндошлари бу ҳақда Ҳазрат Соҳибқиронга арз қилдилар. Ул Ҳазрат уни зўрлик билан чақиририб отлантириди.

Шайх Али баҳодир ва Оқбуга баҳодирни олтмишта аскар билан манглай тарзида жўнатди. Душманлар томондан Ҳиндушоҳ уч юз киши билан лашкар олдида келарди. Ҳар иккала томон манглайи бир-биirlарига етиб жангга киришидилар. Осмоний қўллов Ҳазрат Соҳибқирон синоҳига оз булишига қарамай, галаба ва ферузлик каромат қилди ва душман манглайнин қувиб, уларниң қўлигача етказдилар.

Бу галаба содир бўлгач, ул Ҳазрат тўхтаб, отларгадам бердилар. Ўша куни нешини чоги саодат ила яна отланниб, олти юз синоҳни етти қушинга бўлди. Зафарниоҳ синоҳ душманлардан сон жиҳатдан жуда оз бўлгапликлари учун Соҳибқирон жангчилариниг кўнглини кўтариб, яхши сўзлар айтди. Уларни рагбаатлантириш учун тиришмоқ ва жанг қилмоққа ундан, гавҳар сочувчи сўзлар билан, бугун мардлар учун баам ва ишрат (куни) дир деди. Амир Довуд, амир Саригбуга, Ҳусайн барлос, амир Сайфуддин, Аббос баҳодир, Оқбуга баҳодир, Ҳиду, Элчи баҳодир, Дуваррака, Шайх Али баҳодир, Али Ясавурий, Чубин ва Махмудиоҳларни ҳар бирини ўз жойларига қўйиб чиқди. Ўзи эса, қаравул тарзида олдинга юрди. Ев яқин келгач, жувандар ва бурангарни тартибга келтириб, қўлини узининг ярқираб турган шон-шукуҳи билан безади. Жанг чоги уч чуқ (тун) бўлиб ҳужум қилсилалар, деб буюрди. Иккита томон синоҳи бир-бирига ташланган чоғда мавлоно Бадруддин ва унинг ўғли қочдилар, Али Ясавурий ҳам иккита навқар билан қочмоққа юз тутди. Ҳазрат Соҳибқирон Таигри кўмаги ила ҳужумга утди...

Ушандай қўп сонли ва шон-шавкатли лашкар бир соат ҳам туриб жанг қилолмадилар ва жаҳонгир Соҳиб-

қироининг бир ҳамласидан орқа угириб, қочмоққа юз тутдилар»<sup>1</sup>.

Темурбекнинг қушии қисмлари тогли ҳудудларда ҳам мұваффақият билан жаңг ҳаракатлари олиб бориш, мустаҳкам қалъа ва ҳисорларда үринашиб олган душманни маглуб этиш қобилиятига әга әди. Фикримизни Низомуддин Шомийнинг қуийдаги қандлари билан мустаҳкамлаймиз.

Соҳибқирон құл остидаги ҳарбий кучлар Аидароба мавзеига етганды у ернинг мусулмон ахолиси Темурбекдан үзларини мажусийлар зулмидан ҳалос этишини илтимос қиласы. Соҳибқирон гайридинийлар утказаётган азоб-уқубатта чек қуийпі мақсадида тезлик билан қушин сафларини ростлайды ва мажусийларға қарши юрады. Рустам баҳодир мирзо ва Бурғон углон бошлиқ қисмларни Катүр қалъаси томон йүллаган Соҳибқирон үз навбатида катта ҳарбий қисм билан қалин қор ичидан йул очиб, оғир сұқмоқ ва довонлар орқали баланд бир чүккіга кутарилади. Бараңгар ва жуванғар аскарлари қор билан қопланған жар ва дараларға учыб тушмаслик мақсадида белларига арқон болғаб, чүккідан настга туғшадилар. Темурбек қушиининг күтилмагаңда тұsatдан пайдо бұлғаилигидан бохабар булған мажусийлар куч-қуронини тог устига олиб чиқишиади. Темурбек қушини ганимларининг күпдан-куп қуй-құзиларини үлжасынан қиласы, үй-жойларини құлға кирилади. Асосий кучлар етіб келгач, тог төпасиға чекинишиға улғырган душманни бартараф этиш учун қисмларға тоққа кутарылышынан изжозат берилади.

Қушии қисмлари фармонин аді этишга киришади. Шайх Арслон ёвнининг күп тұдаларини жуванғар қисмлари қароргоҳи томон қувлаб боради ва уларни маглуб этиб аксарини асир қиласы. Али Султон коғирларға бошиқта тарафдан қирон келтиради ва уларнинг құнимгоҳини әгаллайды. Мислсиз матонат ва қаҳрамонлық науналари намойиши этганды амир Гиёсүддин Шоҳмалик ёғининг кучли зарбаларини қайтаради.

Мубашшир Тұра ҳам үзға жаңгчилар қатори түқиашувда жасорат күрсатади. Мингли хожа бир гуруҳ сара баҳодирлар бошчылигидан олга ташланади ва тог төпасиға чиқиб олади. Суюнчак баҳодир үз жаңгчиларини жаңговар сағта тиэзіб душман билан шиддатлы жаңг қиласы. Шайх

<sup>1</sup> Шарағиддин Али Яздий. Зафарнома... 157—160-бетлар.

Арслон аскарлари ва мулозимлари ҳамроҳлигига тог ҳенасига чиқади ва у ерда жойлашиб олган мажусийларни қилинчдан ўтказади.

Мусо, Ҳусайн Малик ва амир Ҳусайнлар ҳам оғир жаңг олиб боришади.

Ўзга минглик ва туман сардорлари душман гуруҳларини, уларниг истеҳкомларини қуршовга олади.

Уч кун давом этган саваш чогида мажусийларниг күнчиллиги қурбон бўлади. Тұрғичи куни кофиirlариниg акобирлари чорасиз аҳвол ҳамда заифлик сабабли Темурбекка итоаткорлик кўрсатади ва аҳли учун омоилик тилайди. Соҳибқирон мажусийлар исломни қабул қилган тақдирдагина омоиликка сазовор бўлишлари, бошлари амал спртмогидан ҳалос қилиниши мумкинлигини баён этади. Мажусийлар жонларини сақлаб қолиш, угил-қизва хөтин-халаҗини тутқулилардан сақлаб қолиш ииятида ўз дипларидаи воз кечиб, иймон келтиришади.

Соҳибқирон уларниг ҳаммасига инъомлар бериб ва иззат икром курсатиб, ўз уй ва юртлари томон қайтишларига ижозат беради.

Аммо бахти қаро мажусийлар ўз маконларига эсономи етиб олгач, исломдан юз ўгирадилар ва амир Шоҳмалик аскарларига тунда шабихуи қиладилар. Мажусийлар томонидан зоҳир этилган бу ҳаракат уларниг Соҳибқирон қушинилари томонидан тор-мор этилишига, хотин-халаҷ ва угил-қизлариниg банди қилинишига, мол-мулклариниg талон-тарож бўлишига олиб келади.<sup>1</sup>

## ҚАРОР ҚАТЪИЙ, ШИКОЯТГА ҮРИН ПЎҚ

Маълумки, Жўжихон авлодидан булган Тухтамишхон отаси Тўйхўжа ўғлон Үрисхон томонидан қатл қилингандаи сўнг Оқ Ҳрдадан қочиб, 1376 иили Самарқандга, Темурбек ҳузурига мадад ва паноҳ излаб келади.<sup>2</sup>

Ўзоқни кўрабилувчи, ақли теран ва тезфаҳм Соҳибқирон ёш, гайратли ҳамда истеъдодли хонзоданинг кунглини кўтарици, қўллаб-қувватлаш, лозим тоиса тус-туналондан боши чиқмай қолган Оқ Ҳрда сиёсий-ижти-

<sup>1</sup> Қаранг: Гийасаддин Али. Дневник похода.. б. 192—195.

<sup>2</sup> Қаранг: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Үрта... 287—288-бетлар; Якубовский А. Ю. Тимур... б. 61—62.

моий ҳаётига ўз таъсирини ўтказиб, у ерга ўзининг ишончли кишисини ҳукмдор қилиб қўйни мақсадида Тўхтамишхонни жеракли қурмат-эҳтиром билан қаршилайди, совға-саломлар, тортиқлар инъом қиласди. Зарур қурол-аслаҳа, асбоб-аижом, от-улов ва қўшин билан таъминлаб, Тўхтамишхоннинг Оқ Ўрда таҳтига эга бўлиш йўлида қилган барча юришларида қўмак беради.<sup>1</sup>

Яқиндан берилган мадад туфайли Тўхтамишхон 1378 йили Оқ Ўрдани қўлга киритади, 1380 йили Калка дарёси бўйида Мамайнин маглуб этган Тўхтамишхон Сарой ал-Жадид, Сарой Боту, Саройчик, Ҳожитархон сингари шаҳарларни забт этади ва ўзини Олтии Ўрданинг мутлақ ҳокими деб эълон қиласди.<sup>2</sup> Жўжин улуси раҳбарлигини куч билан қўлга олган Тўхтамишхон олиб борган сиёsat ва ҳарбий ҳаракатларнинг асосий йуналиши жанубга, яъни қачонлардир Чигатойхон ва Хулагуҳон улуслари ҳисобланган Мовароуинаҳр ҳамда Ҳурросинга қаратилган эди. Бу улуслар XIV асрнинг ўрталарида келиб, тааназзулга юз тутган, ерлари Темурбек ва унинг фарзандлари томонидан эгаллаимоқда эди. Ўз хатти-ҳаракатларини яқин ўтмишда жуда катта ҳудудда ҳукмронлик қилган буюк, эндиликда ўзаро уруш ва низолар туфайли майда булакларга ажralиб кетган, ўз умрини туттатиётган чингизийлар салтанатини қисман бўлса-да, қайта тиклашдек аниқ мақсаддага қаратган ёш, гайратли, шу билан бирга ўта баджаҳл Тўхтамишхон бир умр миннатдор булиши лозим топилган ҳомийси ва мададкори Темурбек билан очиқдан-очиқ муносабатларни ёмонлаштириш, муҳолифатчилик қилиш кучасига қадам қўяди. Соҳибқирон билан бўлган алоқаларни бутунлай узган Тўхтамишхон унинг тасарруфиға кирган мулкиларга ҳажовуз қилиши ииятида 1382—1384 йиллар давомида катта қўшин тузиш, уни керакли қурол-яроғ билан таъминлаш каби зарур чора-тадбир билан машгул бўлади. 1384 йилнинг ишқоясида Тўхтамишхоннинг юз минг кишилик қўшини Дарбанд ва Ширвон орқали Курадарёсидан утиб, Соҳибқирон мулки ҳисобланган Табриз остонасида найдо бўлади. 1385 йил бошида шаҳар хон

<sup>1</sup> Каранг: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтии Ўрта... 288-бет. Егоров В. Л. Историческая география. Эзлотои Орды в XIII—XIV вв. М., Наука, 1885, б. 64—65.

томонидан забт этилгач, унинг чериги Марагага қараб юради. Бу ердан ортига қайтган Тұхтамишхон лашкари йүз-йұлакай Озарбайжоннинг Мараанд ва Нахичеван вилоятларини яксон қилади. Юриши шу йусида якунлаган хон құшыниң Қорабогда тұнланади ва у ердан Олтиң Үрда сары жұпайди.<sup>1</sup>

Келаси, 1386 йили Темурбекнинг айнаи Арон даштида қышлов учун ұнғаплигидан беҳабар Тұхтамишхон Озарбайжонға қайта юриши бошлайды. Олтиң Үрдаликлар лашкари Дарбанднинг жаңубидаги Самур дарёсін бүйларида Темурбек аскарларига дуч келади. Бұліб үтгап кисқа жаңғдан сұнг Тұхтамиш құшыни шимол томони бурилиб кетади.<sup>2</sup>

1387 йили Тұхтамишхон Темурбекнинг Эроналигидан фойдаланыб, Соҳибқирон салтанатнинг марказий қисмларига ұжум қилиш қарорига келади. Дастрабки зарба Оқ Үрданинг маркази Сигноқ томонидан берилади. Сабронии әгаллай олмаган құшыни Үтрорға йұл олади ва у ерда уича катта бұлмаган Темурбекка тегишли аскарий гурухини маглуб этиб, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳудудига бостириб киради. Тұхтамишхон иккинчи ىуалиищдаги зарбани Хоразм орқали амалға оширади. Самарқанд ва Бухоро қурновда қолиниң қарамай, Тұхтамишхон бу шаҳарларни олишини үддасидан чиқолмайды. Асосий қуроллы күчлар билан Широзда турған Темурбек қамалда колғанларға 30 миң кишилик мадад жунатади. 1388 йилинің февралыда Соҳибқирон бор армиясини бошлаб, душманға қарши йұлға чиқади. Тұхтамиш Темурбек билан юзма-юз тұқнашишдан воз кечиб, аудлук билан Даشتі Қипчоққа қайтиб кетади.

Тұхтамишнинг Олтиң Үрдадан бир неча чақирим ма-софада жойлашған Самарқанд ва Бухоро вилоятларига қылған ұжумы, уннан муайян бир ҳудуд учун эмас, балки умуман Темурбеккә қарши олиб бораётганды сиёсатнинг натижаси эканлигини Соҳибқирон аңглаб етгайеди.

1383 йилинің сүнгигида үз құшынини рус, булғор, бошқирд ва бошқа халқлар ҳисобига мустаҳкамлаган Тұхтамиш яна Темурбеккә қарши отланади. Қозогистон чұллары ва Сирдарё бүйлаб қаракат қылған улкан құшын-

<sup>1</sup> Қаранг: В. Г. Тизенгаузен. Сборник материалов... Т. 2. б. 157; В. Л. Егоров. Историческая география... б. 218—219.

<sup>2</sup> В. Л. Егоров. Историческая география... б. 219.

нинг илгор қисми 1389 йил бошида Арис дарёсининг этагида жойлашган Зарнук шаҳри яқинида Темурбек томонидан исканжага олиниб, тор-мор этилади. Бу вақтда Тухтамиш қушининг асосий қисмлари билан Сирнинг ўнг соҳилидаги Саброн шаҳрини әгаллашга беҳуда уринмоқда эди.<sup>1</sup>

Темурбек Тухтамишхон томонидан амалга оширилаётган ганимлик ва гаразгүйлик саъи ҳаракатларга чек қўйишга ҳамда Соҳибқироннинг Эрон заминидаги мавкенинг кучайиб кетаётганилигини олдини олиш учун Олтии Үрда ва Миср ўртасида тузилиши режалаштириллаётган иттифоққа барҳам беришга мажбур булади. Натижада Темурбек 1391 йилнинг қиши фаслида Тухтамишхонга қарши юришга азм қиласади<sup>2</sup>. Салтанатиниг турли вилоятларига тавачи ва чопарлар юборилиб, оммавий сафарбарлик ҳақида фармони олий эълон қилинади. Бир йилга етадиган озиқ-овқат, ем-хашак йигини ва ҳозирлаш чоралари кўрилади. Ҳар бир жаңгчи бир ёй ва ўттиз дона ўқ, тиркаш ўқдони билан, бир қалқон, битта қўшимча от, ҳар уни аскарда бир чодир, икки бел, бир кетмон, бир уроқ, бир арра, бир теша, юз игна, ярим ботмон арқон, бир тери ва қозон булини шарти қўйилади. Темур буйругига биноан улови бўлмаган навкарларга отлар берилади. Давлат хазинасининг эшиклари очилиб, амирлар, беклар, лашқарбошиларга сафар олдидаи тортиклар қилинади. Лашқарнинг жаңговар руҳини кўтариш мақсадида аскарларга совғалар улашилади.

Жам бўлган қўшин Самарқанддан йўлга чиқади ва Сирдарёдан кўпирик орқали утиб, Тошкентга қараб юради. Қишининг маълум қисмини Тошкентда ўтказишга қарор қилган Темурбек одатича шайх Маслаҳатнинг мақбарамасини зиёрат этиш учун Хужандга боради. Тошкентга қайтиб келган Соҳибқирон безгак касали билан оғриб, қирқ кунгача ётиб қолади. Аркони давлат, беку умарова аҳли лашқарнинг кунгиллари ғамгин ва паришон булади. Дард аригач, Темурбек Даشتி Қипчоқ юришига жиддий тайёргарлик кура бошлийди. Бек ва нўёнларга

<sup>1</sup> Қаранг: В. Г. Тизенгаузен. Сборник материалов.. Т. 2. б. 157; В. Л. Егоров. Историческая география.. б. 219—220; Б. Д. Греков. А. Ю. Якубовский. Олтии Үрда.. 288—289-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Греков Б.Д., Якубовский А. Ю. Олтии Үрда. 302 б.; Егоров В. Л. Историческая география.. б. 220. Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов. т. 2. б. 160—171.

тұхфалар қиласы, сипоға ош бериб, барчанинг күнглини хүшиуд айлады. Қүшинга қийин ва үтиб бұлмас жойлардан бошлаб борувчи йүл бошловчилар — қажарчилар белгилайди. Бу гал құлавузлик, яғни, йұлбошловчилік қилиш вазифаси чингизий шаҳзода Темур құтлуг үглондамда Идигүй ұзбек, яғни, Едигей зымасында юклатилади. Шу асюда Мироншоқ құрагон мирзо Хурсон лашкары билан келиб, ҳұмоюн үрдуга қүниләди.

Мамлакат ишларини идора қилиш вазифаси вақтынчалик Шоҳруҳ мирзо ва Жаҳонгир мірзоларга төншириләди. Амир Даъәл билан амир Милкат амирзодаларга иоиб әтиб тайинланади.

Барча ташкилий юмушлар ниҳоясига етгач, Тошкентдан 1391 йилнинг 22 январида құзгалған Темурбек армиясы Ұтрор томон йулға чиқады. Рақибиңиң үлкән қүшини билан келаётгандығыдан чүчиган Тұхтамишхон у билан бұлажак тұқнашувни иложи борича кейинга сурис мақсадида Темурбек ҳузырига үз әлчиларини тұқыста чопқыр от ва бир қанча шунқорлардан иборат совта-саломлар билан юборади.

Хонининг әлчилари орқали йұллаган узр-маъзур, тавба-тазарру ҳамда содиқ бұлиш ҳақидаги ваъдаларини дикқат билан тиңглаган Темурбек айттылған сұзларининг барасы сохта ва найраңдан ортиқ нараса әмаслигини яхши пайқайды. Лашкарбошилар, арконы давлат, амирзодалар, шүёнлар иштирокида үтказилған ҳарбий кеңғаш — машвара тағда Тұхтамишхонга қарши юришини давом эттиришга қарор қилинади.

1391 йил ҳут ойи охирларыда иккى юз минг кишилик құшини Яса, Қорачуқ, Саброн орқали Сариқ ұзаң (Сарисув) мавзеяға чиқады. Күчли сел келиши туфайли құшини бир неча күн шу ерда макон топади. Сел камайғанды сұнг Соҳибқрон құшини дарёдан гузар орқали утади. Бир күн кечаси Идигүй ұзбекининг иккى навкари қочиб, Тұхтамишхон урдугоғыга кетгандығы маълум бұлайды. Қочоқларни тутиш мақсадида юборылған таъқибчилар уларни тополмай, қайтиб келади. Соҳибқирон иккى кече-кундуз йүл юриб толықсан құшинини Улуг тог (хозирги Қозғистондагы Қарсақнай кони яқинидеги Олтин қуку номлы тог) ёнбагрига ҳордиқ олиш учун туширади. Ұзи эса хослары ҳамроҳлигыда тог бошиға чиқиб, теварак-атрофға, ястаниб ётған даштта вазар ташлайды ва бу ерда мазкур юриш ҳақида хотира қолдиришга қарор

қилади<sup>1</sup>. Фармони олийга күра жаңгчилар атроф жаво-нинбдан харсанг тошлар ташып келиб, белгиланган жойга түйлайдилар. Уста тоштарошлар ишга тушиб, Соҳибки-ронининг Тұхтамишхонга қарши құшини тортиб, ушбу мав-зега етгасынни тарихини тошга битадилар.

Туркій ёзувда нақш қилинған хотиранинг матни қу-йидагичадыр: Тарих етти юз түқсөн учта, қүй йил ёзниңг ора ой Тураннинг султони Темурбек иккى юз минг<sup>2</sup> че-рик била ислом учун Тұхтамишхонин(иг) хонига йури-ди. Бу ерга етиб, белгү бұлсун теб бу йубани құ-нарды. Таңгри иисефат бергай, Инишаоллоқ. Таңгри әл кишиңа раҳмат қылгай, Бизни дуо била ёд қылгай».

Едгорлық битгач, құшини яна йүлга чиқады: Илончуқ, дарёсими убур қылгач, саккыз кечә ва күндүз тиимсиз от суриб толиққаи Темурбек сипохин Анақаргүй (Қозо-гистондаги қозирғи Анақарқуюн) мавзенің ұширады.

Беш-олти ойдан бери ганим кетідан изма-из келаёт-ған құшинининг озиқ-овқати деярлы тугаш арағасыда әди. Соҳибқирон құшиниң бекларынға иложи борича уп, бугдой, ариа каби озиқ-овқат маҳсулотларини тежашни буюрады. Аскарлар биёбондаги құшларининг тухумларини пишириб ейши ҳамда атала — *буламұқ* ичиш билан қаноатланады.

Оғир вазиятдан чиқиши, яъни қаҳатдан халос булиши-нинг бирдан-бир иложи ғарға ови қылышга амр қилина-ди. Ов жуда мұваффақиятли бұлади, күплаб жайрои, ёввойи әчки, кийик ва бошқа саҳро жониворлари үлжа қилинади. Емиси мұаммосини ҳал қылған Темурбек са-фарни давом эттиради. Лашкар деңгизмонаңд жүш ва хурушиға келиб, қартиб ва қоюда билан фавж-фавж, гу-рух-турух булиб ёғи томон мұтаважжиқ бұлади. Тобол, Ейік (Урал), Самар дарёларидан кечиб үтған құшин Ийк дарёсін яқинида құнишынға қарор қилади. Амирзода Мұхаммад Султон баҳодир тутыб келтирған тилдан душ-манинг яқиндалығы тұгрисида маълумотта аға бұлған Соҳибқирон ражаб ойининг душанба куни құшинни ауд-лик билан Ийкни кечиб үтишін баштайтын. Құпрықдан дастлаб *манглай*, сунг құл-марказ үтади. *Баранғар* ва *жуванғар* лашкариңа сувдан сузиб үтишін буйруқ бері-лади.

<sup>1</sup> Қараңг: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтпн Ұрда... 303—304-бетлар; Якубовский А. Ю. Тимур... б. 63.

<sup>2</sup> Содиқов Қ. Амир Темурнинг уйгур ёзувли битиги //Соглем авлод учун 1995 йыл № 1.//

Бу орада душман қароргохини аниқлаш максадида жүннатилған разведкачи гурух-қаравулнинг сардори амир Ику Темур қарии томон қаравулари, билан бўлган тенгиз тўқиашув иайтида қатлга етади. Икки тарафнинг соқчи булинмалари тез-тез юзма-юз кела бошлиайди. Бироқ, ёвнинг асъсий кучлари ҳа деганда кўзга ташланабермайди.

Озиқ-овқатнинг соат сайни камайиб борниши, узоқ йўл боғсан аскарларининг ҳолдан тойини ҳисобига Темурбек армиясининг тинкасии қуритиб, унинг жанговар руҳини сусайтириш тактикасини усталик билан қуллаётган Тухтамишхонни Умаршайх мирзо, амир Суюнчак, Султон Саникар, амир Ҳожи Сайфуддин ва амир Аббоснинг ўғли Усмон қўмондоилигидаги йигирма минг жаррор отлиқ аскарлардан иборат илгор қисм — маңглай, охир оқибат тўхташга ва жангга киришига мажбур этади.

1391 йилининг 18 июнида Самара вилоятининг Кундузча мавзенда Темурбек ва Тухтамишхон ўртасида, икки томондан таҳминан 400 минг аскар иштирок этган, ўша даврдаги энг даҳшатли ва йирик масоф — жанглардан бири булади.


Ушбу жанг саҳиаси, Темурбек қушинининг жанговар тартиби Низомуддин Шомпий ва Шарафуддин Али Яздий асарларида муфассал тасвирланган.

Ясолин тузишига бевосита Соҳибқироннинг узи раҳбарлик қилади. У қушининиг қисмларини жанг майдонига жойлаштиришда янги усулини қуллайди ва уларни *етти қулга ажратади*. Султон Маҳмуднинг номи билан ораста қилинган ва марказга қўйилган қулга бевосита амир Сулаймоншоҳ қўмондошлик қилади. Бу қулиниг кетидан Темурбекнинг иккичи қули турди, унга бошчиллик қилиш Мухаммад Султон мирзога буюрилади. Унинг ортидан бевосита Темурбек ихтиёрида бўлган 20 қушун эҳтиёт қисм қилиб жойлантирилади. Барангарга Амироншоҳ мирзониниг қули қўйилади, амир Ҳожи Сайфуддиннинг қули кунбул-қанот қуриқчиси вазифасини утайди. Жувангарга Умар Шайх мирzonиниг қули жойлаштирилади. Унга қуибул тарзда Бердибек, Сарибуға раҳбарлигидаги қўл турди. Бу қисмга ҳам жувангар, ҳам қўлни қўриқлаш вазифаси юклатилади. Марказ — қўл маңглай — аваңгард билан таъминланади. Қўлиниг орқа томонида олий бош қўмондон, яъни, Темурбек қароргоҳи ўринатилган чагдавул жойлаштирилади. Шу ерда бўлган эҳтиёт кучлар жангиниг тақдирини Темурбек фойдасига ҳал бўлишида катта роль уйнайди.

Ул тарафда Тұхтамишхон ҳам үз сипохини беш құлға булиб, уларға хонзодалардан Тош Темур үглон, Бек Еориқ үглон, Эләтиқмииш үглон, Али үглон, Жұжихон улусын умаросидан Алибек, Сулаймон, Қунғирот Наврұз, Оқ бұта, бийлардан Айсаек, Ҳасанбек, Кұка ва Еғли сингары Дасти Қипчоқиңиг номдор саркардаларини бошлиқ қилиб, саф чекиб турарди.

Лайтылғанлардан келиб чиққан ҳолда Темурбек ва Тұхтамишхон құшынларининг жаңғовар тартиби — ясөлини қуйидагича схемалаштириш мүмкін.

### Тұхтамиш армиясы



### Темурбек армиясы

Темурбек жаңг олдида аскарий қисмларга чодирлар тикиб, овқат пиширишии, емак билан машгул бўлишини буоради. Жаңгчилар ўт ёкиш ва емак пиширишга тутинади. Нусратпашоҳ қўшинининг бу дараражадаги виқор ва саботи Тұхтамишхон лашкарини нафақат таажжубга, балки гулгулага солади.

Соҳибқирон жидол ва қптолга шуру қплмасдан аввал отидан ерга тушади. Сидқ ва ииёз юзида икки ракъат намоз ўқиб, Таңгридан нусрат ҳамда зафар тилайди. Шундан сўнг ҳар икки қўшинининг диловарлари ва икки мамлакатининг сафдорлари жалодат майдонига қадам қўйиб, тўкиш бошлайдилар. Дастанвал амир Ҳожи Сайфуддин ўз рўпарасида турган ғанимнинг жувандарига ҳамла қиласди ва уни синдиришга мусассар бўлади.

Душман қисмининг сафи бир-биридан айрилиб қочмоққа юз тутади. Шу пайт душманининг бир неча бўлимлари амир Ҳожи Сайфуддин аскарларига ҳужум қилиш иятида унинг изига тушади. Душман режасини ўз иятида англаб етган амир Жаҳоншоҳ ўзининг лашкари билан тебраб, бу гуруҳпнг йўлини тўсади.

Амирзода Умаршайх баҳодир журъат шамширии ги-лофидан сугириб, ўз аскарлари билан хасм бараандарига ташланади.

Тұхтамишхон Соҳибқирон қули билан жаңг қилишига ботинолмай, у ердан юз ўгиради ва амирзода Умаршайх қисмларига қараб юзланади. Бироқ амирзода уига қаттиқ қаршилик кўрсатади ва у ердан тебранмакни хаёлига ҳам келтирмайди. Иш чиқмаганини кўрган Тұхтамишхон Шайх Темур ва Салдуз қўмондоилигидаги қисмларга ҳужум қиласди. Темурийларининг кучли тирборонига дуч келишига қарамай Тұхтамишхон Салдуз фавжини яксон қилиб, уртасидан ёриб ўтади. Шундан сўнг мирзо Умаршайх ўз одамлари билан хоп қаршисига чиқиб, уруш бошлайди. Маъракагоҳининг бошқа жойларида ҳам Темурбек аскарларининг қули баланд келабошлайди. Охирокибат Даشتі Қипчоқ лашкари фирор йўлини тутади.

Жаңг Темурбекнинг тұла устуялигига ўтади. Бутунлай тор-мор әтилган Тұхтамишхон қўшини қолдиқлари Волгага қадар таъқиб қилинади. Катта миқдордаги ганиматни қўлга кириғтан музaffer қўшин жаңгдан кейинги йигирма олти кунлик ҳордиқдан сўнг келган

йули билан юртига қайтади. Үн бир ой давом этгани ҳарбий сафар ниҳоясига етади.<sup>1</sup>

Олтии Үрданинг ушбу маглубияти унинг иқтисодиятига, ижтимоий ва сиёсий ҳаётига унчалик зарар етказмади, салтанатининг тақдирини узил-кесил ҳал қилмади. Тұхтамишхон Соҳибқирон билан олиб бораётгаш сиёсий курашини давом эттириши учун ҳали етарли күч-қувватына әзірлеуден көз атады.<sup>2</sup>

## ТҰФОН

1394 йилиннег күнінде Темурбек қүшиниларининг Шимолий Озарбайжонда турғанлыгыдан фойдаланған Тұхтамишхон Дарбанддан утиб, Ширвонининг кеңтін ва туманларин горат қилишга киришади. Бұндан хабар топған Соҳибқирон хон билан қайта туқишашибап үзға чоралып қылғыгини аңглаб, юришга тайёр гаралық күришга фармон беради. Қүшининнег юриш яроги, озиқ-овқати, кийим-кечаги наазардан үтказилиб, хосу омга маош-улуғда улашилади.<sup>3</sup>

Киши фаслини Қура дарёси ёқасидаги қишлоқ, яғни қишлоқда үтказған Темурбек қүшини баһорининг дастлабки илиқ күнларида Дарбанд томон үйлігі тушади.<sup>4</sup> Шарафуддин Али Яздийнинг таъқидлашича, туркій халқлар одатига биноаи, жуванғар қүшининнег олдида ҳаракат қылған. Үрні келганды шуннан қайд этиш лозимки, туркій ва мұғул халқларининг урф-одатича қүшин қаюотларининг үнгі ва сұлға тақсимланиши бу халқларнинг дүниё томонлары ва қысметлері орасидаги нисбатын аниклашдагы аиъанавий түшүнчесі билан бевосита болып күнінде болған.

Темурбек юриш чогида, уруш ҳаракатлари вактидаги қонын ҳамда қоидаларға сүзсиз амал қилишини үқдирган ҳолда Тұхтамишга Шамсуддин Олмалиқин әлчи қилиб

<sup>1</sup> Қаранг: Егоров В. Л. Историческая география... б. 220; Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтии Үрда... 302-бет; Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов... т. 2. б. 172—173.

<sup>2</sup> Қаранг: Егоров В. Л. Историческая география... б. 220; Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтии Үрда... 308-бет; Якубовский А. Ю. Тимур... б. 63.

<sup>3</sup> Қаранг: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтии Үрда... 309-бет; Хизриев Х. А. Нашествие Тимура на Северный Кавказ //Вопросы истории. 1982, № 4, б. 47.

<sup>4</sup> Қаранг: Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов... Т. II., б. 174.

юборади.<sup>1</sup> Тұхтамиш үрдусига келған әлчи хонға Соҳибқирон мактубини тошинаради ҳамда у айтған гапларни бағын қиласы. Тұхтамиш, Али Яздийнинг ёзишича, Темурбек биләп сулұ түзиш тараддудига туңған, аммо, баъзи бир саркарда ва иүёиларниң таъсирида үз фикридан қайтған ва дагал мазмунда битилған жавоб хатини әлчинің топширган. Әлчи Албуруз тогиининг этакларидаги Самур водийесіда вақтича қурилған Темурбек қароргохында қайтиб келади ва Соҳибқиронни музокара натижаларидан бохабар қиласы.

Дашти Қиңиқоқ хони биләп сулұ түзиш иияти рүёбга чиқмаган Темурбек қүшинни жаиговар тартибға тизиб, Дарбанд довонидан ошиб, Догистонининг Тарки (ҳозирги Маҳачқала якыннан) шахри атрофида дам олини учун түшади. Шу өзінде Тұхтамишхон Соҳибқирон ҳузурига үз айгоқчысы Үтрокин әлчи сифатида жүнатади. Соҳибқирон лашқаргохында яқын келған әлчининиг у ердаги аскарларининг күнапгидан қуты учыб, зудликда хон қошиға қайтади ва Тұхтамишхонға бу ҳақда хабар беради. Тұхтамишхон иккаплаимасдан Қыйсу дарёсіндеги кечикнинг муҳофазасында Қазанчи иүён бошчилігидеги үз армиясінинг ҳиравулини ажратади.<sup>2</sup> Темурбекка қарашлы қаравул — разведка бу ҳақда Соҳибқиронни хабардор қиласы, Соҳибқирон катта бир суворий гурухға саркардалик қилиб, ганим ҳиравулига қарши юради ва уни биринчи ҳамладаёқ маглуб этади.<sup>3</sup>

Шундан кейин Темурбек қүшинни Чечен — Ингушия ҳудудларында қадам қояды. Сунжи дарёсінинг Терекка құйылаши үнг қирғоғыда лашқаргох учун жой тайиналади. Соҳибқирон Терек дарёсіндеги мавжуд кечикларни кечикмасдан әгаллаш ииятида Сунжининг этагига қараб, уннан үнг ва сүл қирғоқлари бүйлаб тез ҳаракат қиласы.<sup>4</sup>

Тұхтамишхон Темурбек келгүнің қадар Терекдан үтиб, мудофаа инициалдары қуришінде, дарённан чан қиргогини арава, дарахт, чапар ва туралар ёрдамида мустаҳкамлашында үлгирған әди.<sup>5</sup> Шунда қарамай, Темурбек Тұхта-

<sup>1</sup> Қарашы: Егоров В. Л. Историческая география... б. 160.

<sup>2</sup> Қарашы: Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов... т. II б. 119, 174; Хизриев Х. А. Нашествие... б. 47.

<sup>3</sup> Қарашы: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Үрда... 310-бет; Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов... Т., II, б. 119, 175; Хизриев Х. А. Нашествие... б. 47.

<sup>4</sup> Қарашы: Хизриев Х. А. Нашествие... б. 47.

<sup>5</sup> Қарашы: Хизриев Х. А. Күрсатылған асар. Уша бет.

миишхоннинг қиравулини яничб, Сунжи дарёсини жаңг билан кечиб ўтади. Эртаси кечик топни шуннингдек, озиқ-овқат ва си-хашик тайёрлани мақсадида Соҳибқирон Терекнинг ўнг соҳили бўйлаб Жулат томонга юра бошлади. Тухтамишхон ўз рақибнинг дарёдан утишига йўл қўй-маслик учун қаравул ажратади ва бу соқчи қисм дарёнинг чан қирғоги ёқалаб мовароуниҳрикликларни тинимсиз кузатиб боради.<sup>1</sup> Иккала қушин уч кун давомида шу алфозда аста-секин ҳаракат қилиб боради. Учинчи куни Темурбек лашкаргоҳда бўлган аёлларга дубулгалар кийини, эркакларга эса иккитадан от олиб лашкаргоҳни тезда тарқ этишини амр қилади. Қароргоҳда эрлар шаклига кирган аёллар, улар назоратидаги гуломлар ва асирлардан ўзга жонзот қолмади. Тунни бедорликда ўтказган Темурбек Тухтамишхон соқчи гуруҳининг кўзини шамгалатиб, Терекдан кечиб ўтишга муяссар бўлади.<sup>2</sup>

1395 йилининг 14 апрель сесана бу куни Тұхтамишхоннинг армиясини жанговар сафга тишиб, жаңг қилиш мақсадида келаётгандигидан хабар топган Темурбек қушининг манглай (ҳиравул), барангар ва жувангар қисмларини олга юритиб, душманга қарши боради. Шу куни ҳар бири 300 минг атрофидағи икки армия бир-бирига яқин масофага келиб, ўз қароргоҳларини ўрнатади ва тунни эртаги куни бўлажак ҳал қидувчи тўқиашув хаёлида ўтказади. Ўзининг жаңг олиб бориш тамойилларига содик Темурбек қушини тавасиаларига ўрдугоҳининг гирд айланасини мустаҳкамлаш ва ҳифзлаш, ёниниг эҳтимолдан ҳоли бўлмаган тунги ҳамласини бардараф этиш чораларини кўришга амр қилади. Қароргоҳ атрофида хандақлар қазилиб, ичига мундулар ўрнатилади, чапарлардан тусиқ ҳамда говлар бунёд этилади. Бош хандақлар олд томондан қазилган ташки хандақлар билан муҳофазаланиди. Ўрдугоҳда бемақсад у ёқдан бу ёққа юриш ман қилинади.<sup>3</sup>

Жаңг майдони сифатида иккала лашкарбоши ҳам ҳозирги Шчедринский ва Шелковский қишлоқлари орасидаги, отлиқлар бемалол ҳаракат қилаоладиган кенг даштни ташлайди.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Қараанг: *Тизенваузен В. Г. Сборник материалов...* Т, II. 6. 170; Ҳизриев Х. А. Кўрсатилган асар. Ўша бет.

<sup>2</sup> Қараанг: *Клавихо Руи Гонсалес. Дневник...* б. 143—144; Ҳизриев Х. А. Нашествие... б. 48.

<sup>3</sup> Қараанг: Греков Б. Д. Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда... 310-бет;

<sup>4</sup> Қараанг: Ҳизриев Х. А. Нашествие... б. 48.

1395 йилинг 15 апрель чоршанба купи Темурбек ва Тұхтамышхон құшиллари үртасида иккинчи марта үша давриининг энг катта ва дақшатли жаңги бұлыб үтади.

Соҳибқирон бу гал ҳам үз аскарларини 1391 йилдаги жаңг чогидаги жаңғовар тартибга тизиб, етти құлға бұлади. Марказда құл, унинг олдида асосий ҳиравул (манглай), ортида эса ғағдавул жойлашған. Құшпининг үнг қанотида бараптар ва жувандар ҳиравуллари билан үрин олган.<sup>1</sup> Асосий ҳиравул бошқа құлларға нисбатан олдинда юрган ва душман сафларини ёриб үтиш вазифасини үтаган. Ғағдавул бошқа құлларға мадад жұнатыши ҳамда құлининг кет қисміда жойлашған олий бош құмандоннинг кузатув таянчани мұхофаза қилиши керак бўлган. Шундай қилиб, асосий кучларни ҳимоя қилувчи қисмларини яничиб үтгани қарши томон албатта, бошқа қисмларининг зарбасига дуч келар эди<sup>2</sup>.

Бириңчи қатор енгил қуролли жаңғчилардан ташкил тоған булыб, асосан жаңғни бошлаб бериш, душман сафларини пароканда қилиш ва саросимага солиш билан банд бўлар эди. Оғир қуроллар билан қуролланған иккинчи қатор душманинг асосий зарбасини даф этишга мулжалланған эди. Марказда жойлашған қисм, яъни құл (гул) құшпининг үзагини ташкил этар ва жаңғиниң тақдирини кўп ҳолларда ҳал қиласр эди. Қалъя ва қурғонларни қамал қилишпа, мудофаа жаңғлари олиб бўришда құл келувчи пиёда аскарлар бош ҳиравул (манглай), құл, бараптар ва жувандар олдидан үрин олади. Үнг ва сўл қанотларининг илгор қисмлари ҳамда ғағдавул факат суворийлардан иборат эди.

Тактик назардан бу ҳарбий құшилмалар мустақил равишда ҳаракат қиласр ва фақат олий бош құмандонгагина бўйсунар эди.<sup>3</sup>

Ясолининг бу тартибда тузилиши бир қатор афзалликларга эга эди. Бириңидан, у отлиқ ва пиёдалариниң ёнга ёнирилиб, кучли зарба бериш, тинимсиз ҳужум учун қулай вазият яратиш, иккинчидан, ҳиравул ҳамда ғағдавул паноҳида құшпининг иккى қаторга тизилиши айланы мудофаанинг мустаҳкам булиш имкониятини тут-

<sup>1</sup> Қаранг: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтиң ғурда... 311-бет; Хизриев Х. А. Нашествие... б. 49.

<sup>2</sup> Қаранг: Заходер В. И. Империя Тимура //Исторический журнал. 1941, № 6. б. 86. Хизриев Х. А. Нашествие... б. 49.

<sup>3</sup> Қаранг: История Узбекской ССР. В 4-х т. Т.1., Ташкент, 1967. б. 455. Хизриев Х. А. Нашествие... б. 49.

дирап, душманинг қанотдан ёки айланиб ўтиб, орқа томондан зур бернишга түсқинлик қилар эди.<sup>1</sup>

Темурбек қуллаётган ҳарбий усулиниг устун томонларини 1391 йилги жаңг чогида пайқаб олган Тұхтамишин ҳам үз армиясини жаңггоҳда худди рақибидек жойлаштыради.

Чоршаңба куни қүёш үз зарни нурларини ер юзига сочиши билан маърака майдони жуибушыга келади. Қаңрама-қарши томон құшинилари жаңговар байроқларини кутариб, такбир шидосини айтиб, бир-бирига юзланади. Жаңг мұқаддимаси Олтин Ұрдалықлариниг Күнча углон, Бек Ерлиқ үглон, Оқтау, Довуд Суфи ва Үдуркү құмандонлигидаги құшилмалариниг Соҳибқирон құшинининг жувангарига қатық ҳужуми билан бошланади.<sup>2</sup> Сүл қанотининг құққисдан берилған зарба натижасыда оғир ахволга тушиб қолғаилигидан воқиф бұлған Темурбек үз ихтиёрида олишувга шай турған йигирма етти сараланған қисмдан күмак ажратади. Мададға үз вақтида етіб келған аскарлар дүйман шиддатини қайтариб, қарши ҳужумға утади ва ёни қочишігә мажбур этади. Қочаётғанларни таъқиб қилиніг қызықиб кетған анчагина суворийлар жаңггоҳдан узоқлашади. Рақиб жаңгчиларининг йул қуйған тақтқи хатосы натижасыда вұжудта келған вазиятдан фойдалаған Тұхтамишон үз сарфларини қайта тартибға солиб, таъқибчиларға зур беради ва ularни тарқатиб юборади. Қутилмаганда Темурбек құл остида турған қисмлар душман искаижасыга тушиб, Соҳибқирониниг ҳаёти хавф остида қолади. Шарафуддин Али Яздийнинг тасвирлашича, Темурбекқа бириичи бұлыб күмакқа етіб келған амир Шайх Нуруддин боиличилигидаги отлиқлар зудлик билан отдан тушиб, ёнирилиб келаётган хон аскарларини ўйлардан отилаётған шиба үкі билан тұхтатади. Мұхаммад Озод, уннінг биродары Алишоқ ва Тұкал бавурчи каби амирлар араваларни бир-бирига боғлаб, куран ясайдилар.<sup>3</sup> Темурбек шу аравалар, улар устига қўйилған тұра ва чонарлар паножида бұлади. Айлана мудофаада қолған Темурбекқа Аллоҳдод, Зирбек Жаку, Хусайн Малик қавчини бошлиқ аскарлар бұлым-бұлым, фавж-фавж бұліб ёрдамға кела-

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳизриев Х. А. Нашествие... б. 50.

<sup>2</sup> Қаранг: Ҳизриев Х. А. Нашествие... б. 51.

<sup>3</sup> Қаранг: Тиленгауен В. Г. Сборник материалов... т. II. б. 176; Ҳизриев Х. А. Нашествие... б. 51.

## Тұхтаминп армиясшының жаңговар тартиби



## Темурбек армиясшының ясоли

Бошлайди. Бирок, Тұхтамишхон құшинииң ҳамаси борған сари кучая боради. Құлдан құмакка ташлаған Мұхаммад Султон бақыдир мирзо ҳамда Устайбек құмандоныңидаги күчли қысметарниң жаңгатында кириши вә айниқса, амир Жақонышоқ вә амир Ҳожи Сайфуддин құл остидаги аскарларниң шистирмадан туриб Тұхтамишхон

армиясниниг жувангарига кучли зарба бериші вазияттнннг маълум дарајкада яхшиланишыга сабаб бўлади.<sup>1</sup>

Жангниинг иккинчи куни яна Тұхтамишхон құшининннг ҳужуми билан бошланади. Хон Исабий ва Бахши Ҳожи қисмларидан ташкил топған жувангарини мухорабага ташлайди. Темурбекниң ҳиравулини улоқтириб ташлашга муваффақ бўлган бу құшин қаноти Соҳибқирои барангарида жойлашган амир Ҳожи Сайфуддин туманини қўриб олади ва тўзитиб юборади. Бир қанча жангчиларниң тарқалиб кетганилигидан саросимага тушибмаган амир Ҳожи Сайфуддин туманинг қолган қисми билан қаршилик қўрсатишда давом этади.

Ўз сафдошларининг отлардан сакраб тушиб, тиз чўккан ҳолда ганим устига ўқ ёғдираётганлигини кўрган аскарлар орқага қайтиб, улар сафиға қўшилади. Жангниң кескни пайтида қийин аҳволда қолган бу туманга амир Жаҳоншоҳ баҳодир, Темур Ҳожа Оқбуға ва Рустам баҳодир мирзолар мадад қўлини чўзади. Кечгача давом этган жанг ҳеч бир томониниг устулигисиз тўхтайди.

Жангниң сунгги учинчи куни яна Олтин Ўрдаликларининг кучли ҳужуми билан бошланади. Тұхтамишхон отлиқ ва пиёданы сафга тизиб, марказ ва қанотларни қўшимча кучлар билан мустаҳкамлаб, ташаббусни ўз қўлига олиш илинижиде жасур ва сараланган аскарларни рўнарадан ҳужумга ташлайди.<sup>2</sup> Лйни пайтда хонининг ишончли саркардаларидан бири Яғлибой ҳам жувангар билан жангга киради. Темурбек бу жувангариниг анча заифлапиб қолганини сезган ҳолда асосий зарбани уига қаратади. Темурбек жангчиларининг шиддатли ҳужумларига бардош беролмай пароканда бўлган хон аскарлари қочинига тушади.<sup>3</sup> Тұхтамишхонининг жувангари Усмон баҳодир бошчилигидаги Темурбек барангари томонидан яксон қилиниб, улоқтириб ташланади. Яғлибой Усмон баҳодир билан бўлган яккана-якка олишувда ҳалок бўлади.<sup>4</sup> Жанггоҳининг бошқа жойларида ҳам Соҳибқирои кучларининг қўли баланд кела бошлайди.

Ниҳоят, Темурбек бутуи жанг майдони бўйлаб ҳал қилувчи ҳужумга ўтади. Уч кун давом этган шафқатси

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳиәриев X. А. Нашествие... б. 51—52.

<sup>2</sup> Қаранг: Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов... т. II. б. 465, 466; Ҳиәриев X. А. Нашествие... б. 58.

<sup>3</sup> Қаранг: Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов... т. II. б. 208; Ҳиәриев X. А. Нашествие б. 53.

<sup>4</sup> Қаранг: Ҳиәриев X. А. Кўрсатилган асар. Ўша бет.

кураш натижасида тинкаси қуриган Олтии Ўрда армияси қаршилик кўрсатишга мадори қолмайди ва узил-кесилмаглубиятга учрайди.<sup>1</sup> Тўхтамишхон жанг майдонини хослари паноҳида ташлаб қочишга улгиради.<sup>2</sup> Темурбекнинг ушибу даҳшатли тўқнашув чогида жуда таңг аҳволга тушиб уйдан фақат бор истеъдод, гайрат ҳамда кучни шига солиб шараф билан чиқиб кетиши унинг қудратли ҳарбий кучга эга бўлғаи, салоҳиятли саркарда билан қарама-қарши келганилигидан далолатdir.

Иби Арабшоҳнинг ёзишича, Тўхтамишхон армиясининг маглубиятга учрашига унинг сафидаги баъзи бирлашкарбошилар ўртасидаги ихтилоф ва нифоқ маълум дараражада сабабчи булади. Жангнинг учинчи куни иккала қўшини бир-бирига юзма-юз келиб, жанг бошлигини олдида Дашти Қипчоқ қўшини барангари қўмондоnlаридан Оқтау бошқа бир қисм сардорида бор бўлғаи хунини ҳалаб қилиб, хондан уша нуёни ўлдириш учун ижозат сўрайди. Бироқ, Тўхтамишхондан рад жавобини олган Оқтау жиззакилик қилиб, жангроҳни ўз аскарлари ва қабиладошлари билан ташлаб кетади. Бу қабила Рум ерлари томон ўйл олади ҳамда Андрианонол атрофидаги музофотларга ўринашади. Бу хиёнат Олтии Ўрда хонининг кучини заифлаштириб, қолган қисм аскарларини саросима ва ваҳимага солади.<sup>3</sup>

Темурбек хонининг ўрдугоҳида ташлаб кетилган жуда катта хазина ва бойликка эга булади. Соҳибқирон жангда алоҳида ўриак кўрсаған саркардалар, баҳодирлар ва жангчиларга ўлжани тақсимлаб, ўзи итилиниг қўйи томонларига қараб чекинган Тўхтамишхонни қўлга тушириш ҳамда унинг Дои (Тан), Диепр (Узи) Қrim ва Марказий Кавказ тогларидан паноҳ топгаи қолгани-қутган гуруҳларини ўйқ қилиш ниятида душманининг кетидан тушиди.

Бу гал Темурбек жанг натижаси билан кифояланиб қолмасдан Олтии Ўрда давлатининг асосий ҳудудлари бўйлаб ҳаракат қилишин режалаштиради. Шимолий Кавказдан тезлик билан ўйлга чиққан Соҳибқирон Итцл ва Дои дарёлари оралигига юриб, ҳозирги Волгоград

<sup>1</sup> Қаранг: *Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов...* Т. II. б; 121, 178.

<sup>2</sup> Қаранг: *Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов...* Т. II. б; 465, Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтии Ўрда... З12-бет.

<sup>3</sup> Иби Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... I китоб. 155-бет.

шаҳри яқинидаги Туратур кечуви орқали Итилдан ўтиб, Олтин Ўрданинг XIII аср ўрталарида қурилган Ўкак шаҳри томон юзланади. Шаҳарни эгаллаб, горат қилган Темурбек қўшини хонни Итилиниг юқори оқими бўйлаб таъқиб қилинди давом этади<sup>1</sup>.

Булгория орқали Литва қироли Витовт ҳузурига кетишга улгирган Тўхтамишхон<sup>2</sup> изини йўқотиб қўйган таъқибчилар Самара кечигидан бошлинувчи йўл бўйлаб гарбга бурилади.

Маълум масофадан сўнг жануби-гарб тарафга қараб от жиловини бурган Соҳибқирон қўшини Днепрининг чап соҳилида жойлашган шаҳарлардан ўтиб, Крим яrimороли сарҳадларида пайдо бўлади<sup>3</sup>.

Шундан сўнг Темурбек Рус ерларига қадам қўяди. Йул-йулакай Олтин Ўрда зодагонларидан бирининг ҳарбий кучларини қуриловга олиб, ҳор-мор этган қўшини Дои дарёсининг юқори оқимида жойлашган Елец шаҳрини эгаллайди<sup>4</sup>. Доининг сўл қирғогига кечиб ўтган Темурбек сафар давомида улкан ўлжаларни қўлга киритиб, қўйи Новольже буйндаги Балжаман шаҳрига, у ердан Дои ёқалаб Азов (Азақ)га келади. Қўшин юришида давом этиб, Азовдан Кубан чўлларига қараб жўнайди.

Шарафуддин Али Яздийининг қайд этишича, Темурбекнинг елдай учиб келишидан таҳликага тушган черкаслар Азов билан Кубан уртасидаги яйловга ўт қўйиб юборади. Бир неча кун давомида мовароуниҳрликларнинг ем-хашак йўқлигидан қаттиқ азият чеккан от-уловлари ҳолсизланади, юриши сурати сусаяди. Бундан даргазаб бўлган Соҳибқирон черкасларининг адабини бериб қўйини мақсадида уларининг юртларини хонавайрон қиласиди<sup>5</sup>.

Манбаларининг хабар беринича, Олтин Ўрда шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб Темурбек қўмондоилигидағи бош кучлар билан бир қаторда бошқа нисбатан кичик ҳарбий қисмлар ҳам ҳаракат қилган<sup>6</sup>.

1395 йилнинг қаҳрамон қишида Соҳибқирон армияси Олтин Ўрданинг йирик шаҳарлари Ҳожитархон ҳамда

<sup>1</sup> Қаранг: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда... 313-бет; Хизриев Х. А. Нашествие... б. 54.

<sup>2</sup> Қаранг: Хизриев Х. А. Нашествие... б. 53.

<sup>3</sup> Қаранг: Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов... Т. II. б. 185.

<sup>4</sup> Қаранг: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда... 315-бет.

<sup>5</sup> Қаранг: Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов... Т. II. б. 180.

<sup>6</sup> Қаранг: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда... 318-бет.

Сарой ал-жадид әарағыға қараб сафарга отланади. Иккака шаҳар хам айтарлы қаршиликсиз таслим булишиға қарамай батамом таланади ва ёкиб юборилади.<sup>1</sup>

1396 йилнинг баҳорида Темурбекнинг голиб армияси Дарбанддан ўтиб Озарбайжонга қараб юзланади.

Шундай қилиб, бир йил, яъни 1395 йилнинг кўклинидан 1396 йилнинг баҳоригача ўтган вақт ичидаги Соҳиб-қирон томонидаи «Олтин Ўрданинг қудратини ва унинг улуг давлатчилик сиёсатини қайта тиклаш»<sup>2</sup> мақсадида сиёсий майдонига чиққан Тұхтамишхонининг мавжуд иқтисодий, ижтимоий ва ҳарбий имкониятлари барбод этилди. Темурбек берган бу кучли зарбадан сўнг Олтин Ўрданинг аввалги қудрати ва шуҳратини қайта тиклашга қурби етмади.

## ҲИДИСТОН ФАТҲИ

Низомуддин Шомийнинг «Зафариома», Гиёсуддин Алиининг Темурбекнинг Ҳидистонга юришига багишланган тарихий асарида битилишича, 1395 йили Тұхтамишхонни мағлуб этган Темурбек Самарқандга қайтади ва қипп фаслини Оҳангаронда уtkазади. Шаҳзода Нир Мұхаммадни Мугилистонга ҳоким этиб тайинлаб, чегараолди ҳудудларни мустаҳкамлаши, Хитой ва Хутангага қилинажак юриши учун озиқ-овиқат ва ем-хашак жамгариниши буюради. Шу орада унга Ҳидистонда исломининг мавжудлиги, бироқ у ердаги аҳолининг асосий қисмими мажусийлар ташкил қилини, мусулмон ҳокимлар буднараст оммадан фақат ўлон ўнгаш билан кифояланадётгани ҳақида бирин-кетин хабарлар кела бошлайди. Мажусий қароқчиларниң ёвуз пиятларига чек қўйиш, мұмниларни улар утказаётгани зулмдан озод қилиши, савдогар ва сайёхларниң хавф-хатарсиз келиб-кетинини таъминлаши каби мақсадларда Темурбек Хитой ва Хутангага қилиниши лозим булган юриш ўнинг Ҳидистон томони қўшини тортади.

1398 йилнинг 15 августида Темурбек қўшини билан

<sup>1</sup> Қаранг: *Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов... Т. II. б. 184—185; Греков Б. Д. Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда... 317-бет; Егоров В. Л. Историческая география... б. 119. Ртвеладзе Э. В. О походе Тимура на Северный Кавказ. Археолого-этнографический сборник. т. VI. Грозный, 1976, б. 103—128.*

<sup>2</sup> Б. Д. Греков, А. Ю. Якубовский. Олтин Ўрда... 288-бет.

Қобул бұсагасида тұхтайди. Сафарда Соҳибқиронга Сарой Мулк хоним, Улугбек мирзо ва бошқа шаҳзодалар ҳамроҳлик қилади, йұл машаққатининг оғирилиги, айниқса Ҳиндистоннинг жазирама иссиқ ва гармселининг аёллар ҳамда ёш болалар соглигига ёмон таъсир қилишидан хавотирға түшган Темурбек Маҳди улә Сарой Мулк хоним ва Улугбекни доруссалтана Самарқандга қайта-ришига қарор қилади. Шу күнлари Чигатай улусининг хони Маҳмудхон иби Суюргатмишхон Султон Ҳусайн баҳодир, Рустам баҳодир, Жаҳоншоҳ баҳодир, Гүёсүддин тархон, Ҳамза Тогайбұға барлос, амир Шайх Арслон, амир Суюнжак баҳодирлар ҳамкорлыгыда Темурбек қароргоҳына келади ва Ҳиндистон сафарида иштирок этишга жазм қылғанлигини билдиради.

1398 йилиннің 23 августыда Темурбек қароргоҳына Темур Құтлуг, Идиқу ҳамда Хизр Ҳожаларининг элчилари ташриф буюради. Элчилар ҳурмат-эхтиром билан қарши олиниади. Элчиларга зарбоғ түилар кийдирилиб, уларниң шарағыға базм берилади. Ұша күні Темурбекнинг зәтиборлы амирларидан Сариқбұғанинг углы, фаросатли, мардлығы ва садоқати туғайли Форс вилоятининг другаси лавозимига тайинланған Шайх Нуруддин Мұхаммад ўрдуғоҳға келади. Соҳибқирон лашкари түшгап түрт-ға тортиқ сифатида олиб келинған ов құшлари, олтын билан безатылған әгар-жабдуқлар, ажайиб қурол-ярглар, кийим-кечаклар, қимматбаҳо тошлар, тиңда ҳамда күмуш буюлар йигилғанларни лол қолдиради. Девон мұншийлари — дафтардорлар уч күн давомида көлтирилған тұхфаларни рүйхаттаға олиб дафтарға бітадилар. Шайх Нуруддин Темурбекнинг олқишина сазовор булиб, шоқона совгалар билан сарафroz этилади.

Ағонлар томонидан вайрон этилған Эрёб қалъасини үн түрт күн ичида қайта тиклашға улғирган Темурбек у ердаги жомеъ масжидин таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини иниғоясига етказиши вазифасини амир Шоҳмалик зыммасига юқлаб, юришини давом эттиради.

20 сентябр күні Темурбекнинг қүшини Синд дарёсі қирғогига етиб келади. Дарёға мұгулча күпrik солищ ҳакида олий фармои берилади ва күпrik зудликда битирилади. Шу күні қүшини ва йироқ давлатлардан келған элчилар, жұмладан Макка ҳамда Мадинадан ташриф буюрган элчи Мұхаммад Маданийға үз ватанларыға қайтишига ижозат берилади. 24 сентябрда музaffer қүшини Синдан кечиб утади ва Чули Хусрав мавзеида тұхтайди.

Қисқа муддатли дамдан сүиг йулга чиққан құшни б октабрда жуда кенг ва чуқур Чинора дарёси ёқасыга тушиди.

Үч күн мобайнида қайиқлар ёрдамида boglaingan күпrik орқали құшни қарши қирғоққа утади. Октябрнинг 13 куни Талмии шахри атрофлари Темурбек құшинининг раңғ-бараңг байроқ ва яловлари билан безалади. Омондлик тилаган шаҳар халқына икки юз минг бош қорамол ҳисобида солиқ солинади. Итоатдан бүйин товлаган баъзи талминлик фуқароларни қаттиқ жазолаган Темурбек 19 октябр куни Баёқ дарёси қирғогида жойланған Жол мавзеида құнади. Ушбу манзилда Темурбекка томимийлик Нусрат исмли шахс бир неча минглик аскарлари билан истеҳкомда турғанилиги түгрисида маълумот келади. Соҳибқирон шу ондаёқ құшинин сафга тизади ва ганимга қарши юради. Барангарда амир Шайх Нуруддин ва амир Аллоҳдод, жувандарда амир Шоҳмалик ва амир Шайх Мұҳаммад Ику Темур, қўлда Султон Али тавачи хурросилик ниёдалар билан ҳаракат қиласади. Иккала құшни орасида даҳшатли жаңг содир булади. Нусрат қисмлари айниқса, қўлга кучли зарба беради. Қулиниң құмандони Султон Али ва қатор амирлар яраланади. Жаңг Шайх Нуруддин ва Аллоҳдод бошчилигидаги уиг қанот аскарларининг душманиниён томондан айланыб ўтиб, қуршовга олгунинг қадар давом этади.

Қайса ёвни маглуб этган Темурбек аскарлари 21 октябрда Жол кулидан күп машаққат ва қийинчилеклар билан ўтиб, Шоҳнавоз номли манзилда тұхтайди. Бир неча беклар раҳбарлигидаги қувгуичи гуруҳлар жаңгдан қочган Нусрат тарафдорларини таъқиб этип учун жүнатылади. 1398 шилдинг 24 октябридә Шоҳнавоздан күччилиб, Жанжон қышлоги қаршиисида оқувчи Баёқ дарёси қирғогида тушилади. Құшни икки күп давомида бу дарёдан кемада утади. Баъзи бир шикоятли аскарлар тұлқинлари жүш уриб турған Баёхдан эсон-омон сузиси ўтишга мұваффақ булади. 25 октябр куни Мултондан Нир Мұҳаммад баҳодир миразо Жанжондаги Темурбек лашкаргоғына ташриф буюради. Орадан түрт күн ўтгач, амирзода катта зиёфат беради ва бобоси Темурбекка арабий аргумоқ отлар, қылла камарлар, идиш-товоқлар, әгар-жабдуқлар, аёқлар, кийим-кечаклардан айналага кура түккіз-түккіз тарзда пешкашлар қиласади. Пешкашларнинг сони икки күп давомида мүншийлар ва дафттардорлар қомонидан ҳисобга олиниб, рўйхатга битилади.

Соҳибқирон набираси келтирган тортиқларининг барчасини амирларга, вазирларга, хосларга уйвонига ва тутган мавқенга қараб булиб беришни буюради.

Мултои қалъаси ва унинг атрофидаги мавзеларни забт этиш чогида Пир Мұхаммад баҳодир миrzо бошлиғидаги лашкар оғир қийинчиликларга дуч келади. Сурункали давом этувчи ёмғир мавсуми натижасида юзага келган лойгарчилик күргина от-уловларни ишдан чиқаради. Құшинининг ҳаракати чекланиб қолади. Вазиятдан фойдаланған ёғи ҳам тез-тез ҳамла қила бошлайды. Бирок, Соҳибқирон сардорлігидаги улкан құшинининг үз вақтида етиб келиши миrzо Пир Мұхаммад баҳодириниг мушкелни осонлаштыради. Темурбекининг фармонига кура Пир Мұхаммадға үттис минг от берилади. Натижада уловсиз қолған суворийлар қайтадан отга эга бўлади.

Ноябр ойининг иккинчи куни Темурбек құшини Ҳимвол мавзенда құпади ва бу ердан Темурбек бир туман отлиқ аскарлари билан Ажудан шаҳри томон илғаб юради. Амир Шоҳмалик ва Давлат Темур тавачи Диболбурга йўналиш учун лашкаргоҳда қолдирилади. 4 ноябрда Ажудан шаҳри жангсиз қўлга киритилади. Шариат пешволоваридан мавлоно Носируддин Үмар шаҳарга доруга этиб тайинланади. Шу куни Темурбек Ҳидистонининг йирпик дарёларидан ҳисобланмиш Ажудандан утиб, Холисгири қалъасига етиб келади. Нешин намозини адо этган Соҳибқирон 100 км. узоқликда жойлашган Битнир қалъаси сари равона бўлади. Режалаштирилган мақсадга пложи борича тезлик билан эриниш йўлида Темурбек бир дақиқа бўлса ҳам ором билмайди. Кунин тұвға улаған Соҳибқирон қайд этилган масофани тұхтамасдан босиб утади ва мулжалдаги жой, яъни Битнирга 6 ноябр куни икки минг суворийдан иборат қисем билан етиб келади.

Битнир қалъаси Ҳидистонининг әңг мустаҳкам қурғонларидан бири булиб, унга рожа Дулжин ҳокимлик ва қўмоидонлик қилар эди. Рожанинг қўл остида катта миқдордаги лашкар жам бўлиб, ҳар қандай ташқи ҳужумни бартараф этишга шай турад әди. Қалъанинг мустаҳкамлигидан, құшинининг кўп соплилигидан бамайли хотир бўлған рожа Темурбекка қарши жаңг қилишга қарор беради. Соҳибқирон құшини ҳам саф тортиб, жаңггоҳга қараб йўл олади. Барапгарга Сулаймоншоҳ, Шайх Нуриддин ва Аллоҳдод, жувангарга Ҳалил Султон ми-

зо, Шайх Мұхаммад Ику Темур ва үзға амирлар раҳбарлық қылади. Дастлабки ҳамладаёқ қалъа остонасидаги истеңкөмлар құлға олинади. Аммо, биринчи күни ҳиндударининг жон-жаҳди билан қаршилик күрсатуви сабабли қалъани затт этишга мұяссар булинмайди.

Қамалдагиларни осонгина бүйсундиріб бұлмаслигини ғаҳмлаган Темурбек, қалъани қамал қилишини, ҳар амир үз қисми жойлашған позиция — *бұлжардан* истеңкөм сары ер ости йүли — *нақб* қазашини амр қылади. Темурбек аскарлари амалга ошираётған ишни қалъа де-ворлари устидан ва буржу борулардан күзатиб турған ҳиндудар қаршилик күрсатии бефойда әкаплигини тушиуниб етадилар, уларниң улуглари Соҳибқирон қошига буйни әгіб келиб, омонлик беринши илтимос қыладилар. Темурбек уларниң илтимосини қондиради. Рожа Дулжин қалъадан үз мұовини ва углини түрлі-тумаи тұхфалар — лочилар, арабий аргумоқлар, зебу зийнатлар билан Темурбек қароргоғыга жүннатади. Соҳибқирон уларниң иккаласига зарбоғ түнлар, олтии билан безатылған шамширлар ҳадя этади ва қалъага қайтиб кетишиг әжозат беради.

8 ноябр күни қалъадан Шайх Саъдуддин Ажудоний ҳамроҳлигіда чиққан рожа Дулжин Темурбек қароргоғына келади. Соҳибқиронга ов қүнлари, олтии билан безатылған әгар-жабдуқлар, тубучоқлар нешкаш қилинади. Барча беклар, амирлар ва амирзодаларға саман отлар ҳадя этилади. Үз інавбатида рожа ҳам зарбоғ түн, мұрассаъ камар ва тоғ билан тақдирланади. Битинр қалъасидан 13 ноябряда йұлға чиққан Темурбек күшини бир қанча маизилларни босиб үтиб, ахолиси түм-тарақай қочиб кетған Фатхобод құргони атрофида тұхтайди. Қо-чоқлар ортидан құвғинчилар тайин қилинігач, 17 ноябряда бу ердан отларға минилиб, Раҳтиур истеңкомидан үтилиб, Аҳруній қалъасига етилади ва шу маизилде қүшин бұлжары белгиланади. Эртасига сафар ҳаракатлари да-вом эттирилади. Тұхна мавзеи зафарлы қүшин тұглары билан безалади. Бу ернің ахолиси ҳам Темурбекнің келаётғанлығидан хабар тоғиб яшаш жойларни тарқ этган, атроффаги дашт, үрмөн, ва тогу тошлардан на-ноҳ тоңған әди. Мавлоно Носируддин Үмар ва Таваккал Қарқара құмандонлигидеги таъқиб учун жүннатылған от-лиқ гурух қочоқларининг бир қисминиң қиличдан үтказиб, бир қисмини аспир олиб, аңчагина қорамолни улжа қилип келади. Орадан иккі күн үтгандан сүнг Соҳибқирон Тух-

пани тарқ әтди. Сулаймониоқ баҳодир бошчилигидаги үгруқни Сомона шаҳри томон жұнатған Темурбек яширишиңға улғириған життонларни жазосини бериш мақсадыда от суради.

21 ноябрь куни Темурбек құшпин Сомона шаҳри яқиндан оқувлар Құұғар дарёсі бүйіда үгруқ билан қүшилади ва түрт күн давомида шу ерда мұқим туради. 25 ноября Темурбек отланиб Пули Кўйлага етиб келади ва илғор учун түрт томонға юриш қылған Султон Маҳмудхон, Султон Ҳусайн баҳодир мирзо, Рустам баҳодир, Фиёсүддин тархон, Жаҳоншоқ мирзо, Шайх Арслон, Ҳамза Тогайбуга, амир Мубашир Сунжик баҳодир раҳбарлигидаги қүшин билан қүшилади. Тоңгаси Пули Кўйладан эсон-омон утилиб, Шоҳмалик раҳбарлигига етиб келган үгруқ билан дийдор куришилади. Шундан сўнг Соҳибқирон қүшинин жанговар тартибга тизиб, Деҳли шаҳри сари равона бўлади. Барангарда Пир Муҳаммад баҳодир мирзо, Рустам баҳодир мирзо, Ҳалил Султон миран, Сулаймониоқ баҳодир миран, амир Шайх Нуруддин баҳодир, Мизроб миран, Едгор барлос ва ҳоказо амирлар, жувангарда Султон Маҳмудхон, Султон Ҳусайн баҳодир, Жаҳоншоқ баҳодир миран, амир Шоҳмалик, Шайх Арслон, Шайх Муҳаммад Ику Темур, Суюнжак баҳодир, қўлда ўнг минг аскардан иборат гвардия — *сөнсиә*, Аллоҳдод, Али Султон тавачи ва бошқа туманларнинг саркардалари йигирма қуруҳ (40 км) масофада ҳаракат қилиб боради.

Қалъаи Асинди ва Туглуқпур ҳисориниң ўл-ўлақай забт этган улкан қүшин 2 декабр куни кымасиз қолган Панипатта етиб келади. Шаҳар омборларида сақланашётган катта миқдордаги галла сипоҳга ва мулоғимларга олий фармонға биноал тақсим қилинади. Орадап иккى кун ўтгач, барангар ва жувангар қўмандонлари биргаликда қисмларнинг қурол-яргларини, кийим-кечакларини назардан ўтказадилар. 6 декабр куни барангар беклари Деҳли шаҳридан 2 фарсанг масофадаги Жаҳониумой мавзенигача бўлган жойларга ҳужум қилиши ҳақида Темурбек буйругини бажарышга киришади. Ҳужум чогида кўплаб мажусийлар талон-тарож қилинади, асир олинади. Улкан ганиматни қўлга киритган аскарлар голибона ва шодиёпа аскаргоҳга қайтиб келади.

9 декабря Соҳибқирон Жаун дарёсидан кечиб ўтиб, теварак-атрофи ям-яшил ўтлоқ билан қопланган

Луни қалъаси яқинида тушади. Аввалроқ қалъага жаңгу жадалсиз таслим бўлишини таклиф этиш мақсадида Жаҳоншоҳ, Шоҳмалик ва Аллоҳдод юборилган эди. Лекин, бу ердаги Маллухоннинг тарафдорлари таклифи қабул қилимай қаршилик кўрсатишни маъқул куради. Қалъа аҳлинииг бундай қароридан бохабар булган Темурбек зудлик билан қалъагирлик асбобларини шайлашини, тўш-тўшдан нақблар қазини амр қилиди. Хуфтон намози вақтида қалъа таслим булади. Ичкаридаги мажусийларнииг аксарияти уз хотин-халажи, бола-чақаси ва уй-жойини ёқиб юборади. Темурбек қўшини тунни қалъа ташқарисида утказади. Эртасига қўргонда уруш ҳаракатларини давом эттираётган Маллухоннинг содиқ павкарлари Соҳибқирон аскарларининг шиддатли ҳамласига бардош беролмай яксон булади. Қалъа горат қилинади.

Декабрнинг 11 куни Темурбек Луни қалъасини тарк этиб, Жаҳоннумой яқинидаги Жауи дарёси қиргоги бўйлаб юришини давом эттиради. Дарёдан гузар топилгач, орқага қайтишга ва ўрдугоҳга тушишга буйруқ берилали. Бу ерда қўшини икки кун ором олади.

Рабиул — охир ойининг биринчи куни, яъни 11 декабрда Соҳибқирон амир Сулаймоншоҳ баҳодир ва амир Жаҳоншоҳ баҳодирларни Деҳли шаҳрининг жанубида жойлашган юртларни горат қилини учун жунатади. Ўзи эса етти юзтacha зириҳпушлар ҳамроҳлигига Жаҳоннумой атрофларини синчилкаб куздан кечиради, жойнииг тузилишига, у ердаги объектларнииг мавжудлигига диққат-эътиборни қаратади. Кузатув ниҳоясига етгач, Темурбек бўлажак жанг майдонининг урнини белгилайди. Шу орада Маллухон тахминан турт минг отлиқ ва беш минг ииёда аскарлар ҳамда йигирмата фил билан қалъадан ташқари чиқиб, Темурбек қўшинига қарши кела боилайди. Жаун дарёси ёқасида турган Суюнжак баҳодир ва Саййид Хожа мубашир бошчилигидаги уч юз кишидан иборат гуруҳни ҳинидлар ўққа тутади. Кумак учун этиб келган икки катта мададкор қисм Маллухон лашкарига селдай ёпирилиб, дастлабки ҳужумдаёқ гапимпи Деҳли томон юз ўгиришга мажбур этади. Тартибсиз чекинаётган рақибнин тезкорлик билан таъқиб этган Соҳибқирон ўзининг осмонупар саронардасини 1398 йилнинг 11 декабрида Деҳли шаҳри бўсагасидаги мавзеда тикади.

13 декабр куни Темурбек Луни қалъасининг шарқро-

гида лашкаргоҳ қуришни ҳукм қилади. Соҳибқироннинг Баргоҳида машварат булиб утади.

Ҳарбий кенгашда юришда иштирок этажта амирзодалар, улуг амирлар, қушун, туман сардорлари, аркони давлат ҳамда гуломлардан ташкил қилинган, унинг кишидан иборат олий бош кўмандоннинг шахсий гвардияси хисоблашмиш соңсиз иштирок этиш шарафига муяссалар бўлади. Темурбек машваратда кутилаётган даҳшатли жангни олиб бориш, гашим билан жангга кириш, унинг сарфларини орқа томондан айланиб ўтиб бузиш, саваш гирдобидан қандай чиқиши тартиб ва қоидаларини бамайлихотир аниқ ва равшан ҳамда тушуниарли ифода этади. Ҳарбий ҳаракатларнинг муқаддимаси ва якунининг қай маромда бориши ишонч билан таърифланади. Ҳиравул, барангар, жувангар қўл, чагдавулнинг ва сопсизнинг жанггоҳдаги ўрни аниқ курсатилади. Бу қисмларнинг жанг чогида амалга оширадиган вазифалари, душман ҳамласини қайтариш ва қайта хужумга ўтиш усуллари белгиланади. Соҳибқирон баёп этажта фикр — мулоҳазалардан унинг бўлжак жангда галаба қозонишига имони комиллигни сезиб турган машварат аҳли ҳарби ишидаги бор билим ва тажрибаларни ишга солиб, зафар байргининг янада маҳобатлироқ ҳилтирашига ўз ҳиссаларини қушишга якжиҳатлик билан аҳд қиладилар.

Ушбу кун тарих машъум бир воқеанинг шоҳиди бўлади. Йирик лашкарбошилар ва мирзојарнинг Синдарёси қирғоқларидан Доҳли осто пасигача бўлган сафар пайтида асир қилинган юз мингдан ортиқ мажусий ҳиндуларнинг Султон Маҳмудхон билан кутилаётган жангда ўз юртдошлари томон оғиб, Соҳибқирон споҳига ортдан хавф солиши эҳтимолдан ҳоли эмаслиги, шу сабабли уларнинг багридан ўтиш мақсадга мувофиқ, деган фикрлари Темурбек томонидан инобатга олинади.

Натижада урдugoҳга жам бўлган тутқунлар ёппасига қиличдан ўтказилади<sup>1</sup>.

15 декабрда Темурбек бошчилигидаги Мовароунахр қўшини Жаун дарёси ёқалаб ҳаракатни бошлиайди. Дарени кечиб ўтиб қарши қирғоқдаги Пуштаи Баҳоли тепалигига туташган жарлик ичига хавф-хатардан ҳоли булиш мақсадида жойлашади. Иккни кун дам олган қўшинининг плгор, ўнг қанот, сул қанот, марказини жанг-

<sup>1</sup> Қарағ. Гийасаддин Али... Дневник... б. 111.

вар тартибга тизган Соҳибқирон 17 декабр куни маърака майдонига қараб юради.

Барангардан Нир Муҳаммад баҳодир мирзо, Сулаймоноҳ баҳодир ва ўзга амирлар, жувангардан Султон Ҳусайн баҳодир мирзо, Ҳалил Султон баҳодир Мирзо, Жаҳоншоҳ баҳодир ва бопиқа саркардалар, ҳиравулдаи Рустам баҳодир мирзо, Шайх Нуруддин, Шоҳ-Малик, Аллоҳдод сингари амир ва беклар урин олган эди. Соҳибқирон ўз шахсий гвардияси — *сонсиа*, кумак учун мўлжалланган қисмлар билан кўлда жойлашади.

Рӯпарада шаҳода Султон Маҳмуд, Маллухон ва бошқа бир қаинча ҳинду саркардалари раҳнамолигидаги ўн минг кишилик суворийлар, йигирма минг сара пиёдалар ва бир юз йигирма жанговар филлардан таркиб топган қўшин ҳам сафга тизилиб, осмоний кумак ва раббоний мададга суюнган ҳолда лашкар тортиш қоидаси ва қўшин безатиш услубига биноан аебоб — аслаҳаларни тартибга солиб уруш тўқушига шайланади. Қўшини сафи олдида ҳаракат қилувчи тогмонанд ҳайбатли филларниг хартумлари бир-бирига bogланган, филлар устига думалоқ қайлавалар урнатилган, уларда бир неча тирандозлар жойлантирилган эди. Филлар қатори ёнидан туп отувчилар, яъни раъдандозлар урин олади.

Темурбекниг ҳумоюн қўшини кўпдан-кўп жангу — жадалларда иштирок этган, ман-ман деган рақиб лашкарларини синдирган, унга уша даврдаги ҳарбий санъатниг барча сир-асрорлари, қонуни-қоидалари маълум ва ойдин эди. Бироқ, мазаффар мавқиб мана шу кунга қадар девларни ҳам қочишга ундайдиган, қунгироқ ва занглар тақиған даҳшатли филлар ёрдамида жангга отланган душман билан юзма-юз келмаган эди. Айниқса, илгари филларни курмаган отларниг ҳуркиб қочиши темурийларни анча кийин аҳволга солиб қўяди. Баъзи жангчилар гулгулага тушади, уларни ваҳима босади. Иккала қўшин бир-бирига жуда яқин масофага келган чогда Темурбек ўз қароргоҳи урнатилган Баҳоли дунглигидан атрофии кузата бошлайди. Дўмбира овози, ногора наъраси, карнай-сурнай садоси остида қаравул ҳамда илгор қисмларниг тўқиаш келиши жанг бошлиғанилигидан далолат беради. Ушбу лаҳзада Соҳибқирон сарой-мулозимларидан мавлоно Носируддин Умарга том устига жойнамоз тўшашин буюради. Темурбек Яратғанга ҳамду санолар айтиб, ундан кумак ва шафоат тилаб, икки қатла саидага боради. Бу пайтда Шайх Нуруддин,

Шоҳмалик, Аллоҳдод ва бошқа номдор амирлар қўмонидонлигидаги ҳиравул қисмларнинг аҳволи оғирлашиб қолгаи, душман кучларининг асосий зарбасини қайтариш уларнинг зиммасига тушган эди. Анчагина талофат кўрган илгорга ўз вақтида берилган кўмак унга ўзини ўнглаб олиш имкониятини яратар, ганим эса марказ қўлга сукилиб кириш имкониятидан маҳрум бўлар эди.

Вазиятнинг ута хавфлилигини сезиб турган Темурбек қўлдан шафақат ҳиравулга, балки душманнинг шиддатли ҳужумларини даф этиш билан баанд бўлган бараангарга ҳам Али Султон тавачи қўмонидонлигидаги отлик қисмини зудлик билан мадад сифатида ажратади. Ўз вақтида берилган ёрдамдаи баҳраманд бўлгаи, жаанговар руҳи кўтарилига ҳиравул ва бараангар аҳли янги куч-гайрат билан ёвга ташланади ва ташаббусни ўз қўлига олишга муяссар бўлади. Илгор қисм ва ўнг қаюот аскарларининг жаанг чогидаги жасорати ва матонати бошқа қўшии қисмлари жаангчилари кучига-куч, қувватига-қувват қўшади. Қуролдош дўстларининг мардлик ва қаҳрамонлиги уларни жасоратга ундаиди, галабага илҳомластиради. Бу қисмлар баъзи бир аскарларни саросимага туширган баҳайбат филларни писапд қилмай, уларга наиза санчар, олов ва тутуни, ҳаммаёкии тутувчи гумбир-гумбири жаанггоҳни ларзага келтирувчи туп-раъдларни кўзга илмай, душман кишиларини қиличдан ўтказар эди. Филлар устидаги кажавадан ўрин олган ганим ўқчилари туркий мерганилар отган ўқлардан тутдай тўқилар, от ва фил оёқлари остида қолиб ҳалок бўлар эди. Айниқса, ярадор филларнинг филбошлиларни улоқтириб орқага қарамай қочиши ҳинд аскарларига катта қирон келтиради. Ўқ ва наиза санчилишида заҳм еган бу ҳайвоnlар ҳинд суворий ва пиёдаларини поймол қилади, қаторларини янчид үтади ва тўзитиб юборади. Ев сафларида пароқандалик ва бошбошдоқлик аломуатлари сезила бошлайди. Бундай ҳолатнинг вужудга келишига Пир Мұхаммад баҳодир ва Сулаймоншоҳ баҳодир қўмонидонлигидаги бараангар, Султон Ҳусайн баҳодир, Ҳалил Султон баҳодир, Жаҳоншоҳ баҳодир, Ғиёсуддин тарҳон саркардалагидаги жуваннгар, Рустам баҳодир, амирлар Шайх Нуруддин, Шоҳмалик, Аллоҳдод раҳбарлигидаги ҳиравул ва ниҳоят, Соҳибқирон бошчилигидаги қўл жаангчилари ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшади. Душман қўшини кўп қурбон кўришига қарамай, сабот ва матонат билан қаршилик кўрсатар, мардлик ва жасурлик намуналарини

намойиш этар эди. Бироқ, боргаи сари уларниң сафлары сийраклашиб, қаршилик курсатиши имкониятлари чекла-на боради. Ниҳоят, Темурбекининг ҳиравул, қуибул ва қўйл қисмлари рақиб қушинини қуршовга олишга муваффақ булади.

Филлар қўлга киритилади. Жаңггоҳ минглаб ганим аскарларининг мурдалари билан тулиб кетади. Кичик отлиқ гуруҳ ҳимоясида жанг майдонини ташлаб қочган Султон Маҳмуд ва Маллухон Декли шаҳрига шажот то-пинш мақсадиди беркинади. Жанг пиҳоясига етгач соҳиб-қирон барча миразодалар, лашкарбошилар, бек ва амирларни ўз қароргоҳига муҳорабанинг қай йусинда борганилиги, барапгар, жувангар, қул, ҳиравул, қуибул, соңсиз ва бошқа қисмларини жанг майдониди қандай ҳаракат қилганилиги, ганим билан бўлған аёвсиз курашда алоҳида жасорат, матонат ва қаҳрамонлик намуналари курсатған аскарлар, қўмондоилар, ҳарбий бўлинималар, қисмлар ҳақида ҳисбот беришга түплайди.

Ўиг қул, сўл қул, марказ, илғор ва бошқа қисм сар-кардалари, амиразодалар, номдор беклар ҳамда амирлар узлари бошқаргани қисм ва бўлинималарининг, қолаберса, ҳар бир жаңгчининг кучли душман билан бўлған туқиашувда Соҳибқирон белгилаган режа бўйича ҳаракат қилганилиги, ёвниш кучли ҳужумлари мардоавор қайта-рилгач, уига қақшатқич зарба берилганилиги, галабани қўлга киритишда марказ — қулдан узга қисмларга уз вақтида бериб турилган мададининг ҳал қилувчи аҳамият касб этганилиги, галаба ёр қўшининиг ҳар бир аъзоси — жанг сафининиг диловарлари, диловарлик маъракасининг нахлавонлари, қаҳрамонлик жаңггоҳининг баҳодирлари бўлшинш марду майдон кишилар душман қанчалик қасд қилмасин, ҳаммасини орқага қайтарганилиги, иш ўқу ёй отишдан тигу пайза санчиш ва яккама-якка олишишга етганилиги, ботирлариниг «ур, ҳа ур», ҳай-ҳай, — ҳайқириқ ва наъраларидан маъракагоҳ ларзага келганилиги, думбира, ногора, карнай, сурнайлар овозидан гардун қулоги нар бўлганилиги ҳақида тўлқинланиб ва жўшиб ҳикоя қиласидар. Лийинқса, миrzода Халил Султон баҳодирининг маъракада курсатған қаҳрамонлиги ва жасорати ҳаммани қойил қолдиради. Эндиғина ун беш ёшига қадам қўйган миrzода жанг алаигаси айни авжга чиққан, икки муҳолиф ҳудди довул патижасида жуни-бушга келган икки деңгиз тўлқинлариdek бир-бирига туташган маҳалда қаҳр-газаб шамширини баланд кута-

риб ганим аскарларига уз ўлжасига чапдасчлик билап ташланган арслон мисол ҳамла қиласди. Темурий жанг-чишарга хавф солаётган төсифат филларга қарши далил ҳаракат қилиб, улардан бирини улжа олади ва бобоси Темурбек ҳузурига олиб келади. Тұла эъозу икромлар билан Халил Султонни багрига босған Темурбек нақирион миражо курсатған шижиоат, мардлик ва садоқат ҳар қандай тақсинга лойиқлигини аҳли лашкарға маълум қиласди ҳамда ушбу қаҳрамоилик лавҳаларини тарих саҳифаларига зардал ҳарфлар билан битиб қўйишга ижозат беради. Сунг шикаст топған душманини таъқиб қилиб борған Темурбек қушини пешин намози вақтида Деҳли дарвозалари ёнида пайдо булади. Шаҳар ҳалқига ҳеч қандай озор стказилмай Соҳибқирион от жиловларини орқага буришга ва Лаби ҳовузи хос номли жойда кун ботгунча тухташга ҳуқми қиласди.

Чоршанба кунига утар кечаси Султон Маҳмуд, Маллухон ва бошқа бир қатор ҳиндистонлик сардорлар Деҳлиниг жанаубий дарвозалари орқали қочишига юз тутгалилиги хақида маълумот олиниади. Темурбек уша заҳотиёқ амирлар билан маслаҳатлашиб, кочоқларни таъқиб қилиши учун қувгуничи гурӯҳ жұнатади.

Эртаси, яъни 18 декаобр куни Соҳибқирионнинг зафар белгилари битилған байроқлар билан сарбасар бўлған осмонунар саропардаси қабул учун майдоп дарвозаси рунарасидаги ийдоҳга тикилади. Деҳли шаҳринииг бузурглари, сайнидлари, қозилари, аъёнлари түпланишиб, ташқари чиқади. Маллухониниг собиқ поибларидаи Фазуллоҳ Балхий каби уламолар, девонхона хизматчилар, шайхлар ҳам булар билан биргаликда келиб Темурбек гиламини упиш шарафиға мұяссар бўладилар. Келганилар Соҳибқириондан деҳлиликлариниг гуноҳидан ўтиб уларга омонлик беришини илтимос қиласди. Нир Мұхаммад баҳодир мираво, Сулаймоншоҳ баҳодир ва бошқа амиру беглар шу илтимосини қондириш маъқул деган фикрни билдирадилар.

Жума куни Мавлоно Носуруддин Үмарга фозилу чузало, олиму уламо, шайху машойих, садру судур ва бошқа аркони давлат ҳамроҳлигига шаҳарга кириб, Темурбек қурагон номига хутба уқишига амр қилинади.

Темурбек эришилған зафарлариниг безаги бўла олувчи бу тарихий ғалабани осон қўлга киритишда мададкор бўлған Таңгрига шукроналар айтиш ва миннатдорлик туйгуларини адо этишга киришади. Ҳумоюн қушинининг

фатҳи хабаридан иборат фатҳномалар рубъи маскунинг атроф — жавониб ерларига шамолдек тез учувчи чопарлар орқали юборилади.

1399 йилининг биринчи январида Соҳибқирон музafferар қўшинга Ҳиндистон юруши ниҳоясига етганлиги, йирик жангларда улкан галабалар қўлга киритилганлиги, кўпдан-кўп қалъа, ҳисор, шаҳар, вилоят ва юртлар забт этилганлиги, беҳисоб молу дунё, зебу зийнат, асиру тутқунлар ўлжа қилинганлиги, энди Ватанга, дорус — салтана Самарқандга қайтиш вақти келганлиги тўғрисида фармони олийни эълои қилади.

## ЯШИНИНИГ СҮНИШИ

Шимоли-гарбий Анатулияга Ўрта Осиёдан кучиб келган қайи қабиласи асосида XIII асрининг охирига келиб Европада бир қатор йирик галабаларни қўлга киритади. Булгория ва Сербиянинг ҳурматлар томонидан забт этилиши Венгриянинг мустақиллигинга тўғридан-тўғри хавф сола бошлийди. Венгрия қироли Сигизмунд қўмодоилигидаги Ғарбий Европа рицарларида ташкил топган юз минглик армиянинг 1396 йил 25 сентябр куни Дунайнинг ўнг қиргогида жойлашган Никополь шаҳри бусагасида султон Боязид I Илдиirim қўшини томонидан тор-мор қилиниши туркларга шарти кетиб парти қолган Византия империясининг қаршилигини синдириб, унинг поитахти Константинополини әгаллашга йул очиб беради.<sup>1</sup> Бироқ, тез орада халқаро вазиятда кескин узгаришлар содир бўлади ва Усмонийлар салтанатининг ҳақдари қил учида осилиб қолади.

Шиддатли операциялар туфайли Европанинг катта қисемини бўйсундирганилиги учун Илдиirim, яъни яшин, чақмоқ лақабини олишга муассар бўлган султон Боязид I ҳамда ўз ҳарбий қудратининг чуққисида бўлган жаҳонгир Темурбек мақсадлари кичик Осиёда туқнаш келади.

<sup>1</sup> Қаранг: Умняков Н. Из истории... Б. З; Петросян Ю. А. Османская империя. Могущество и гибель. М., Наука, 1990. Б. 10—36; Рансимен С. Падение Константиноцоля в 1453 году. М., Наука. 1983. Б. 32—54.

## РУМ СУЛТОНИ БОЯЗИД ИЛДИРИМ БИЛАН БҮЛГАН ЖАҢГ

Тарихининг далолат беришича, Темурбек ўз қүшини билан Шаркий Анатулия сарҳадларига 1386 йили илк қадам қўйган ва Арзинжон шаҳри яқинидаги туркларининг катта ҳарбий қўшиларини маглуб этган эди<sup>1</sup>. Орадан саккиз йил үтгач, 1395 йили Соҳибқирон бу үлкаларга иккинчи бор юруши қиласди. Усмонийларининг Сивосгача бўлган анчагина ерлари торожга дучор бўлади. Боязид Илдиримнинг угли, Сивос вилоятининг ҳокими Эртугрул Темурбекка карши бўлган ҳаракатлариниг бирида ҳалок бўлади.<sup>2</sup> Фатҳ этилган Сивосдан, кутилмаганида, Соҳибқирон Ҳалаб, Дамашқ ва Багдодга қараб от суради.

Ироқ, Шом, Дашиби Қиничоқ, Ҳиндистон сингари мамлакат ерларини хос узиники килинига муяссар бўлган Темурбек салтанатининг гарби-жанубий чегараларига яқин жойлашган Болқон ҳамда Кичик Осиёда барно этилган қудратли Усмонийлар давлатининг кучайиб кетишдан, албатта, маидаатдор эмас эди.

1401 йилнинг қиши куиларини Қорабогдаги қишлоғда ўтказаётган Темурбек айни пайтда Византияни пойтахти Константионополни ҳам қуруқлик, ҳам деңгиздан муҳосара этиб, мустаҳкам ва кучли истеҳкоми бўлган бу шаҳарни қўлга киритиш баҳтига мувваффақ бўлолмай турган Туркия Султони Боязид I Илдирим (1389—1402) қароргоҳига алчи юбориб, ундан византияликлариниг турклар томонидан забт этилган барча ерларини эгаларига қайтариб беришининг қатъий талабини қўяди<sup>3</sup>. Темурбекнинг масалалип бундай алфозда кундалаңг қўйишидан даргазаб бўлган, шунингдек, яқинлашиб келаётган хавфининг нақадар даҳшатли эканлигини учкалик кузга илмаган, маълум даражада маймалик ва мутакаббирликка йул қуяётган шижаотли ҳамда қизиқон Боязид ўз навбатида дагал, ҳақоратомуз сўзлар билан битилган жавоб мактубини Соҳибқиронга ўллайди.

Иби Арабшоҳ Боязид мактубининг қўйидаги куракда турмайдиган жумлалар билан тугалланганилигини алоҳи-

<sup>1</sup> Петросян Ю. А. Османская империя... б. 28.

<sup>2</sup> Қаранг: Рансимен С. Падение... б. 49; Петросян Ю. А. Османская империя... б. 27.

<sup>3</sup> Қаранг: Умняков И. Из истории... б. 3.

да қайд этади: «Мен биламанки, бу сұзлар сени ҳеч тұх-  
тамасдан бизнинг мамлакатимизга томон отлантиради.  
Агар сен (биз томонға) келмасаңг, сенинг хотинларинг  
уч талоқ бұлсии. Агар сен менинг юртимга келсан-гу,  
мен сенің қарши қатъий уруш қылмай қочсам, у вақтда  
менинг хотинларим узил-кесил уч талоқ бұлсии.»<sup>1</sup>

Ләйни замонда султон үз күчларини Константинопол  
қамалидаи олиб Темурбекка күчли зарба бериш ниятида  
Анатулига жамлай бошланди<sup>2</sup>.

Султон Боязид Бурса шаҳрида турған чөдә Темур-  
бек жунаттаң әлчи иккинчи бор үша талаб билан унининг  
қароргоҳында келади. Соҳибқирон билан бұлажак жаңгда  
үзининг галаба қозонишиңа тұла ишонған Боязид әлчи-  
ни «Майли, Темур урушни бошлайберсии. Мен у билан  
сулұ түзишден жаңг қилишин афзал кұраман», — деган  
жавоб билан қайтариб юборади.<sup>3</sup> Натижада, Темурбек  
Султоңға қарши юришіңа жазм қиласы. Руи Гонсалес де  
Клавихо Темурбекининг Боязидга қарши құшин тортин  
сабабини маңа буидай түшүнтиради. Арзинжон ҳокими  
Таҳартанининг ерлари усмонийлар давлати мұлклари  
билан чегарадош әди. Таҳартанға таалуқли ерларға, ай-  
ниңса Камоқ қалъасында әга бұлшып ниятида булған Боя-  
зид ундан қалъани тоғиширишиңи ва бож тұлашни талаб  
қиласы. Таҳартан султоңға бож тұлаши мумкинлигини,  
аммо қалъани асло бермеслигини бағы қиласы. Гоязид  
Таҳартанға әлчи йүллаб, қалъани нима бұлса-да, бериші  
лозимлигини, акс ҳолда бор мұлкларидаи ажралишини  
бидпради. Таҳартан ушбу вақтларда Эронда ҳарбий ҳа-  
ракатлар олиб бораёттан Темурбекқа совға-саломлар  
билан мактуб жунатади. Мактубда у Соҳибқиронининг то-  
беси әканлигини билдиради ва ундан мадад сұраб Боя-  
зиддан ұмомя қилишини илтимос қиласы. Темурбек Боя-  
зидға әлчи юбориб, ундан Таҳартан ва унинғ фуқарола-  
риға ҳеч қандай заарар етказмаслығы лозимлигини талаб  
қиласы<sup>4</sup>.

«Равзат ус — сафо»да уз манзилларига қайтишға ижо-  
зат берилған түрк әлчиси орқали султоңға юборилған  
мактубининг мазмунни қунидагичадыр:

<sup>1</sup> Қаранг: *Ибн Арабшо*. Ажойиб ал-мақдур... II китоб, 258—  
259-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: *Ибн Арабшо*. Ажойиб ал-мақдур... I китоб, 258—  
259-бетлар. *Петросян Ю. А. Османская империя...* б. 26; *Ренси-  
мен С. Надепие...* б. 49.

<sup>3</sup> Қаранг: *Петросян Ю. А. Османская империя...* б. 28.

<sup>4</sup> Қаранг: *Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник...* б. 86

Чун жиҳод ва гизо ойини ул мамлакатда қойимдуур үа бизнинг мижозимиизга мувофиқ эрмасдурким, ул диёрға мансур лашкар убуридин осиб етгай. Ва биз мунча ма-доро тариқин маслук тутадурмизким, агар Таҳартанинг муталиқотин юбориб фарзандлариниг бирин бизнинг қошимизга равона қилсанг, то ани ўз фарзандларимиздин киромийроқ тутадурмиз ва икки ародин мухолифат губори туруб Рум мамлакати санга тоширулгай. Ва ул диёрининг одамлари шул васила билан фориғбол ва осудааҳвол бўлуб куфор иноди дафъига ва фужжор фасоди раъига машғур бўлғай. Ва ёвуқдурурким агар мұхим бу минивол била ўтса мунинг баракоти дунё ва охиратда ҳамманинг рузгорига восил ва мутавосил айлангай».

Рум ерларини мукаммал билувчи қулавуз — йулбошловчилар тайин қилингач, Соҳибқирон қўшинини курикдан ўтказишини ҳавачиларга буюради. Яқинлашиб келаетган жангнинг турклар учун ҳаёт-мамот жанг эканлигини, шу сабабли уларнинг бир томчи қоплари қолгунича саваш қилишлари табиий эканлигини жуда яхши пайкараган Темурбек Самарқандга чопар йуллаб, тахт вориси ҳамда валиахд Мұхаммад Султон мирзо иби Жаҳонгир мирзони атоқли саркарда амир Ҳожи Сайфуддин ҳамроҳлигидаги мадад кучлар билан тезликда ҳузурига етиб келишига амр қиласди. Ўзи эса Румга юзланади ва 1399 иили Боязид томонидан фатҳ қилингани, Арзинжон шаҳридан 38 км узоқликда, Фронт дарёсининг гарбий соҳилида жойлашган Қамоҳ қалъаси олдида тушади. Қамоҳ қалъаси гоят ишиқ, мустаҳкам ва балаид булиб, бир тарафида унинг деворлари тагидан Фронт дарёси оқиб ўтса, иккинчи тарафдан буржу боруларини кенг бир водий ҳимоя қиласр эди. Водийга киришининг асло имкони йуқ эди, чунки у жой Фронт дарёсига қўйиладиган ирмоқ йўли эди. Қолган икки тарафда эса қир ва тепаликлар мавжуд булиб, у ердан қалъага яқинлашини мумкин эмас эди. Мирзо Мұхаммад Султон ва амир Ҳожи Сайфуддин бошчилигидаги Мовароуниаҳр қўшини етиб келгач, Темурбек Қамоҳ қалъасини әгаллаш вазифасини валиш аҳд набираси зиммасига юклиди.

Қалъа мұхосараси 1402 йилнинг май-шюн ойларида булади. Темурбек қалъага унинг орқа томонида жойлашган эгри-бугри водий орқали яқинлашишига қарор қиласди. Соҳибқирон буйругига биноан қўшини аҳли теваракатрофда бор бўлган дарахтларни кесиб, ёғоч, хода ва шоҳ-шаббаларни водийга ташлайдилар, уни ер билди

баробар қилиб, водийнинг эни ва буйини тұлғазадилар. Мұхосарада қолғанлар Темурбек тадбири амалга оңса болынға қандай күлфатлар тушишини фаҳмлаб қалъадан ёт, ёнаётгаш нафт ҳамда махсус туз, күмир ва олтынгүргүрт аралашмасидан тайёрланған ёнувчи мураккаб модда — боруд ташлаб ёғоч ва шох-шаббаларни ёқиб юборади. Муваффақиятсизликдан эсанкирамаган Соҳибқирон қалъани забт этишининг бошқа бир тадбир-чорасини күради. У лашкарға қалъа атрофидан бир халтадан тошипб қелишини ва сойни тошлар билан түлдиришини буюради. Водий тошлардан тұлғач, аскарлар туда-туда, гурұх-гурұх, фавж-фавж булиб, уннинг устидан юриб утиб қалъага яқынлашади. Қалъагирлар әсбоб-олатлари ишга солиниб, ұисор деворларига шоту ва нарвоилар құйилиб, аскарлар ташлаңған камаид ва арқониларга осилиб юқорига кутарыла бошлайды. Фаросат билан күрілған тадбирға ҳар қандай қаршилик курсатишининг беҳуда эканлигига шак-шубҳаси қолмаган мудофаачиларининг таслым булиш ва омоилик тилашыдан үзға иложлари қолмайды. Қалъага кирган Темурбек водийга келтирилған тошларни аввали жойларига олиб бориб ташлашга амр қиласы. Шундан сунг Соҳибқирон қалъага аёйларидан Аш-Шамс номлы кишини доруга қилиб, у ерни тарқ әтади<sup>1</sup>.

Күп фурсат үтмай Темурбек Аиқарани қамал қилишга киришади<sup>2</sup>. Соҳибқиронининг бу ҳаракати аслида тактика тадбир булиб, тажрибали сарқарданнинг асосий мақсади Боязиддин үзинининг асосий күчларини шаҳар мудофаасынша ташлашын мажбур әтиб, сунг унга қақшатқыч зарба бериш әди. Темурбек ишлатған тактика хийла иш беради. Тұқат шаҳри яқинида асосий ұарбий күчлары билан турған Боязид Соҳибқирон аскарларининг Аиқараны мұхосара қилиб, уннинг деворлари тағидан шақблар қази-йтганилгидан воқиға булади ва қамалдагиларга ёрдам беришга шошилади.

Қаравуллар Соҳибқиронга Рум қайсары катта соңли лашкари билан тұрт фарсақ масофада тушғанлығы хабарини етказғач, Темурбек қамални бекор қиласы да ва рақибнин күтиб олиш тараддудини күради. Қүшин қисмларини жаңғохшыннан жаңг олиб боришга қулай ерларға

<sup>1</sup> Қараңғ: *Ибн Арабшоғ. Ажойиб ал-мақдур...* II китоб, 259—263-бетлар.

<sup>2</sup> Қараңғ: *Петросян Ю. А. Османская империя...* б. 28—27; *Рансимен С. Падение...* с. 49.

жойлаштиради. Үрдунинг теграсида хандақлар қазилиб, мазбут ва маҳкамлик чоралари курилади. Натижада Боязид армияси узи учун ута иоқулай шарт-шароитда урушга киришига мажбур булади. Султон черики айниқса, сув таңқислиги туфайли вужудга келган ташпаликдан қаттиқ азият чекади. Рум черики жойлашгани ердаги мавжуд ягона булоқ ҳам Темурбек аскарлари томонидан яроқсиз ахволга келтирилди<sup>1</sup>.

Клавихо иккала армиянииг жаңголди ҳаракат (мансевр)ларини қўйидагича тасвирлайди: Темурбекнинг Туркия сарҳадларига қадам қўйганилигидан хабар топган Боязид ўз йулини узгартиради. Анқара қалъасида ўгруқни қолдириб, қўнишини тезкорлик билан ўз рақиби томон бошлиайди. Темурбек Боязиддиниг айёrona ҳаракатларидан боҳабар бўлгач, Арзинжон-Сивос йулини тарк этади ва сўлга бурилиб, баланд тоглар орқали юра бошлиайди. Темурбекнинг бошқа томонга бурилғалигини Боязид душман қочди хаёл қилиб, жон-жаҳди билан Соҳибқирон кетига тушади. Соҳибқирон тахминан саккиз кун давомида тогларда тин олади. Шундан сунг текис йўл орқали Анқара томон равона булади ва у ерда қолдирилган Боязид ўгруқини қўлга киритади. Соҳибқироннинг Анқарада эканлигини билган султон у томонга иложи борича тез ҳаракат билан жунайди. У Анқарага стиб келганда қўшишиниг тинкаси қуригап, ҳолсизланган эди. Темурбек бу мансеврларни рақибини алдаш мақсадида амалга оширган эди<sup>2</sup>.

Темурбек ва Боязид уртасидаги ҳал қилувчи тўқиашув 1402 йилиниг 25 июлида бўлиб ўтади. Манбаларда таъкидланишича, Туркия Султониниг қўшини тахминан 160 минг жаңгчидан иборат бўлган.

Темурбекнинг ушбу жаңгда қаинча миқдордаги аскар билан қатишганилиги тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Лекин батъзи тарихнависларнинг Анқара бўсагасидаги жаңгда иккি томондан салкам ярим миллион киши қатишганилиги ҳақидаги мулоҳазаларидан келиб чиқиб, мовароуниаҳрликларнинг сони ганим кучларидан кам булмаганилигини илғаб олиш мумкин.

Саркаши Рум қайсари ҳарбий ҳаракатлариниг бошлинишидаётқ тактик жиҳатдан кўпол хатоликларга йўл қўяди. Қўшишиниг жаңг майдонида иоқулай урнашиши,

<sup>1</sup> Қаранг: *Мирхонд. Равзат ус-сафо...* 176 а.

<sup>2</sup> Қаранг: *Рюи Гонсалес де Клавихо. Дневник...* 6. 69.

жангчилар ва лашкарбошилар орасидаги ҳарбий интизомининг бўшлиги, булажак оғир түқнашувдан олдин олиб борилган тайёргарликнинг жуда сустлиги, султоннинг хасислиги туфайли аскарлар оладиган маонининг ҳар вақт ҳам ўз муддатида берилмаслиги сингари салбий омиллар туркларининг Соҳибқирон билан буладиган жангда муваффақиятсизликка учрашини маълум даражада олдиндан белгилаб қўйган эди.

Кун чиқиши билан жанг бошланади. Икки тарафдан табл ва погоралар урилиб, карнай ва сурнайлар чалиниб, бутун маъракагоҳ аскарларининг шовқин-сурон, дод-войига тўлиб кетади, еру кўк титраб, теварак атроф алгов-далгов бўла бошлайди.

Соҳибқирон армияси ўзининг аиъанавий жанговар тартиби — ясолда ҳаракат қиласи<sup>1</sup>. Синоҳининг қирқ қўшун — қисмдан ташкил этилган ҳумоюн маркази — қўлга Соҳибқирон бевосита қўмондонлик қиласи, жувангар лашари Шоҳруҳ мирзо ва Ҳалил Султон мирзо иқболи билан зебу зийнат тонади. Улуг беклардан амир Сулаймоншоҳ, амир Едгор Андхудий, Рустам Тогайбуға, Суюнжак баҳодир ва ўзга марду майдонлар амирзодалар му僚озиматида булади. Жувангар ҳиравулига мирзо Султон Ҳусайн, Али Султон тавачи ҳамда Мусо тайилинади. Барангар аскарларига Амиршоҳ мирзо етакчилик қиласи. Амир Шайх Нуруддин, амир Бурундук, Али Қавчин, амир Таҳартан, Мубашиш Ҳожи, Ҳожи Абдуллоҳ Аббос, Ҳожи Сайфуддиннинг ўғли Султон Санжар, Умар Тобон, амир Шайх Иброҳим Ширвонийлар амирзода қошида туриб, хизмат камарини белларига маҳкам боялайдилар. Барангар ҳиравулига Абду Бакр мирзо, амир Жаҳоншоҳ, амир Қаро Усмон туркман, Таваккал барлос, Нир Али сулдуз сингари лашкарбошилар қўйилган эди.


Марказ — қўлниңг уиг тарафида Тоштемур ўғлон, Ўмаршайх мирзониниг фарзанди Аҳмар мирзо, Шоҳсувор, Жалол бавурчи, Тобтук, Юсуф мўгул, Ҳожи Бобо сувчи, Исқандар, Ҳипидубуга ва Ҳожа Юсуф сингари аъён ва ашроф ҳамда саркардалар жойлашади. Қўлниңг чап томонидан Жалол Ислом, Таваккал қарқара, Али Муҳаммад, Шоҳвали, Жонибек, Таңгримермини хожа, Муҳаммад Ҳалил, Шайх Ҳусайн каби баҳодирлар урин олади. Ўу кучларга ўзга қисмларга мададкор булиш вазифаси юклатилган эди. Марказ — қўлда армиянинг асосий за-

<sup>1</sup> Қаранг: *Мирхонд. Раъзат ус-сафо...* 176—179 б.

фарнайкар байроти қадалған эди. Құнишининг сафлари олдиде Ҳиндистон юриши чогида үлжы қилинған үттизта жанговар филлар саф торғып турар, уларнинг устида үтирган нафтандозлар ва камонкашлар ҳар дақиқа ганимега амал үкіни ёғдирилига тайёр әдлар.

Қарини тарафда Боязид Илдирим Рум ҳамда Фаранг мамлакатларидан жамланған ҳадсиз черикига тартиб бер-

### Боязид Илдирим құшишниннег ясоли



### Темурбек құшишниннег ясоли

риб, уларга үзининг эиг ишончли кишиларини сардор қишиб. Соҳибқиронга зарба берини ниятида туради. Рум күшинининг олд қисмиди султониниг қайниси қора либос кийган йигирма минг кишилик фараангиллардан иборат лашкар билан саф тизиб туради. Бу лашкар жангчилари бошидан оёғигача темир совутга чулгангап булиб, кўздан ўзга аъзолари курнимас эди. Улар устидаги жавишсан бандларига қулф солинган, то қулф очилмагуича совут ва дубулгани очиб бўлмас эди.

Лашкарнииг жувангарига кияз Степан қўмондоилигидаги серб дружиначилари қўйилган эди. Черик қалби марказидан Бояздининг ўзи урин олади. Ўгиллари Мусо, Исо ва Мустафони чағдавулга жойлаширади. Рум умаросининг бошқа қўзга кўрингани вакиллари ўзга амир ва пошшолар билан ўзларига муқаррар бўлган ерларга уриашади.

Жанг муқаддимаси Мироншоҳ мирзо қўл остидаги барагарнииг ганим жувангарига берган кучли зарбаси билан бошланади. Серблардан ташкил этилган румликларининг бу қаноти матонат билан мовароуниҳриликларга қаршилик курсатади.

Бояздининг қисм қўмондоиларидаи бири амир Жаҳоншоҳ ва амир Қора Усмон томонидан қилингап ҳамлагча бардош беролмай, ўз одамлари билан маърака майдонидан юз үгиради. Султон Ҳусайн мирзо байроги остида тўпланаған баҳодир суворийлар ҳам душманга қирғин келтиради. Темурбекдан жангга киришга рухсаৎ олган Муҳаммад Султон мирзо сўл қапотга мадад беришга отланади ва румийларнииг барагарига кўмак бериши учун ошиқаётган гуруҳ билан рӯбару келади. Икки тараф уртасида уруш ангиз бўлади. Оқибат амирзода споҳи ғолиб келади.

Ўмаршайҳ мирзонинг ўгли Пир Муҳаммад мирзо, Искандар мирзо, Султон Аҳмад мирзо ва амир Шоҳмалик, мубориз аскарлар билан илгари юриб, Рум черикидан кун кишини қиличдан утказади. Шундан сунг Соҳибқироннинг барча амирзодалар, умаролар, нуёиларнииг биргаликда жасорат ва мардоалик курсатиб, Бояздига ҳужум қилиши тўгрисидаги ҳукми қисмларга ёйлади. Қушинининг барагаридан Мироншоҳ мирзо, амир Жаҳоншоҳ, амир Шайх Иброҳим, Аббоснинг ўгли Ҳожи Абдуллоҳ, амир Ҳожи Сайїфуддиннинг ўгли Султон Санжар, шунингдек, Шоҳруҳ мирзо, Ҳалил Султон мирзо, амир Сулаймоншоҳ, Рустам Тогайбуға ва ўзга иомдор

амиру беклар, уруш майдонининг шершикор қаҳрамонлари иттифоқ булиб румликларга ташланади.

Мұхаммад Султон мирзо ганим бараптари жойлашып ерии әгаллашга мұваффақ бұлади. Боязид вазиятнинг бу тарзда жиiddийлашганидан таҳдикага қараша, үз бараптарига күмакка келади ва миразони әгаллаган жойдан суреба, үзи у ерга жойлашиб олади. Черикнинг шикаст тоңған уиг ва сүл қанот жиңгичилари султон атрофидан түкіланған болалайди.

Кечәйтган ҳолатин синчковлик билан күзатиб ва таҳлил этиб турған Соҳибқирон ҳамда наадары бузруквориининг мулозими булиб турған Шоҳруҳ мирзо Боязид Илдирим томон равона булади. Мироншоҳ мирзо, Султон Ҳусайн мирзо, бараптар ва жувандарининг сардорлари ва улуглари ҳам уша қомон от сурадилар ва султон ҳамда уннинг қысмларини ҳалқага оладилар. Мөхір мерғанлар томонидан ёғдирілған үк ёмғири румликларга катта та-лофат келтиради.

Шиддатлы түкінашув кескин ва узоқ давом этади. Нидоят, Темурбек қысмларининг қисувига бардоши қолмаған султон аскарлари чекина бошлайды. Боязид құмандонлигидаги жаңгичилар сүнгги нағасгача қаршилик курсатында давом этади. Яничарлар битта қолмай қириб ташланғандай сүнг Боязид ва уннинг иккінчи ўғлы Мусо Темурбек аскарлари, аниқроти Соҳибқирон томонидан 1388 йили Чигатай улусы хоилигига күтарилған Султон Маҳмудхон иби Суюргатмишхон тарафидан асир олиниади<sup>1</sup>.

Султоннинг түнгіч фарзанди Сулаймон серблар панопхида жаңггоҳдан қочишігә мұваффақ бұлади. Туркларнинг жаңғ майдонидан қочиб қутилған гуруҳлари Агадүлихисор қалъасыға кириб яширинаиди...

Фотих Темурбек мұзаффар армияси билан буғын Фарбий Анатули бүйраб зафарлы юришини давом эттиради. Жиiddий қаршиликка дуч келмаган Соҳибқирон қүнини Конъя вилоятини талон-тарож қиласади. Ұсмонийлар салтанатининг қадимий марказы Бурса ҳамда Даниэли ва Измир шаҳарлари ёқиб юборилади. Темурбекининг Анатулиға қылған ҳарбии сафари өзінде әрнеше ажайиб ютуқларидан яна бири унга күчли истеҳкомға зәға бұлғав Измир қалъасыннан таслым бўлишидир<sup>2</sup>. Измири мудо-

<sup>1</sup> Қараған: *Бартольд В. В. Улугбек и его время...* б. 48.

<sup>2</sup> Қараған: *Петросян Ю. А. Османская империя...* б. 27.

фаа қилаётган ғодос рицарлари Соҳибқироннинг қалъа-ши жанг-жадалсиз тоширини ҳақидаги ғалабини рад этади. Тинчлик нули билан Измирга эга бўлиш режаси амалга ошмаган Темурбек уни раъдлардан тўпга тутишга амр қиласди. Қалъа деворларига бақамти саркўблар барно этилиб, у ерга гилдиратиб чиқарилган манжаник ва арродалардан мудофаачиларга қаратса тошилар отиласди. Қалъа деворлари тагидан нақблар қазилиб, улар шох-шаббалар билан тўлдирилади ва ёкиб юборилади. Истеҳкомининг турли жойларидан раҳналар очиласди. Соҳибқирон Измириниң бошика шаҳарлар билан қилаётган алоқасига чек қўйиш мақсадида шаҳар бандаргоҳ (гаван)ини тош билан тўлдиришига қарор қиласди. Икки ҳафталик муҳосарадан сўнг шаҳар қаттиқ ҳужум йўли билан Соҳибқирон томонидан фатҳ қилинади. Мудофаачиларниң бир қисми очиқ дениз орқали қочинига улгурди. Қочолмай қолганлар Темурбек аскарлари томонидан қатли омга гирифтор булади.

Темурбек вақтнчалик уз бирлигидан, мавжудлигиниң маҳрум бўлган усмонийлар сарҳадларини 1403 йили тарк этар экан, Ойдин, Гармиёни, Қараман ва бошика бир қатор бейликларга мустақиллик беради. Усмон авлодлари тасарруфида ерларни Соҳибқирон Боязид I Илдијимининг тўрт углига булиб беришини маъқул кўради. Натижада ака-укалар орасида таҳт учун кураш бошлиниб кетади ва у бир неча йилларга чўзилади<sup>1</sup>:

Хулоса қилиб айтиш лозимки, Темурбек ҳукмронлиги даврида ҳарб иши ва ҳарбий санъат узининг олий поғонасига кутарилди. Соҳибқирон барно этган қудратли ва ута интизомли армия жаҳониниг уша даврдаги энг илгори сифатида кейинчалик буюк саркардалар, ҳарихчи олимлар томонидан эътибор этилди, бир неча асрлар мобайнида ҳарб ишида андоза вазифасини ўтади.

Соҳибқироннинг ҳарбий таълимоти бугунги кунда ҳам уз долзарблигини йўқотганий йўқ. Темурбекининг ҳарбий маҳорати, жаҳон ҳарб санъатидаги поваторлиги Ресиубликамиз сарҳадларини куз қорачигидай сақлаши мақсадида барно этилган Миллӣ армиямизиниг ҳар бир аъзоси учун дастуруламал бўлмоги мақсадга мувофиқдир.

<sup>1</sup> Қаранг: Петросян Ю. А. Османская империя... б. 28. 259-бетлар.

## ЯКУИЛАНМАГАН ЮРИШ

Деярли үттиз беш йиллик ҳарбий ҳаракатлар натижасида кўндан-кўн юрт ва мамлакатларни ўзи асос солгани қудратли салтанат тасарруфи доирасига киритишга муваффақ бўлган Темурбек 1404 йилнинг сўнгги кунлари яқинлашиб келётган дамларда дилига анча муқаддам туғиб қўйган, фикру зикрини чулгаб олган орзу, яъни турли-туман ажойиб-гаройиблардан ташкил тонган, Мовароунинаҳр авзоига иисбатан гоятда сирли ва ажиб түйилган Хитой улкасига қадам раинкида қилини режасини Рӯёбга чиқаришига қатъий қарор қилади.

Бу найтга келиб Темур давлати ва Хитой мамлакати уртасидаги дипломатик алоқалар маълум дараражада йўлга қўйилган, савдо карвоилари «Буюк шак йўли» бўйлаб қатиаб турар эди.

Баланд төглар ортидаги поёнсиз ерларда жойлашган Хитойга бориб-келиб турган ҳокирлар, савдогарлар, элчилар Темурбекка бу юрт ҳақидаги қеракли маълумотлар — қўшинилар сони, қурол турлари, жаиг қилиш усуллари, шунингдек йўллар, кечувлар, довонлар, даралар ва ҳоказо ҳарбий аҳамиятга молик хабарларни етказиб турар эди.

Соҳибқирон сўнгги йилларда Хитойда содир бўлган сиёсий ўзгаришлар, яъни мўгуллариниг бу замондан қуввиб чиқаралиши ва маҳаллий Мин сулоласига асос солиниши Чинда яшаётган мусулмонлар аҳволининг кескин ёмонлашувига сабаб бўлганлигидан, айниқса, Мин сулоласи асосчисининг исломга душманлик назари билан қараётганилигидан яхши хабардор эди.

Низомуддин Шомийиниг таъкидлашича, Темурбек 1399 йил қиши мавсумини Корабогда үтказаётган чогда Хитой ҳоқонининг ўлимидан маълум фурсат олдин арзимаган баҳона билан юз мингдан зиёд аҳли мусулмонни қатл этганилиги, ўз ҳукмронлиги остидаги эл-улусларда мавжуд бўлган исломни йўқ қилганилиги тўгрисидаги мудҳиш хабарни эшитади<sup>1</sup>.

Соҳибқирон аҳли мўминларни улар бошига тушган зулму жафодан ҳалос қилишга, Мин давлатининг кучайиб кетишими олдини олишга қандай йўл билан эришини мумкинилиги тўгрисида кўн бош қотиради. Ва ишоят,

<sup>1</sup> Қарағанг: Бартольд В. В. Улугбек и его время. Сочинения. Т. II. ч. 2. М., 1964. с. 68.

бунинг учун урушдан бошқа илож йўқлигига иқрор бўлади.

Шарқ томонга булажак юришига бир исча йил давомида пухта тайёргарлик кўрган Соҳибқирон фармони олий эълон қилиб, тавачиларга тезда лашкарнинг сонини ҳисобга олиш, изофа-кўмакчи кучлар бераолувчи вилоят, шаҳар ва туманларни рўйхатга киритишга ҳукм қиласиди.

Хумоюн хабар элтувчи бўйруқлар — тавачилар орқали салтанатининг барча томон ва чеккаларига қанот қоқади. Вилоят, юрт, ўлка, музофотларнинг ҳокимлари, атоқли саркардалару лашкарбошилар олий бош қўмонидоннинг муҳри билан зийнатланган ёрлиқларга бўни эгиб, бўйруқда аниқ кўрсатилган миқдордаги аскар, қурол-ярог, аслаҳа-анижом, озиқ-овқат ем-ҳашак билан вазъдалашган жой — миод ерига белгиланган муддатда етиб кела бошлиди.

Темурбек боргоҳининг тупроғи Эрону Турон, Хурросину Озарбайжон, Мўгулистану Даشتни Қипчоқ ва ўзга юрт улугларининг бўса жойига айланади.

Ўрдugoҳга йигилаётган черик аҳлини тавачилар тартибга солиб, уларнинг сонини дафтарларга киритадилар. Ўзлик, юзлик, минглик, туман бекларидан тортиб жангчиларнинг ҳар биригача улуфа — маош, инъом ва тортиқлар берилади.

Ушбу масъулиятли сафарга мутасадди бўлган ҳарб аҳли қурол-ярог, аслаҳа-анижом, кийим-кечак ва ҳоказоларин тартибга келтириш, синону қиличларни ўткирлаш, қалқону зириҳларни таъмирлаш, айилу узангиларни шайлаш сингари ишлар билан машгул булиб турган чогда Темурбек давлатининг бошқа зарур ва кечиктириб бўлмас юмушлари билан банд булади. Сарой Мулкхоним мадрасасига келиб тушган Соҳибқирон суюкли набираси Шир Муҳаммад иби Жаҳонгир мирзога тулиор от, зарбоф түн, мурассасъ камар ва ҳокимлик низомини ҳисоблашувчи жига инъом қилиб, уни Жанубий Афғонистоннинг Зобулистон вилоятини бошқариш учун жўнатади<sup>1</sup>.

Шу асосда Самарқандга Миср кишварининг ҳукмдори Малик Фарруҳдан Темурбекниң ашаддий ганимлари ҳисобланмиш Султон Аҳмад жалоийир ва Қора Юсуф

<sup>1</sup> Хитой юриши билан боғлиқ воқеалар баёни аксар ҳолларда Мирхондининг Оғаҳий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган «Равзат ус-сафо» асаридан олинган. Қаранг: Мирхонд. Равзат ус-сафо... 213 а — 217 а.

туркманининг ҳибсга олиниб, банди қилинганилиги ҳақидаги нома билан элчи келади. Соҳибқирон Миер элчисига марҳамат назари билан қараб, уни подшоҳона ва тұхфалар билан ҳурсанд қиласы.

Шундан сүнг Малик Фаррухининг ҳибедеги Султон Аҳмад жалоириининг құл-обғини кишаилаб, зудликда Са-марқандга юборищ зарурлиги қайд этилган мактуб элчиға тошириләди ва унға юртиға қайтиб кетишігә ижозат берилади.

Ліни шу кезларда иойтахта фараңға Дашиби Қин-чокдан ташриф буюрган элчиларға ҳам уз маскапларига жұнаб кетишігә рухсат этилади.

Элчиларни күзатын маросими билан бөглиқ ишлар ниҳоясига етгач, Соҳибқирон Тошкент, Сайрам, Ақпара, Янги (Авліё Ота), Мұғилистон вилойтиниң Хитоп чегарасында бұлған ҳукуматини амирзода жуванбаҳт Улугбек Күрагон иби Шоҳруҳ мирзога, Аидижон, Ах-сикат, Хұтаи, Кошғар вилойтларининг қокымлығини эса амирзода Иброҳим Султон иби Шоҳруҳ мирзога марҳамат ва муруват қылғанлығидан арқони давлат, беку бекет, амири умаро, фоайлу фузало, фақиры фуқарони хабардор қиласы.

Әндигина уи бир баҳорни қаршилаган ёш мирзолар Темурбекка узларига курсатылған лутфу иноятлар учун чексиз миннатдорліклар билдириб, салтанат таҳт поясында мұлозимлик қилишінде тайёр эканлыктарни изҳор этиш билан бирға бөබолардан иңбон этилған юртларға жұнаб кетмасдан у кишинине мұзаффар лашкарғохыда қолишигә ижозат сурайдылар.<sup>1</sup> Оз фурсатдан кейин Нур Мұхаммад Тогайбұға, Шайх Баҳлұл, Бағи Темур Оқбұға, Мұхаммад Озод сингары иомдор лашкарбөшилар құшинининг асосий күчлардан қашкил топған унг құл — бараптар қысмларини түпленешінде үрии қилиб таңылаңған Тошкентде жамлаш учуни Сайрам, Шоҳрухия ва узға вилойтларға илдам равона буладилар.

Бибихоним мадрасасидан отланыб, Күксаройға тушған Соҳибқирон үзинине иойби этиб белгиланған амир Бурундуққа сафарға отланыптың құшинине аниқ сочини олиш, синоҳининг қурол-ярог, озиқ-овқат, уст-бош, ем-хашик билан қай даражада таъминланғанлығини аниқлаш, әхтиёткорлик ва хавғасизлик чораларини куриш каби вазифаларни юклайды.

<sup>1</sup> Қаранг: Бартольд В. В. Улугбек и его время.. с. 71.

Ўз хизмат бурчини сидқидиллик билан утасига киришган амир Бурундуқ Темурбекка Мовароунинарх, Туркестон, Хоразм, Балх, Бадахшон, Хуресон, Мозандарон, Итил буйни ерларидан йигилган икки юз минг киниilik отлиқ ва ииёда қүшинининг Хитой сафарига шай турғанилиги ҳақида ахборот беради...

Кези келганаң қайд этиши лозимки, «Равзат ус-сафо» муаллифи Мирхонд темурий амирзода Султон Аҳмаддан Темурбек Кўрагон қўшинининг адади, яъни сони битилган девонхона дафтарининг унинг қўлида эканлиги ва бу дафтарда Хитойга сафарга отланиш учун мўлжалланган икки юз етмини икки минг олти юз ўн икки аскарга маош — улуфа берилганлиги ҳамда шу даврга келиб Соҳибқирон армиясининг умумий сони саккиз юз минг суворий ва ииёдалардан иборат эканлиги ҳақида маълумот борлигини қайта-қайта эшитганлигини ёзади.<sup>1</sup>

Амир Бурундуқдан керакли ахборотни олган Темурбек барапагар — уиг қанотга Ҳалил Султон иби Миронишоҳ мирано, Аҳмад иби Умаршайх миразоларни бош қилиб, уларга амир Ҳудайдод Ҳусайнин, амир Шамсуддин иби Аббос баҳодир ва узга қушун ва туман бекларини мулозим қилиб Тошкент, Сайрам ва Шоҳруҳияни уз аскарий қисмлари учун қишлоғ қилинларини буюради.

Сул қапот — жувангар қўмондошлиги Султон Ҳусайн (Соҳибқирон қўшининиг ўғли) Мирзога тоширилиб, мазкур қўшинининг Ясси (ҳозирги Туркистон) ва Саброига бориб, қишини ўша ерларда ўтизишиб фармон қилинади. Самарқанд ҳукуматини вақтиничалик бошқариб туришин амир Аргунишоҳга, молия инилари билан машгул бўлишини Шайх Чеҳрага ҳукм қилган Темурбек 1404 йилининг 27 ноябринда қўшининиг маркази — қулга раҳбарлик қилиб, қуёшдек ёрқин байроқу ой кўринишли аламларни ҳилинратиб, кусу ногораларни уриб, Хитой томонга қараб йўлга чиқади ва Қорабулоқ мавзеида ором олини учун тұхтайди. Ушбу мавзеда барнио этилган лашкаргоҳга теварак атрофдаги ерлардан аскарлар гурух-гуруҳ, фавик-фавик булиб келиб қушилади. Бир оз муддатдан сўнг Қорабулодан отланган қўшин аичагина масофа йўл босиб, Томлиг мавзеига етиб келгач, ҳавонини авзои бирдан бузилиб, еру осмонии зулмат қоплади. Изгирии шамол ёсib, ҳавониниг ҳарорати кескин насанди. Аввал кучли ёмғир, сўнгра қалин қор ёғади.

<sup>1</sup> Каравғ: Мирхонд. Равзат ус-сафо... 214 а.

Қаттық совуқ шиддатидан аскарларининг аъзойи-бадани титрайди, ёнаётган гулханлар сунади, оқиб турган кулу — дарёлар музлайди, дараҳтларнинг шоҳлари оқ либосга бурканади, тепаликлардан сойлик ва жарликларга томон шарқираб оқаётган ирмоқу жилгалар яхлади, ҳайвонлар ўз тўқайзору уяларига яширинади. Борлиқ бу совуқ оғатидан қутулиш илинжида Аллоҳдан паноҳ ҳилайди. Совуқ даҳшатидан замин юзи саргаяди, бояларнинг кўрку жамоли губорсимон тусга киради, майсазор ва чамаизорларнинг жисми сулиб, улардаги гўзаллик ва кўркамлиқдан ниион қолмайди.<sup>1</sup>

Соҳибқирон қўшини Туровзаминида шу вақтда қадар бўлмаган жуда кучли совуқнинг хуружига эътибор бермай, от-уловларга ёпинчиқлар ёниб, аскарлар чакмону совутлар кийиб, юришда давом этади ва илгарироқ қишлоғ учун тайёрланган Оқсулотдаги бошиналарда мақом тутади.

Оқсулотда Темурбек 28 куни давомида, яъни 1404 йилнинг 25 декабригача қолиб кетади. Бекларнинг, хосларнинг кўпчилигини қишини ўтказиш, отларни емлаш учун Тошкент жўнатади. Ўрдугоҳда амир Шайх Нуруддин, амир Шоҳмалик, амир Хожа Юсуфлардан бўлак саркардалар қолмайди.<sup>1</sup>

Қўёш жадий буржига кириши билан, яъни 1404 йилнинг 22 декабридан совуқнинг шиддати янада зўраяди. Иби Арабшоҳнинг тасвирлашича, агарда бирор киши нафас чиқарса, унинг нафаслари соқол ва мўйлови билан музлаб қолар, агар киши туфласа, туфуги ерга бориб етмай, яхлаган ўқ сингари ерга қадалар эди<sup>2</sup>.

Мана шундай оғир шароитга қарамай Соҳибқирон 25 декабр куни Оқсулотдан йўлга чиқади ва муз билан қопланган Сирдарёдан эсон-омон ўтиб, 1405 йилнинг 14 январида Ўтрорга етиб келади.

Ўтрор ҳокими Бердикенинг ўйига тушган Темурбек Ҳут ойининг уртасида ҳаракатга келиши лозим бўлган барангар, кўкламиниг дастлабки куиларида юришга чиқишига тайёр турган жувангар ва узи раҳбарлик қилаётган марказ — қўл қисмлари босиб ўтиши мўлжалланган

<sup>1</sup> Қаранг: *Иби Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур...* I китоб. 319 б.; *Мирхонд. Равзат ус-сафо...* 214 б.

<sup>2</sup> Қаранг: *Фасик Ҳавафи. Муджмал-и фасихи (фасихов свод).* Перевод, предисловие, примечания и указатели Д. Ю. Юсуповой. Ташкент, Фан, 1980. С. 125—126.

<sup>2</sup> Қаранг: *Иби Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур...* I китоб. 321 б.

йўларнииг аҳволини билиш мақсадида Сайрам ва Кудон томонга кишиларини жўнатади. Борганилар у ерларга икки наиза бўйи қор тушганлигини, қалин қор касратидан йўларнииг, дараларнииг бутунлай бекилганлигини маълум қиласидилар.

Шу асиода дашту саҳроларда сарсону саргардон кешиб юрган Тўхтамишхон ўзининг содиқ навкари Қорахожани Ўтрорга Темурбек хузурига элчи этиб юборади.

Девонхонада Чингизий хонизодалар, темурий мирзолар, йирик саркардалар билан юриш бобида сухбат қилиб утирган Соҳибқирон қабулига ташриф буюрган Қорахожака Тўхтамишхоннинг Темурбек билан бўлган жанг у жадалдан, сўнг кўп азоб-уқубат чеккашлиги, душманлари таъқибидан қочиб, чулу биёбонларда оч-ялангоч юрганилиги, эди Соҳибқирон гуноҳларидан кечиб, унга марҳамат курсатса, ортиқ итоат ва тобелик доирасидан ташқарига чикмаслиги ҳақидаги тавба-тазарруга оид сўзларини баёни этади.

Соҳибқирон элчига лутф курсатиб, Тангри таоло изи берса Хитой юришидан кейин ўзаро уруш ва низолардан боши чиқмай қолган Дашиби Қиичоқ ва Жўми учусини гина — кудурат бўлганчидан мусаффо этиб, Тўхтамишга тоширишга жазм қилганилигини хонга етказишини Қорахожага тайинлади.

1404 йилнииг 9 февралида Темурбекнииг соглиги тұсатдан ёмонлашиб, иситмаси кўтарилиб кетади. Соҳибқироннииг хос табиби мавлоно Фазулллоҳ томонидан беморни дарддан халос қилиш йўлида қўлидан келган барча илож ва муолажаларнииг қилиниши ҳеч қандай натижа бермайди.

Қазо вақти етешаётганилигини сезган Темурбек иффатойини маликаларини, жуванбаҳт амирзодаларни, зафар ёр улуг амирларни ўзининг қошига уидаб, уларга мулк ва миллат, дин ва давлат, қўшини ва райятини бошқаришда мавжуд қонун-қоидаларга риоя қилиш, адолат билан сиёсат юритиш, Оша-замин тупрогини гаразли пазардан кўз қорачигидай сақлаш борасида бир неча сўзлар айтади.

Улпидан олдин Пир Муҳаммад иби Жаҳонгир мирзозини ўзининг валиахди — тахт вориси этиб белгилаганилигини, шунинг сабабли қолган барча шаҳзодалару лашкарбошилар Пир Муҳаммадининг тахт меросхўри эканлигини тан олиб, унинг итоатларидан бўйин товламасликлари ҳақида қасам пчишларини талаб қиласиди.

Қаттиқ совуқ шиддатидаң аскарларининг аъзойи-бадани титрайди, ёнаётган гулханлар сұнади, оқиб турған күлу — дарёлар музлайди, дараҳтларниң шохлари оқ либосга бурканади, теналиклардан сойлик ва жарликларга томон шарқираб оқаётган ирмоқу жилгалар яхлади, ҳайвоnlар ўз түқайзору уяларига яширинади. Борлық бу совуқ оғатидаң құтулиш илижіда Аллоҳдан паноқ тұлайди. Совуқ даҳшатидаң заман юзи саргаяди, бөгларнинг күркү жамоли губорсімоп тусга киради, майсазор ва чаманзорларниң жисми сулиб, улардаги гүзәллик ва күркәмликдан нишон қолмайды.<sup>1</sup>

Соҳибқирон құшини Туронзамнида шу вақтда қадар бұлмаган жуда кучли совуқнинг хуружига әзтибор бермай, от-уловларға ёпинчиқтар ёниб, аскарлар чакмону совутлар кийиб, юришда давом этади ва илгарироқ қишилов учун тайёрланған Оқсулотдаги бошнаналарда мақом тутади.

Оқсулотда Темурбек 28 күн давомида, яғни 1404 йилнинг 25 декабригача қолиб кетади. Бекларниң, хосларниң күнчилегини қишини үтказиш, отларни емлаш учун Тошкент жұнатади. Үрдугеңда амир Шайх Нуруддин, амир Шоҳмалиқ, амир Хожа Юсуфлардан бұлак саркардалар қолмайды.<sup>2</sup>

Қүёш жадий буржига кириши билан, яғни 1404 йилнинг 22 декабридаң совуқнинг шиддати янада зұраяди. Ибн Арабшоғнинг тасвирлашича, агарда бирор киши нағас чиқарса, уннан нағаслари соқол ва мүйлови билан музлаб қолар, агар киши туфласа, туфуги ерга бориб етмай, яхлаган үқ сингари ерга қадалар эди<sup>3</sup>.

Мана шундай оғир шароитта қарамай Соҳибқирон 25 декабр күни Оқсулотдан шүлге чиқади ва муз билан қопланған Сирдарёдан эсон-омон үтиб, 1405 йилинің 14 ғинварыда ғтрорга етиб келади.

Ғтрор ҳокими Бердібекнинг уйига түшгап Темурбек Ҳұт ойиннің үртасида ҳаракатта келиши лозим болған баранғар, күкламаниң дастлабки күнларида юришга чиқынша тайёр турған жуванғар ва үзи раҳбарлық қилаётгап марказ — құл қисмлари босиб үтиши мүлжалланған

<sup>1</sup> Қараңг: *Ибн Арабшоғ*. Ажойиб ал-мақдур... I китоб. 319 б.; *Мирхонд*. Равзат ус-сафо... 214 б.

<sup>2</sup> Қараңг: *Фасик Ҳавафи*. Муджмал-и фасихи (фасихов свод). Перевод, предисловие, примечания и указатели Д. Ю. Юсуповой. Ташкент, Фан, 1980. С. 125—126.

<sup>3</sup> Қараңг: *Ибн Арабшоғ*. Ажойиб ал-мақдур... I китоб. 321 б.

йўларининг ахволини билиши мақсадида Сайрам ва Кудон томонига киниларини жўнатади. Борганилар у ерларга икки наиза бўйи қор тушганилигини, қалин қор касратидан йўларининг, даралариниг бутунлай бекилганилигини маълум қиласидилар.

Шу аснода дашту саҳроларда сарсону саргардон кешиб юрган Тұхтамишхон ўзининг содпқ иавқари Қораходжани Үтрорга Темурбек хузурига элчи этиб юборади.

Девонхонада Чингизий хонзодалар, темурий мирзолар, йирик саркардалар билан юриш бобида сухбат қилиб ўтирган Соҳибқирон қабулига ташриф буюрган Қорахоюка Тұхтамишхоннинг Темурбек билан бўлган жангни жадалдан, сўнг кўп азоб-уқубат чекканлиги, душманлари таъқибидан қочиб, чулу биёбонларда оч-ялангоч юрганилиги, энди Соҳибқирон гуниоҳларидан кечиб, унга марҳамат кўреатса, ортиқ итоат ва тобелик доирасидан ташқарига чиқмаслиги ҳақидаги тавба-тазарруга оид сўзларини баён этади.

Соҳибқирон элчига лутф кўреатиб, Таңгри таоло изн берса Хитой юришидан кейин ўзаро урун ва низолардан боши чиқмай қолган Даشت Қинчоқ ва Жўми учусини гина — кудурат бўлганчидан мусаффо этиб, Тұхтамишга тоширишга жазм қилганилиги хонга етказишни Қораҳоҳага тайинлади.

1404 йилининг 9 февралидә Темурбекнинг соглиги тұсатдан ёмонлашиб, иситмаси кўтарилиб кетади. Соҳибқироннинг хос табиби мавлоно Фазлуллоҳ томонидан беморни дарддан ҳалос қилиши ўулида қўлидан келган барча плож ва муолажаларининг қиллиниши ҳеч қандай натижа бермайди.

Қазо вақти етишаётганилигини сезган Темурбек иффатийин маликаларни, жуванбаҳт амирзодаларни, зафар ёр улуг амирларни ўзининг қошига упдаб, уларга мулк ва мисллат, дин ва давлат, қўшин варайтни башқаришида мавжуд қонун-қоидаларга риоя қилиши, адолат билан сиёсат юритиши, Она-замин тупрогини гаразли пазардан кўз қорачигидай сақлани борасида бир неча сўзлар айтади.

Үлпимидан олдин Пир Муҳаммад иби Жаҳонгир мирзони ўзининг валиахди — таҳт вориси этиб белгилаганилигини, шунинг сабабли қолган барча шаҳзодалару ланикарбонилар Пир Муҳаммаднинг таҳт меросхўри эканлигини тан олиб, унинг итоатларидан бўйини товламасликлари ҳақида қасам ичишларини талаб қиласиди.

1405 йилниңг 18 феврал күнү шом билан ҳуфтонининг орасыда Ҳазрат Соҳибқирон Темурбек Кўрагон бир неча бор калимал тойибани тақрор этиб, азиз жонини Яратганинг қўлига тоширади<sup>1</sup>.

Соҳибқиронининг шамсий йил ҳисоби билан 70 ёшда тўсатдан вафот этиши Хитойга қилинган ҳарбий юришини давом эттириш ва уни ишоясига этишига имкон бермади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Мирхонд. Равзат уссафо...*, 217 б; *Фасих Ҳавафи...*, б. 126; Янубовский А. Ю. Тимур.. б. 73 ва д.

## ХОТИМА ҮРНИДА

Атоқли саркарда, буюк давлат арбоби, истеъдодли ташкилотчи, ватанпарвар ва халқшарвар инсон Темурбек Курагонининг Туркистон халқларини бирлаштириш, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий иштаки назардан кучли империя тузишдек ўта масъулиятли вазифани ундалаш борасида тинмай фаолият курсатганинига салкам етти аср бўлди.

Бу йил, яъни, 1996 йили истиқлол нашидасини сураётган эркесвар халқимиз узининг улуг ўғлони Соҳибқирон Темурбек иби Тарагай таваллуд тоиган кунининг 660 йиллигини таитанали ишонлайди.

Республика Вазирлар маҳкамасининг 1994 йил 23 деқабрда қабул қилинган қарорида бу ишонли сананинг Ватанимизда кенг миқёсда ишонланиши алоҳида таъкидланади. Шунга мувофиқ «Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрини» мавзууда халқаро илмий анжуман утказиш, махсус халқаро саиёҳ пуллари очиш, Соҳибқирон иоми билан бевосита болглиқ бўлган обидалар ва қадамжоларни таъмир этиш ва сайилгоҳларга айлантириш, жаҳонгирининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида асарлар нашр қилиш, бадий, ҳужжатли фильmlар яратиш каби ишларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилгаи.

Ушбу рисолада Темурбекка бутуни жаҳон кўламида шухрат келтирган, номини Машриқдан Магрибга қадар достои қилган асосий сифати, яъни саркардалик истеъодиди ҳақида юритилган мулоҳазалар Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги кўпдан-кўн, тарихий-илмий асарларда келтирилган ҳужжатли материалларга асосланган.

Муаллиф мазкур мұъжаз рисолада буюк ватандошимиз Темурбек Курагонининг жаҳон ҳарб иши ва ҳарб санъатини ривожлантириши борасида олиб боргани сатый-ҳаракатлари ҳақида маълум даражада китобхонларга маълумот берадолса, беҳад маминуи бўлур эди.

## ЛУГАТ

Адовий — порох, дори  
Адув — ёв, ганим, душман  
Алам — байроқ, ялов  
Амирул-умаро — бош құмандон  
Аррода — тош иргитувчи мослама, манжаниқ  
Ахтаки — сарой отбокари  
Бавурчи — сарой ошпази, бакавул  
Барангар — қүшиннинг ўнг қаноти  
Барангар ҳирапули — ўнг құл, ўнг қанот авангарди  
Бекларбеки — бөш құмандон, амирул — умаро  
Боргох — ұкумдор чодири; ұкумдор қабулхонаси  
Бору — қалъа девори  
Будал — қисмларнинг жойлашиш ўрни, позиция  
Бурж — қалъа деворининг чүккеси, мииора; шаҳар деворининг бу-  
рилиш жойларыга қурилған ва соқчилар турадиган қоровулхона  
Бурқа — яккама-якка олышув чогида паҳлавоплар юзига тутыла-  
диган симли ниқоб  
Бұлжар — ҳарбий қисмларнинг йигилиш ўрни, қүшин түпләнеш  
учун белгиланған жой  
Бұлук — полк  
Гузар (гоҳ) — кечув, кечик  
Дафтардор — кирим-чиқым, ҳисоб-китоб ишлари билан шугулла-  
нувчи  
Доруга — шаҳар, қалъа, қурғон бошлиғи  
Дору — порох, дори  
Дорухона — түпнинг порох солинадиган қисми  
Еги — ёв, душман, ганим

**Жибас** — совут  
**Жибахона** — аслаҳона, қурол-прог омбори  
**Жидол** — жанг, саваш, уруш  
**Жувангар** — қўшииннинг чап қаноти, сўл қўл  
**Жувангар ҳиравули** — чап қанот (қўл) авангарди, илгор қисмі  
**Ички** — сарой мулозими  
**Каманд** — ҳалқа, сиртмоқ; арқон  
**Кежим** — жанговар от ёнинчиги  
**Куран** — аравалар ёрдамида доира шаклида қурилган лашкаргоҳ,  
лагер  
**Кўрага** — ногора  
**Кўс** — довул, катта ногора  
**Манжапиқ** — тош отиш қуроли, катапулта  
**Манглай** — илгор қисм, авангард  
**Масоф** — жанг, саваш  
**Машвараш** — ҳарбий кенгаш  
**Маърака** — жанг, уруш  
**Маъракагоҳ** — жанггоҳ, жанг майдони  
**Мингбеги** — минг жангчидан иборат қисм қўмонидони  
**Минглик** — минг аскардан иборат ҳарбий қисм  
**Мисод вақти** — ваъда вақти, келишилган вақт  
**Мубориз** — баҳодир, паҳлавон  
**Мужда** — хабар  
**Мунший** — девонхона котиби  
**Мурчил** — қисмларнинг жанговар сафар тартиби  
**Муқотала** — жанг; уруш  
**Муҳосара** — қуршов, қамал  
**Мӯнду** — ўтқир тиғли (учли) санчиқ  
**Найзавар** — наизадор  
**Нақб** — ер ости шўли  
**Нақбакаш** — ер ости шўли, яъни нақб қазувчи  
**Новакандоз** — ўқ — ёйчи  
**Пепкаш** — совға, тортиқ  
**Раъд** — тўп, замбарак  
**Раъдандоз** — тўпчи, раъд тўни отувчи  
**Сангандоз** — тош отувчи

**Сарғұб** — қалъа, қурғон деворлари енида сунъий равиша да хосил  
қилинганды түпроқ уюми

**Саронарда** — ҳукмдор чодири, ҳаймаси

**Сонгиз** — Темурбекнинг шахсий гвардиясы

**Сирчи** — шиша ясовчи уста

**Сүйргал** — зодагонларга маълум шарт ва имтиёзлар асосида берилген  
ладиган ер-мулк

**Табарзин** — ойболта

**Табы** — довул, ногора

**Тавачи** — ҳукмдорнинг фармонини кисмларга етказуучи амалдор,  
адъютант

**Талоя** — тунги соқчи гурух

**Ташпандоз** — таңш (арбалет) отувчи

**Тиркани** — ўқдон

**Туман** — 10 минг кишилик ҳарбий қисм, дивизия

**Туманбеги** — туман қўмонидони, генерал

**Тунқал** — қўшинининг белгиланган (мюод ери) жойга тўпланиш  
тўгрисидаги олий бош қўмондан бўйруги

**Тура** — одам бўйнга тенг қалқон

**Тўқим** — жанг, саваш

**Улуфа** — аскарлар маоши

**Фавж** — гурух, отряд

**Фатила** — пиллик, ўт пилиги

**Хабаргир** — айгоқчи, жосус, разведкачи

**Худ** — баҳодирлар дубулгаси

**Чапавуз** — қўшин сўл қанотининг бир булаги

**Чапар** — ҳандаклар гирдиға ўринатилган четан

**Чарга** — ов, шикор

**Чагдавул** — қўшинининг аръергарди

**Чаҳоройна** — совут, зираҳ

**Чермик** — қўшин, лашкар

**Шабихун** — тунги хужум

**Шақавул** — қўшин ўнг қанотининг бир булаги

**Шиба** — қалин ўқ ёғириш; қалин ўқ ёғдириш

**Юзбеги** — юз кишидан иборат қисм сардори

**Юзлик** — юз кишидан ташкил этилган ҳарбий бўлинма

**Язак** — кундузги соқчи отлиқ гурух

**Деавул** — амалдорни кузатиб борувчи, соқчи, қуриқш  
**Ясол** — жанговар тартпб, саф  
**Ясоқ** — жазо, улим жазоси  
**Үйбери** — ўн кишидан иборат бўлим сардори  
**Ўнамк** — ўн кишидан иборат ҳарбий бўлим  
**Ўрон** — парол  
**Ўрдугоҳ** — лашкаргоҳ, лагер  
**Ўгруқ** — қўшини ортидан келувчи кўч-қурон, обоз  
**Қажарчи** — йўлбошловчи, йўл курсатувчи  
**Қамурга** — ов қилинадиган жой, ширкоргоҳ  
**Қарануя** — асосий кучлардан анча илгари юрувчи разведкачи су-  
ворий гуруҳ, аванпост  
**Қашлоқ** — қашлов учун мўлжалланган жой  
**Қозон** — тўн, замбарак  
**Қорураандоз** — ичига ёнувчи модда — нафт солинган шиша ирени-  
тувчи  
**Қувгунчи** — таъқиб этувчи, қувувчи  
**Қунбуз** — қўшин қанотларини химоя қилувчи қисм  
**Қулавуз** — йўлбошловчи, йўл курсатувчи  
**Қўл** — қўшин маркази  
**Қўпіуп** — ҳарбий қисм  
**Ғул** — қўшин маркази  
**Ҳарб** — уруш; жанг  
**Ҳиракул** — илгор қисм, авангард

## МУНДАРИЖА

Буюк саркарда . . . . .	3
Истеъдоднинг сайқал топиши . . . . .	6
Қарор қатъий, шикоятга ўрин ўйқ . . . . .	41
Түфон . . . . .	50
Ҳиндистон фатҳи . . . . .	59
Яшинининг сунниси . . . . .	71
Йкувланимаган юриш . . . . .	82
Хотима ўрнида . . . . .	89
Лугат . . . . .	90

*Адабий-бадиий нашр*  
*Ҳамидулла Дадабоев*  
**АМИР ТЕМУРИНИНГ ҲАРБИЙ МАҲОРАТИ**

*Муҳаррир: Еқут Раҳимова  
Мусаввир Юлай Габзалилов  
Расмлар муҳаррири Ю. Габзалилов  
Техник муҳаррир Ульяна Ким  
Мусаҳҳиҳ Мозира Аҳмаджон қизи*

Босмахонага берилди 1.2.96. Босишга рухсат этилди 8.04.96. Үлчами  
84×108  $\frac{1}{32}$ . Руанома ёғози. Адабий гарнитура. Юқори босма.  
Шартли босма табоги 3,0. Нашр табоги 5,14. Нусхаси 10000. Буюрт-  
ма 8045. Баҳоси шартнома асосида.

«Езувчи» нашриётси, 700129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот Қўмитасп ижарадаги  
Тошкент полиграф комбинатида босилди. Тошкент, Навоий  
кӯчаси, 30.

**Дадабоев, Ҳамидулла.**  
**Д 15 Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати / Масъул**  
**муҳаррир А. Қаюмов /— Т.: Ёзувчи, 1996.— 96 б.**

Ушбу рисолада Темурбекниң жаҳоншумул обру-эътибор ва шон-шуҳрат топишда бош омил ҳисобланган жиҳат, яъни саркардалик истеъодди, ҳарбий маҳорати, жаҳон ҳарб санъати ривожига қўшиған улказ хиссаси, у тузгани армияниң таркибий туацлиши, тактикаси ва стратегияси хусусида тарихий илмий асарларда қайд этилган аниқ маълумотларга таянган ҳолда фикр юритилади.

Рисола илмий жамоатчилик вакиллари, умуман, маданий меросимиз ва тарихимиз мухлисларига бағишланган.

**ББК 63.3(5У)**